

Лайло Шарипова

Ўзбек шеъриятида фольклоризм

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
максус таълим вазирлиги**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Лайло Шарипова

**Ўзбек шеъриятида фольклоризм
(XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърияти асосида)**

Тошкент

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти**

2011

КИРИШ

Мустақиллик йилларида миллий қадриятлар ва халқ анъаналарининг тикланиши, фольклор асарларига нисбатан илмий қизиқишнинг ортиши туфайли адабиётшунослигимизда фольклор таъсири бўлган асарларга хос хусусиятларни текширишга қизиқиш кучайди. Фольклор ва ёзма адабиёт муносабати кўлами бенихоя кенг бўлиб, бу муаммо миллий адабиётнинг шаклланиши ва ривожланишида халқ оғзаки ижодининг роли, унга хос тасвирий воситалар, бадиий шакллардан фойдаланишнинг муҳим томонлари, фольклорлашув, фольклоризмларининг юзага келиши каби масалаларини қамраб олади. Фольклордан фойдаланиш бадиий адабиёт тараққиётининг турли даврларида турлича кечганки, уларнинг тадрижини босқичма-босқич ўрганиш, ижодкорларнинг фольклоризмлардан фойдаланишдаги услуг ва маҳоратини маҳсус тадқиқ қилиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидича, “Тарихнинг мураккаб ва ҳал қилувчи бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва элат ўз аҳиллиги ва бирдамлигини сақлаб, ўз миллий манфаатлари йўлида қатъият билан турмаса, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотадиган бўлса, охир-оқибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши шубҳасиз”¹. Халқни миллий мустақилликка даъватлантирган 70-80-йиллар ўзбек шеърияти “тарихнинг мураккаб ва ҳал қилувчи палласи”ни тўғри англаб, ўз вазифасини бажаарар экан, фольклоризмлардан ўринли фойдаланди. Истиқлолимиз учун муҳим маънавий-маърифий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган бу давр шеъриятидаги фольклоризмларни монографик жиҳатдан алоҳида ўрганиш адабиётшунослигимиз эҳтиёжидир. Ушбу тадқиқот давр поэзиясининг ўзига хослигини белгилашда, ижодкорларнинг бадиий маҳоратини баҳолашда,

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 51.

уларнинг фольклордан фойдаланиш санъатини тадқиқ этишда алоҳида аҳамият касб этади.

XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеъриятида фольклоризмлардан бадиий матнни қуриш, унинг ритмини шакллантириш, ғоявийлигини оширишда, халқчиллиги ва таъсирчанлигини кучайтиришда энг муҳим восита сифатида кенг фойдаланилганлиги кўзга ёрқин ташланиб туради. Давр шеъриятида фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари кенгайиб, фольклоризмнинг кўлами ва кўринишлари бошқа даврлардагидан кўра бойроқ тус олган. Аникроғи, танланган давр ўзбек шеъриятининг бадиий-тадрижий такомилида халқ оғзаки ижоди алоҳида аҳамият касб этиб, унинг фольклордан ижодий фойдаланишнинг ўзига хос мезонлари шаклланган. Бу мезонлар неча асрлар давомида бадиий анъанага айланиб улгурган фольклор ва ёзма адабиётнинг ўзаро ижодий алоқаларига хос эстетик қонуниятларга баъзан хамоҳанг келиши, баъзан эса янги, айни дамда, бетакрорлиги билан эътиборни тортади. Ана шу масалаларнинг муайян бир тадқиқот доирасида яхлит ўрганилаётганлиги диссертациямиз мавзуининг долзарблигини кўрсатади.

Ўзбек адабиётшунослигида ёзма адабиёт ва фольклор муносабатини монографик тарзда ўрганишга нисбатан қизиқиши XX асрнинг 60-70-йилларида бирмунча кучайди. Яратилган тадқиқотларда фольклор анъаналари ва мотивларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, у ёки бу ижодкорнинг фольклордан таъсирланиши ва ундан ижодий фойдаланишдаги маҳорати, фольклорнинг адабий жараёнга, янги оралиқ шаклларнинг яратилишига таъсири, бадиий асарда сюжетнинг фольклорий асослари сингари қатор илмий муаммолар текширилди. Жумладан, Н.Маллаевнинг “Алишер Навоий ва халқ ижодиёти”, “Навоий ижодиётининг халқчил негизи”², Ф.Жалоловнинг “Ҳамза драматургияси ва фольклор”³, Н.Каримовнинг “Ҳамид Олимжон поэзиясида

³ Жалолов Ф. Ҳамза драматургияси ва фольклор. Т.: Фан, 1988.

фольклор традициялари”¹, F.Мўминовнинг “Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди”², О.Носиров ва О.Собировнинг “Ҳалқ ижоди хазинаси”, О.Собировнинг “Фольклор анъаналари ҳақида мулоҳазалар”³, “Ўзбек совет адабиётида фольклор ва фольклор анъаналари”⁴, “Ойбек ижодида фольклор”, “Сарчашма адиб ижодида”, М.Амилованинг “Ўзбек совет адабиётида фольклор анъаналари”, С.Асқаровнинг “Майсаранинг иши” комедиясида халқ оғзаки ижоди”⁵ каби тадқиқотлари бунга мисол бўла олади. Аммо бу тадқиқотлардаги айрим таҳлил ва талқинларда шўро мафкурасига мувофиқ бирёқлама фикр юритилганлиги кўзга ташланади.

70-йилларда фольклор ва ёзма адабиёт муносабати ҳақида яратилган бу монографик тадқиқотлар қаторида яна О.Сафаровнинг “Куддус Муҳаммадийнинг фолькордан фойдаланишига доир”³, Р.Каримбоеванинг “Куддус Муҳаммадийнинг шеърий эртаклари”⁴, С.Асқаровнинг “Қодирий ижодида фольклорнинг баъзи масалалари”⁵, М.Омилованинг “Асқад Мухторнинг “Чинор” романи ва фольклор”⁶, Т.Абдиқуловнинг “Болалар поэмачилиги ва халқ оғзаки ижоди”⁷, Р.Каримбоеванинг “Шукур Саъдулла ижодида фольклор традициялари”⁸ каби мақолалари ҳам мавжуд. Бироқ бу тадқиқот ва илмий мақолаларда фольклоризм ҳодисасининг моҳияти “фолькор анъаналари”, “фольклор мотивлари”, “фольклор таъсири” тушунчалари билан қориштирилиб изоҳланади. Уларда фольклоризм ҳақида, унинг табиати, таснифи, бадиий-эстетик қиммати, вазифалари хусусида аниқ фикр юритилмайди.

¹ Ўзбек совет адабиёти масалалари. – Тошкент, 1959.

² Ҳамза ҳақида маколалар. – Тошкент, 1960.

³ Ўзбек тили ва адабиёти, 1968, 6-сон, -бет.

⁷ Ўзбек совет фольклори масалалари. Тадқиқотлар. 1-китоб. – Т., 1970, 125-143-бетлар.

⁵ Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Тўплам. –Т., 1967,---бет.

³ Ўзбек совет фольклори масалалари.-Т.: Фан, 1970, 207-211-бетлар.

⁴ ЎТА, 1972, 3-сон, 52-54-бетлар.

⁵ ЎТА, 1973, 1-сон, 19-22-бет

⁶ ЎТА, 1974, 2-сон, .7-12-бет.

⁷ ЎТА, 1975, 5-сон, -бет.

⁸ ЎТА, 1976, 1-сон, 74-76-бет

Ўзбек адабиётшунослигида фольклоризм ҳодисаси 80-йилларга келигина алоҳида эътироф этилиб, унга илмий муносабат билдирила бошланди. Бироқ бунда кўпроқ оддий фольклоризмлар, яъни асарда халқ мақолларидан фойдаланишнинг мақсади ва аҳамияти хусусидагина фикр юритилади. Жумладан, Р.Муқимовнинг “Муҳаммад Шариф Гулханий ва унинг “Зарбулмасал” асари”, А.Шомақсудовнинг “Муқимиј сатирасининг тили ва стили”¹, Х.Дониёров ва С.Мирзаевларнинг “Қўшчинор чироқлари” романининг тили ва стилига доир баъзи мулоҳазалар”², Н.Маллаевнинг “Бадији тасвир ва тилда фольклор анъаналари”,³ М.Ҳакимовнинг «Ёзувчи ва халқ тили»,⁴ О.Сафаровнинг “Болалик кўйчиси”⁴ сингари тадқиқотларида шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Ўзбек адабиётшунослигида фольклоризм ҳодисасини тадқиқ қилиш аслида рус адабиётшунослиги таъсирида юз берди. Бинобарин, рус адабиётшунослигида М.К.Азадовский⁸, П.С.Виходцев⁹, Л.И.Емельянов¹⁰ А.А.Горелев¹¹, Г.А.Левинтон¹², В.Б.Агрба¹, У.Б.Далгат² каби тадқиқотчилар фольклоризм ҳодисаси табиатини маълум даражада илмий изоҳлаб бердилар.

XX асрнинг 80-йилларда ўзбек адабиётшунослигида фольклоризмни назарий асослаш бошланди. Б.Саримсоқов П.С.Виходцев таснифиға таянган ҳолда ўзбек адабиёти хусусиятларидан келиб чиқиб, фольклоризмнинг дастлабки таснифини яратди. Унгача О.Собиров, У.Норматовлар фольклоризм таснифи деб эмас, “фольклор таъсири” муаммосини гурухлаштирилар. Уларнинг бу таснифи Б.Саримсоқовга фольклоризмнинг тўғри таснифини

¹ Ўзбек адабиёти масалалари. – Т.: ЎзССР Давлат Бадији адабиёт нашриёти, 1959, 292-325; 326-357-бетлар.

² Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. - Т.: ЎзССР Давлат Бадији адабиёт нашриёти, 1982. -Б.

³ Китобда: Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. - Т.: FACH, 1974, 208-228-бетлар.

⁴ Ҳакимов М. Ёзувчи ва халқ тили. - Т.: Фан, 1971.

⁴ Сафаров О. Болалик кўйчиси. – Т.: “Фан”, 1978.

⁸ Азадовский М.К. История русской фольклористики.- М.: Госпредизд., 1958.

⁹ Выходцев П.С. Русская советская поэзия и народное творчество.- Л., 1963.

¹⁰ Емельянов Л.И. К вопросу о фольклоризме древней русской литературы // Русской фольклор. Т. 7., М.-Л., 1962; Методологические вопросы фольклористики. - Л.: Наука, 1978.

¹¹ Горелев А.А. Введение в книге: Русская литература и фольклор. - Л.: Наука, 1982.

¹² Левинтон Г.А. Заметки о фольклоризме Блока // Миф-Фольклор-Литература. Л.: Наука, 1978.

¹ Агрба В.Б. Абхазский поэзия и устное творчество. - Л., 1963.

² Далгат Б. Литература и фольклор. – М.: Наука, 1981.

яратишида йўл очди. Шундан сўнг фольклоризмнинг у ёки бу кўриниши ҳақидаги илмий мақолалар пайдо бўла бошлади. Жумладан, И.Ёрматовнинг “Стилизация характеридаги фольклоризмлар”, “Ҳозирги ўзбек лирикасидаги синтезлашган фольклоризмлар хусусида”, О.Сафаровнинг “Фольклор ва болалар адабиёти”, “Ҳ.Олимжон шеърий адабий эртаклари”, “Турғунбой Гойибов-эртакнавис адаб”, Д.Холикованинг «Ҳозирги ўзбек шеъриятида фольклоризмлар” номли мақолалари бунга мисол бўла олади.⁵ Д.Холикованинг мақоласида факат оддий фольклоризмлар ҳақидагина фикр юритилган.

Умуман айтганда, ўзбек адабиётшунослигида Ғ.Мўминовнинг «Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм» мавзусидаги докторлик ҳамда И.Ёрматовнинг “Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризмлар типологияси (60- ва 80-йилларнинг бошлари)”, Т.Абдураҳмоновнинг “Ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва тараққиётида фольклорнинг ўрни”, Т.Хўжаевнинг “ХҮ аср 1-ярми ўзбек адабиёти ва фольклор”, Д.Қувватованинг “Ўзбек илмий-бадиий фантастикасида фольклор мотивлари” ва Ш.Сулаймоновнинг ўзбек детектив насирида фольклор анъаналари роли”, М.Нарзиқулованинг “Сабъаи сайёр” достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорида Баҳром сюжетининг талқини” масалаларига бағишлиланган номзодлик диссертациялари ҳозирги ўзбек адабиётида ижодкорлар қўллаган фольклоризмларнинг у ёки бу бадиий тур тараққиётидаги ўрнини тадқиқ қилишга, типларини аниқлашга бағишлиланган бўлса-да, фольклоризмларни адабий даврларга, у ёки бу тур ва жанрларнинг имкониятларига кўра чукурроқ ўрганиш долзарблигича қолиб келмоқда. Ҳолбуки, фольклоризм ҳодисаси адабиётнинг турли даврларида турлича намоён бўлиши, ҳар бир тур ва жанр доирасида ўзига хослик касб этиши, ижодкор

⁵ Ёрматов И. Стилизация характеридаги фольклоризмлар // ЎТА, 1984, 3-сон; яна: Ҳозирги ўзбек лирикасидаги синтезлашган фольклоризмлар хусусида // ЎТА, 1985, 2-сон; Сафаров О. Ҳамид Олимжон шеърий адабий эртаклари // “Педагогик маҳорат” журнали, 2003, 4-сон, 62-63-бетлар; яна: Фольклор ва болалар адабиёти // ЎТА, 2003, 6-сон, 20-27-бетлар; яна: Турғунбой Гойибов – эртакнавис адаб // “Педагогик маҳорат” журнали, 2005, 1-сон, 71-75-бетлар; Холикова Д. Ҳозирги ўзбек шеъриятида фольклоризмлар // ЎТА, 2004, 4-сон, 58-61-бетлар.

маҳоратини намоён этиши, айрим бадий санъатларнинг яратилишига таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан алоҳида тадқиқ қилиниши лозим.

70-80-йиллар ўзбек шеъриятининг бадий-тадрижий такомилида фольклорнинг ролини, ундаги фольклоризмларнинг турларини ва поэтик вазифаларини аниқлаш, бу давр шоирларининг халқ ижодига алоқадор жанр, образ, мотив, оҳангни бадий қайта ишлашдаги маҳоратини тадқиқ қилиш орқали ёзма адабиёт билан фольклор алоқасига хос эстетик қонуниятларни ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. 70-80-йиллар шеъриятидаги фольклоризмларнинг турларини ва поэтик вазифаларини ўрганиш учун тадқиқот олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

- фольклоризм ҳодисасининг фольклор таъсири ва фольклор анъаналари, фольклорлашув ҳодисаларидан фарқини кўрсатиб бериш орқали унинг ўзига хос хусусиятларини, эстетик моҳиятини очиш;
- фольклоризмларнинг 70-80-йиллар шеърияти бадий такомилидаги ролини, турларини ва бадий вазифаларини тадқиқ қилиш;
- 70-80-йиллар шеъриятида қўлланилган халқ оғзаки ижодига алоқадор жанр, мотив ва бадий тасвир воситаларининг хусусиятларни ўрганиш;
- 70-80-йиллар шеъриятида стилизация қилинган образларнинг фольклордаги эпик заминини очиб бериш;
- катта авлод шоирларининг фольклордан фойдаланиш борасида орттирган тажрибасининг давр шоирлари томонидан бадий-тадрижий ривожлантирилишига хос хусусиятларни текшириш;
- оддий фольклоризмнинг шеъриятда қўлланиш ўрни, мақсади ва эстетик аҳамиятини баҳолаш;
- аналитик ва синтезлашган фольклоризмларнинг шеърий асарлар сюjetидаги ўринини, ўзига хослигини, ички кўринишларини ва бадий қимматини аниқлаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертациянинг илмий янгилиги, биринчидан, унда аввалги концепциялардан қисман бўлса-да фарқ қилувчи нуктаи назар асосида фольклоризм ҳодисасининг табиати, унинг фольклор таъсири, фольклорлашув ва фольклор анъаналари ҳодисаларидан фарқи, бадиий-эстетик моҳияти, шеъриятдаги кўринишлари, хусусан, 70-80-йиллар шеъриятидаги поэтик вазифалари ва ўзига хос бадиий мезонлари алоҳида маҳсус илмий тадқиқ қилинаётганлиги билан белгиланади. **Иккинчидан**, ишда илк бор 70-80-йиллар шеъриятидаги фольклоризмнинг турлари илмий тасниф қилиниб, унинг ҳар бир турига хос хусусиятлари, табиати, тутган ўрни, қўлланиш мақсади ва бадиий-эстетик аҳамияти илмий жиҳатдан ўрганилди. **Учинчидан**, фольклоризмларнинг 70-80-йиллар шеърияти бадиий такомилидаги роли белгиланди. **Тўртинчидан**, 70-80-йиллар шеъриятида қўлланилган ҳалқ оғзаки ижодига алоқадор жанр, мотив ва бадиий тасвир воситалари аниқланиб, уларнинг вазифаси, бадиий санъат даражасига кўтарилиш йўллари аниқланди. **Бешинчидан**, 70-80-йиллар шеъриятида стилизация қилинган образларнинг фольклордаги эпик замини очиб берилди ва бунда мотив, образ ҳамда оҳангни стилизация қилиш жараёнида фольклор анъаналарининг сақланишига хос хусусиятлар алоҳида ўрганилди.

Тадқиқотнинг методологияси ва методи. Президент И.А.Каримовнинг маънавий қадриятлар, миллий мафкура ва миллий ғояга доир асарлари диссертация ишининг методологик асосини ташкил этади.

Ўзбек ва бошқа ҳалқлар адабиётшунослигига 70-80-йиллар шеъриятига алоқадор фольклоризмлар табиатини ва поэтик вазифаларини тадқиқ этишда М.К.Азадовский, П.С.Виходцев, Л.И.Емельянов, А.А.Горелев, Г.А.Левинтон, В.Б.Агрба, У.Б.Далгат, И.М.Шottt, Ҳ.Зарифов, Н.Маллаев, Т.Мирзаев, О.Собиров, Ғ.Жалолов, Б.Саримсоқов, О.Носиров, Ғ.Мўминов, О.Сафаров, М.Ҳакимов, И.Ёрматов, М.Жўраев, Ж.Эшонқул каби филолог олимларнинг илмий ишларига таянилди.

Ишда қиёсий-тариҳий, типологик ва таҳлилий методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг манбалари. Диссертацияни ёзишда, асосан, XX асрнинг 70-80-йилларида ижод қилган шоирлар (Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Тўра Сулаймон, Азим Суюн, Муҳаммад Юсуф, Усмон Қўчқор ва бошқалар)нинг шеърий асарларидан, шунингдек, фольклор материаллари асосида нашр этилган тўпламлардан манба сифатида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг асосий таҳлилий хуносалари ва умумлашмалари фольклоризм ҳодисасининг бадиий-тадрижий такомилини ҳамда унинг кейинги даврлар шеъриятидаги ва бошқа ижодий турлардаги ўрнини, поэтик вазифаларини қиёсий ўрганишда, шеърий асарларнинг бадиий-композицион ва лингвопоэтик хусусиятларини тўла илмий таҳлил қилишда ўзига хос назарий аҳамият касб этади.

Ишда келтирилган далиллар, назарий фикр-мулоҳазалардан олий ўкув юртларида, академик лицей ва коллежларда, ўрта мактабларда адабиёт ва фольклор фанлари бўйича маҳсус курслар ўтишда ёки дарс машғулотлари олиб боришида, шунингдек, бу фанлар бўйича ўкув қўлланмалари, дарслик, мажмуалар, атамалар луғати яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг жорийланиши. Иш Бухоро давлат университетининг Тил ва адабиёт кафедрасида муҳокама этилиб, тугалланган тадқиқот сифатида маъқулланган ва ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Ишнинг асосий мазмуни Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчиларининг 1995 -2008 йиллардаги анъанавий илмий-назарий анжуманларида қилинган маъruzаларда ва тадқиқот юзасидан эълон қилинган 7 та илмий мақолада ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажман 149 бетни ташкил этади.

I БОБ

ФОЛЬКЛОРИЗМ ХОДИСАСИНИНГ ЭСТЕТИК МОХИЯТИ

I.1. Фольклоризм атамасининг қўлланилиши ва моҳияти

Фольклоризм ёзма адабиёт пайдо бўлиши билан юзага келган қадимий ҳодисадир. Бироқ унинг эстетик табиати маҳсус ўрганилмагани боис илмда уни узоқ замонлардан бери “фольклордан фойдаланиш”, «фольклор анъаналари», «фольклор таъсири» каби иборалар орқали аралаш-қуралаш ҳолда ифодалаб келинаётир. Аслида бу иборалар алоҳида-алоҳида моҳиятга эга. Ҳозиргача “фольклордан фойдаланиш”, «фольклор анъаналари», «фольклор таъсири» деб ўрганилиб келинган ҳодисалар моҳиятан фольклоризм бўлиб, аслида фольклордан фойдаланиб, фольклор таъсирида юзага келгани тўғридир. Аммо “фольклордан фойдаланиш”, «фольклор таъсири» атамалари ўта умумий бўлиб, ҳодиса моҳиятини очишни қийинлаштиради.

Фольклордан фойдаланиш деганда, ижодкорнинг ўз максади ва ифода услубидан келиб чиқиб, ихтиёрий равишда фольклор материалини ёки фольклорга хос оҳанг, бадиий шакл типи ва ифода воситаларини ўз асарида қўллаши, фольклор материалига мурожаат қилиши, ундан ижодий ўрганиши тушунилади. Бунда ижодкор хоҳласа фольклор материалига қайта ишлов беради, хоҳламаса бермайди. Қолаверса, фольклордан фойдаланиш заруриятини ҳам ҳар бир ижодкор ўз ижоди учун ўзи белгилайди. Фольклордан ижодий озиқланиш бадиий ижоднинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб келган. Шоир ва адиллар фольклордан, унинг мавзу ва ғояларидан, сюжет ва образларидан,

бадий тил воситаларидан, содда ифода услубидан ижодий фойдаланиб, ўз асарларининг халқчил бўлишига интиладилар.

Фольклор таъсири деганда, ижодкорларнинг халқ оғзаки ижодига хос сюжет мотивларидан, эпик образлардан, оҳанг ва бадий шакл типларидан илҳомланиб, халқона услубда асар яратиши тушунилади. Бундан кўринадики, фольклор таъсири адабий жараённинг ривожланишида асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Халқ оғзаки ижоди билан ёзма адабиёт муносабати ва бир-бирига таъсири анъанавийдир. Зеро, барча улуғ шоирларнинг энг сара асарлари халқ асарларидан илҳомланиб яратилганлиги маълум. Жумладан, Абдулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Алишер Навоийнинг «Хамса», Муҳаммадшариф Гулханийнинг «Зарбулмасал» каби асарлари фольклордан бевосита ижодий илҳомланишнинг кўркам намуналари саналади. Жаҳон адабиётида эса Де-Костернинг «Тиль Уленшпигель», И.В.Гётенинг «Фауст», Шеллининг «Озод қилинган Прометей» асари, А.С.Пушкиннинг бетакрор жозибага эга қатор адабий эртаклари шундай ўлмас тажрибанинг самаралари ҳисобланади.

Умуман айтганда, фольклор намуналари барча давларда ижодкорларнинг эстетик идеалини бойитишга таъсир кўрсатиб келган. Халқ оғзаки ижодида йигилган ижодий тажрибалар ёзма адабиёт шаклланишида муҳим замин бўлиб хизмат қилиб келган.

Фольклор анъаналари деганда, халқ оғзаки ижодига хос ифода услубининг, бадий шакл типлари ва тасвир воситаларининг, эпик мотив ва образларнинг, маросим ҳамда урф-одатларга хос тушунча ва қарашларнинг факат фольклор асарларида сақланиб қолиши, уларни поэтик ифодалашнинг давом эттирилиши англашилади. Бироқ С.Мирзаеванинг “Ўзбек реалистик адабиётида фольклор анъаналари” қўлланмасида “фольклор анъаналари” атамаси ёзма реалистик адабиёт намуналарида фольклорга хос юксак ғояларни, типларни ва бадий шаклларни давом эттириш ҳолатига нисбатан истифода

етилган.⁶ Ҳолбуки, бу ҳолат фольклоризм табиатини ўзида намоён этади. Чунки ёзма адабиётда фольклор анъаналари давом этмайди, балки фольклор материали айнан ўзлаштирилиши ёки ғоявий-бадиий, композицион жиҳатдан бироз ўзгартирилиб, унга ижодий ишлов берилиши мумкин. Демак, фольклор таъсирида ёзма адабиёт намунасига фольклор анъаналарига хос ҳодисаларнинг бадиий маҳорат билан сингдирилишидан, қайта талқин этилишидан **фольклоризмлар** юзага келади. Фольклоризм ҳодисасининг бу тарзда истифода қилиниши эса, унинг ёзма адабиёт ҳосиласи эканлигини билдиради. Шунинг учун у ёзма бадиий ижоднинг таркибий қисми ҳисобланади. Негаки, фольклоризмда фольклор материали ёзма адабиёт қонуниятларига мувофиқ индивидуал ижодкорнинг бадиий маҳорати, ҳиссий кечинмалари, қарашлари ҳисобига янада бойитилади. Энг муҳими, унинг қўмагида реалистик талқин билан романтик талқин ўзаро бирлашиб кетади. Бу эса, хусусан, шеъриятда ўзига хос жозиба ҳосил қиласи.

Кўпинча ижодкорлар фольклор материалидан ўз даврининг долзарб муаммоларини очиб беришда, замонавий рухни ёритишда, таъсирчанликни ва халқчилликни оширишда кенг фойдаланадилар. Шу мақсадда фольклор материалининг бадиий асар таркибига маҳорат билан сингдирилишидан фольклоризм ўзига хос бадиий санъат даражасига кўтарилади. Бунда фольклор материали (халқ оғзаки бадиий ижодидаги у ёки бу мотив, образ, жанр) кўпинча қайта ишланади. Фольклоризм учун фольклор материалини танлаш ва уни қайта ижодий ишлаш натижасида фольклоризмларнинг мавзуи, табиати кенг қамров касб этади. Фольклоризмлар орқали фольклор материали ижодий қайта ишланаркан, кўпинча у янги замон, мавжуд ижтимоий тузум воқеа-ҳодисалари ва мафкурасига оид маълумоту тушунчалар билан бойитилади. Унинг мазмуни давр шароитига мувофиқлаштирилади.

⁶ Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор анъаналари. (Фольклоршунослиқдан ўқув-услубий қўлланма). – Т.: “Истиқлол”, 2005.

Фольклор асарлари умуминсоний муаммоларга ҳозиржавоблиги билан шоирлар эътиборини тортади. Улар ҳар доим заҳматкаш халқнинг манфаатини ҳимоя қилиб, унинг юксак орзу-интилишларини, ўй-ташвишларини ифода этиши боис ўта миллийлик ва халқчиллик касб этади. Шунинг учун фольклор асарларига хос бадиий шакл типлари ва воситалари, халқона оҳанг ва услубда яратилган ёзма адабиёт намуналарида ҳам ана шу хусусият бўртиб туради. Бу эса фольклоризмларнинг табиатига хос энг муҳим жиҳатлардан биридир.

Фольклоризмлар ҳам наср, ҳам назм, ҳам драматургияда учрайди. Бироқ ҳар бир ижодий турда у ўзига хос специфик хусусиятларини намоён этади.

Фольклоризмнинг яна бир муҳим томони шундаки, у фольклор ва ёзма адабиёт муносабатининг давомийлигини таъминлайди. Шунинг учун таниқли фольклоршунос Б.Саримсоқов фольклоризмлар табиатини тадқиқ қилас экан: “фольклор ва ёзма адабиёт муносабати ўз ичиға ижодкор ижодидаги оддий фольклоризмларни аниқлашдан тортиб, ижодий метод муносабати, халқчиллик, миллийлик ва байналминаллик, ижодкорнинг фольклордан ижодий фойдаланиш йўллари ва усуллари, у ёки бу санъаткор маҳоратининг йўналиши ва унда фольклор анъаналарининг таъсири муаммоларигача қамраб олади”, - деган ҳақли фикрни илгари суради.⁴ Чунки оғзаки ва ёзма адабиёт муносабати кенг қамровлидир. Аммо бу муносабат ўзагида икки масала: фольклорлашув ва фольклоризм ҳодисаси туради. Бошқа масалалар шу икки тушунча атрофида бирлашади. Ёзма адабиётнинг таъсири туфайли адабий сюжет, мотив, образ, оҳанг кабиларнинг халқ оғзаки ижодига кўчиб ўтиши **фольклорлашув ҳодисасидир**. Бу ҳақда фольклоршунос Т.Мирзаев⁵ ва адабиётшунос Н.Маллаев⁶ қимматли мулоҳазаларни билдиришган. Фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири туфайли эса фольклоризм ҳодисаси юзага келади. У ҳақда Б.Саримсоқов, F.Мўминов, О.Сафаров, И.Ёрматов, М.Амиловалар ўз илмий мулоҳазаларини билдириб ўтишган. Билдирилган мулоҳазалардан

⁴ Саримсоқов Б. Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларига доир изланишлар // ЎТА, 1976, 5-сон, 85-бет.

⁵ Т. Мирзаев. Ўзбек халқ достончилик ижодига ёзма адабиётнинг таъсири // ЎТА, 1970, 4-сон, 51-55-бет.

⁶ Н. Маллаев. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти - Т.: FACH, 1974, 229-299-бетлар.

фольклорлашув ҳодисаси фольклоршуносликнинг тадқиқот обьекти, фольклоризм ҳодисаси адабиётшуносликка дахлдорлиги англашилади.

Т.Мирзаев халқ достонларига ёзма адабиёт таъсирини тадқиқ қиласр экан, фольклорлашув ҳодисаси фольклорнинг бойиш йўлларидан бири эканлигини аниқлайди. Бундай фикрни Навоий достонларининг халқ вариантлари ҳақида ҳамда Навоий асарлари таъсирида яратилган халқ эртак, афсона, достонлари хусусида тўхталган Н.Маллаев ҳам тасдиқлайди.

Ғ.Мўминов тадқиқотида шеърий асарларда фольклор мотивларидан, афсона ва ривоятлардан ижодий фойдаланиб юзага келтирилган фольклоризмлар хусусида қимматли мулоҳазалар илгари сурилган.¹

О.Сафаров адабий эртакларнинг юзага келиш йўллари, мавзувий ва шаклий турлари орқали юзага келтирилган фольклоризмлар табиатини очиб беради.² Олим фольклор ва ёзма адабиёт орасидаги алоқани генетик (бевосита) ва билвосита алоқа турларига бўлиб, билвосита алоқа фольклоризмларни юзага келтиришини асослайди.⁵ У шу қарашларини Ҳ.Олимжон ва Т.Ғойибовларнинг эртакнавислиқдаги маҳоратлари таҳлили асносида назарий асослайди.

М.Амилова Ғ.Ғулом ва А.Мухтор ижодига фольклор таъсирини ўрганар экан, фольклор мотивлари, оҳанглари, образларининг бу ижодкорлар асарларида стилизацион фольклоризмга айлантирилиш йўлларини, унга алоқадор бадиий маҳорат сирларини ва индивидуал услубий қирраларини кузатади.³ Ҳодисанинг фольклор ва адабиёт муносабатларига дахлдорлигини алоҳида қайд этади.

Ўзбек адабиётшунослигига фольклоризм моҳиятини очиб берувчи дастлабки тадқиқотни Б.Саримсоқов яратди. Олимнинг фольклоризм типологиясига доир изланишларини кейинчалик адабиётшунос И.Ёрматов давом эттирди.

¹ Мўминов Ғ. Ўзбек совет адабиёти тараққиётида фольклорнинг роли.- Т.: Фан, 1985.

² Сафаров О. Фольклор ва болалар адабиёти // ЎТА, 2003, 6-сон, 20-26-бетлар.

⁵ Сафаров О. Фольклор ва болалар адабиёти // ЎТА, 2003, 6-сон, --бет

³ Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор анъаналари. – Т.: Фан, 1990.

Б.Саримсоқов «адабиёт таркибидаги фольклор материали» фольклор эмас, фольклоризм эканини эътироф этади². Фольклор анъаналари фольклорнинг ўзида, жумладан, қўшиқчилик, асқиябозлик ва ҳоказо турларида давом этиши мумкин. Аммо ёзма адабиётда фольклор анъаналари бўлмайди. Фольклордан ёзма адабиётга кўчган жанр, мотив, образ, оҳанг кабилар ўзлаштирилиб ёки айнан қўлланишидан қатъий назар фольклорлигини йўқотиб, адабиётнинг таркибий узвига айланади, яъни фольклоризмни юзага келтиради.

Асадаги фольклоризмни топиш, унинг асада тутган ўрнини, поэтик вазифаларини аниқлаш учун зарур. Асадаги фольклоризмни топиш деганда: а) унинг типини аниқлаш; б) сюжетдаги ўрнини белгилаш; в) ғоявий-бадиий қимматини баҳолаш назарда тутилиши лозим.

ХХ асрнинг 70-80-йиллари шеъриятида ижодкорлар мавжуд фольклор анъаналарини ё тўлигича, ё қисман қабул қилиб, уни янги шароитга мослаб оригинал (бетакрор) асалар яратдилар. Фольклорда ва мумтоз адабиётда эришилган ижодий тажрибалар 70-80-йиллар шеъриятининг тараққиётида ҳам, шубҳасиз, муҳим роль ўйнади.

Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларини ўрганиш узоқ йиллик чуқур тарихга эга бўлса-да, кўпинча бу муаммо халқ мақоллари, фольклор образлари, эртақ, афсона каби жанрлар таъсирини текшириш доирасида қолиб келди. Ҳатто «Ўзбек тили ва адабиёти” журналида 1980 йилларда оралиқ жанрлар масаласи соҳасида амалга оширилган баҳс ҳам муаммони ёритишга ожизлик қилди. Юқорида санаб ўтилган тадқиқотлар мисолида айтиш мумкинки, фольклоризм моҳияти, шу кунгача асосан амалий жиҳатдан ёритиб келинди, холос.

“Фольклоризм” сўзи аслида тиббиёт истилохи сифатида Гиппократ давридан буён қўлланилиб келинади. Адабиётшунослик истилохи сифатида эса у илк бор XIX асрда француз фольклоршуноси Себийо томонидан қўлланган бўлиб, “фольклор билан қизиқиш ва шуғулланиш” маъносини ифодалаган. Рус

² Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир // ЎТА, 1980, 4-сон, 40-бет.

адабиётшунослигига XX асрнинг 30-йилларига келиб М.К.Азадовский бадий адабиётда, публицистикада фольклордан фойдаланиш ҳодисасини «фольклоризм» деб атади. Шу асрнинг 60-йилларида фольклоризм истилохини қўллаш халқаро тус олди ва кенг ёйилди¹.

Професор Б.Саримсоқов “Бирор ижодкор асарига бирор мақсад билан киритилган фольклорга хос барча материални фольклор деб эмас, балки фольклоризм атамаси билан юритиш лозим, чунки унга ижодкор томонидан муайян бир ишлов берилган бўлади”, - деганида ҳақ эди². Аммо ёзма адабиёт фольклорнинг турли жиҳатларига мурожаат қиласиди. Ижодкор фольклор материалига ишлов бериши жараёнида ранг-баранг шакллар юзага келади. Услуб хилма-хиллиги келиб чиқади. Шу асосда стилизацион фольклоризмнинг ички кўринишлари шаклланади. “Стилизация” - услугба монандлик”, “унга ўхшатиб асар яратиш” деган маъноларни ифодалайди. Ёзма адабиётда фольклорнинг турли жиҳатлари алоҳида-алоҳида стилизация қилиниб, бир неча турдаги фольклоризмлар яратилган. Айтайлик, фольклор жанрлари ёзма адабиёт томонидан ўзлаштирилиб, жанр стилизацияси ҳосил қилинган. Ёки фольклор мотиви ижодкор томонидан ўзлаштирилиб, мотив стилизациясига айлантирилади. Бунда мавжуд фольклор мотивига ишлов берилар экан, унга ижодкор ғояси, мақсади қўшилиши аниқ. Шунинг учун энди у фольклор мотиви ҳисобланмайди. Фольклор образи ёзма адабиётга кўчирилар экан, ижодкор уни ўз мақсади йўлидаги бир воситага айлантиради. Ёки халқона оҳанг шоир томонидан ўзлаштирилиб, ёзма шеъриятга кўчирилганда халқона оҳанг ижодкор қалби оҳанглари билан қоришади.

И.Ёрматов стилизация ҳодисасини тадқиқ қиласар экан, уни икки: а) ўзини оқлаган модификацион стилизация ёки ғоявий-бадий модификация; б) сохта модификацион стилизация ёки сохта модификация кўринишига ажратади ва буни қисқача қилиб “модификация-стилизация” ёки оддийгина модификация

¹ Краткая литературная энциклопедия, с.....

² Ўша жой, 39-бет.

дейиши мумкин, деб хисоблайди.¹ Маълумки, “модификация” сўзи “турланиш”, “кўринишини ўзгартириш”, “ўзгарган шакли” маъноларини билдиради.² Айни чокда “трансформация” сўзи ҳам шундай маънога эга ва адабиётшуносликда ҳам бу истилоҳлар баъзан фольклоризм ҳодисасига нисбатан қўлланган ҳоллар учрайди.³ Бизнингча, “модификация” истилоҳи “фольклоризм” каби умумийлик касб этади-ю, унинг турларидан бирини англатмайди. Чунки асл оддий фольклоризм билан асл аналитик фольклоризмдан бошқа турдаги фольклоризмларда фольклор материали ўз шаклини ўзгартирган бўлади. Фольклор материалининг ёзма адабиётда ўзлашуви трансформация эмас, балки фольклоризм дейилгани маъқулроқдир.

1934 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ ёзувчиларининг I съездида фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларига алоҳида эътибор берилиб, фольклоризм муаммоси ижодий методларни ўрганиш муаммоси билан бир қаторда туриши таъкидланди². Шу зайлда М.К.Азадовскийнинг бу йўналишдаги тадқиқотларидан сўнг мазкур масалага муносабат яна сустлашди. XX асрнинг 60-йилларига келиб тағин бирмунча жонланди. Кўзга кўринган рус ижодкорлари ижодидаги фольклоризмлар тадқиқ этила бошланди. Рус адабиётшунослигидаги бу жараён украин, грузин, озар ва ниҳоят, ўзбек адабиётшунослигига ҳам кўчди.

Фольклор ва мумтоз адабиётда достонлар таркибида бошқа жанрларнинг учраши ҳолати азалдан бор. Айтайлик, “Алмопиш”да қарғиш, олқиши, ёр-ёрлар, “Қутадғу билиг” таркибида-да туюқ, қасида каби жанрларнинг намуналари мавжуд. Лекин бу ҳол фольклоризм саналмайди.

Фольклор асарининг таркибида фольклор намунаси ёки ёзма адабиёт намунаси таркибида ёзма адабиёт жанрлари учраса, бундай ҳолат адабиётшуносликда жанр ичида жанрнинг келиши ҳодисаси сифатида

¹ Ёрматов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60-е начало 80-х годов) КД.- Т., 1985, с.38.

² Русча-ўзбекча лугат. 11 томлик, 1-том. – Т., 1983, 566-бет.

³ Далгат У.Б. Литература и фольклор. -Л.: Наука, 1981.

² Мўминов Ф. Ўзбек совет адабиёти тараққиётида фольклорнинг роли. – Т.:Фан, 1985, 6-бет.

баҳоланади. Бироқ фольклор намунасининг ёзма адабиётга сингдирилиши ёки унинг таркибида келтирилишига нисбатан бундай қараб бўлмайди. Чунки бу алоҳида ходиса бўлиб, у фольклоризм деб юритилади. Ўзбек мумтоз адабиётида фольклоризм яратиш «Қутадғу билиг»дан бошланган.

Хулоса шуки, фольклоризм ўзига хос бадиий ходиса сифатида муҳим эстетик аҳамият касб этади. У фольклор таъсирида ёзма адабиёт намунасига фольклор анъаналарига хос ҳодисаларнинг бадиий маҳорат билан сингдирилишидан, қайта талқин этилишидан юзага келади. Фольклоризм ҳодисаси ҳалқ оғзаки ижодиётига мансуб у ёки бу жанр, сюжет, образ, мотив, оҳангнинг индивидуал ижодкорлар томонидан ўзлаштирилиб, айнан ёки қайта ишланган ёхуд уларга монанд ҳолда яратилишидан иборатdir. Шунинг учун у ёзма адабиёт ҳосиласи, бадиий ижоднинг таркибий қисми ҳисобланади. Фольклоризмлар воситасида ижодкорнинг индивидуал бадиий маҳорати, ўзига хос услуби намоён бўлади. Яратилган асарнинг ғоявий-бадиий таъсирчанлиги ортади.

I.2. Фольклоризмларнинг таснифи масаласи

Фольклоризмнинг ўрганилиши, хусусан, унинг типологияси масаласи қизғин баҳсларни келтириб чиқарди. Рус адабиётшунослигида М.К.Азадовский фольклоризм табиати ва таснифи муаммосини XX асрнинг 30-йилларидаёқ ўргана бошлаган эди. У XYIII аср рус адабиётига фольклорнинг таъсирини ойдинлаштириш мақсадида декабристлар ва А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, В.Г.Белинский, Н.Г.Чернишевский, Н.Л.Добролюбов ва бошқалар ижодидаги фольклоризмларни кенг ўрганди³. Олим фольклоризм хусусиятларини қайд қиласар экан, ҳар бир ҳалқнинг ва ҳар бир ижодкорнинг ўз фольклоризми бўлишини алоҳида таъкидлайди⁴. Унинг фикрича, немис фольклоризми

³ Азадовский К. История русской фольклористики. – М.: Угпедгиз, 1958, ст.14.

⁴ Азадовский. Шу манба, 222-223-бетлар.

И.В.Гёте, француз фольклоризми Фориэл, рус фольклоризми А.С.Пушкин ижодида намоён бўлди. А.С.Пушкин рус адабиётини фольклоризм ёрдамида жўнликдан, диний анъаналар қобигидан ва романтизмдан кутқариб, халқнинг курашчан ва ҳаққоний, ёрқин фикрлари билан бойитди.⁵

Агар М.К.Азадовский фикрига таяниб, ҳар бир халқнинг ўз фольклоризми бўлиши ҳақидаги мулоҳазаси инобатга олинса, ўзбек фольклоризмининг ҳам табиатини очиб беришга тўғри келади. Ўзбек фольклоризмининг табиатини эса, аввало, халқимиз оғзаки поэтик ижодида, шунингдек, мумтоз ва замонавий ёзма адабиётимизнинг фольклор билан муносабати соҳасида эришилган ижодий тажрибалар йифиндиси белгилайди. Аникроғи, халқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган сюжет ва мотивлар, бадиий шакл типлари билан бирга фольклорга хос ғоявий йўналиш ва характерлардан, миллатимизнинг орзу-интилишлари, ҳистойгулари, эътиқодий қарашлари, ўзига хос урф-одатларини ифодаловчи бадиий воситалардан, тушунчалардан, айниқса, халқ асарларининг тил бойлигидан, мақол ва ҳикматли сўзлардан янги замон, мавжуд ижтимоий тузум воқеа-ҳодисалари ва мафкураси мазмунига мувофиқ танлаб фойдаланиш ҳамда шу асосда янги яратилган асарнинг миллийлиги ва халқчиллигини таъминлаш ўзбек фольклоризмининг табиатини намоён этади.

М.К.Азадовский фольклоризмни яна илмий фольклоризм ва бадиий фольклоризм тарзида икки гурухга ажратди⁷. Бу эса фольклоризм ҳодисасини ўрганиш жараёнидаги илк илмий тасниф эди. Олим мифологияни илмий ва бадиий фольклоризмларни келтириб чиқарувчи унсурлардан бири деб қарайди. У В.Г.Белинский, Н.Л.Добролюбов, Н.Г.Чернишевскийларнинг илмий-оммабоп, публицистик асарларида илмий фольклоризм учрашини эътироф этади. Шунингдек, А.С.Пушкин ва М.Ю.Лермонтовларнинг поэтик асарлари мисолида «бадиий фольклоризм»ларни кўрсатиб беради. Кўринаётирки, М.К.Азадовский бу ўринда фольклоризмни табиатига қараб эмас, қўлланиш

⁵ М.Азадовский. Шу манба, 252-253- бетлар.

⁷ Ўша манба, 128-бет.

ўрнига қараб тасниф қилмоқда. Демак, фольклоризм қайси йўналишдаги ва қайси турдаги бадиий ижод намунасига нима мақсадда кўчирилишига қараб, турлича бўлади. Шунга кўра уни турли аниқловчилар билан кўллаш ўзига хос илмий тамойилга айланиб улгурган. Жумладан, бадиий фольклоризм, илмий фольклоризм, этнографик фольклоризм, оддий фольклоризм, мураккаб фольклоризм, аналитик фольклоризм, синтезлашган фольклоризм, стилизацион фольклоризм каби атамаларнинг қўлланиши орқали ушбу ҳодисанинг нечоғлик серкирра ва мураккаб, кенг қамровли эканлигини илғаш мумкин.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, фольклоризм нафақат бадиий асарлар, балки публицистик асарлар таркибида-да учрайди. Жумладан, А.Ф.Некрилова «Очеркисты - шести десятники», «Г.И.Успенский» каби тадқиқотларида айнан очеркларда қўлланган фольклоризмлар хусусида тўхталган.⁸ Бундан фольклорнинг нафақат бадиий адабиёт, балки публицистика ривожи учун ҳам муҳим омил бўла олганлиги кўринади.

М.К.Азадовский тадқиқоти ҳозирги замон адабиётшунослиги учун ўта муҳим бўлишига қарамай, ҳанузгача эътибордан четда қолиб келаётган уч жиҳатни эсга солади. Биринчиси, ҳар бир миллатнинг ўз фольклори, ўз фольклоризми, яъни миллий фольклоризми борлигини ва у шу миллатнинг етакчи ижодкорлари юзага келтирган фольклоризмлар йигиндисидан иборатлигини билдиради. Иккинчидан, ижодкорлар фольклордан ўз имкониятларига қараб турлича фойдаланишлари боис фольклоризмнинг ранг-баранг турлари мавжудлигини эслатади. Учинчидан, фольклоризм нафақат бадиий адабиётда, балки адабий-илмий тадқиқотчилик, публицистика таркибида ҳам учрашидан огоҳ этади.

М.К.Азадовский фольклоризмни фақат бадиий адабиётдан эмас, публицистикадан ҳам излаб, уларни илмий фольклоризм деб атаганини юқорида эслаб ўтдик. Ўзбек адабиётшунослиги эса фольклоризмни, асосан, бадиий адабиёт бағридан излаш билан чегараланмоқда. Ҳолбуки, ўзбек

⁸Русская литература и фольклор (Вторая половина XIX века). – Л.: Наука, 1982, с. 131-177.

публицистикаси кузатилса, унда ҳам фольклоризмлардан ўзига хос услубда фойдаланганлиги кўзга ташланади. Бундай фольклоризмларни публицистиканинг очерк, портрет, фельетон каби жанрларида нисбатан кўпроқ учратиш мумкин. Негаки, бу жанрларда кўпинча қаҳрамоннинг характер-хусусиятини очиб бериш ёки индивидуаллаштириш учун халқона услубда муболағалаштириб, кучайтириб тасвирлаш ҳолати кузатилади. Масалан, маҳоратли адиб Абдулла Қаҳҳор “Пора” фельетонида эртак жанрига хос ифода услубидан фойдаланиб, порахўр амалдорнинг кирдикорларини очиб ташласа,⁷ “Дунё қачон эркин нафас олади” фельетони таркибида қадимги бир афсонани келтириб, ундаги малъун дев образини ёвуз Гитлер образи билан тенглаштиради.⁸ Бироқ бу ўринда М.К.Азадовскийнинг илмий-оммабоп, публицистик асарларда учрайдиган фольклоризмларни илмий фольклоризм деб гурухлаш ҳақидаги фикрига қўшилиш қийин. Чунки публицистик асарларда ҳам фольклоризм бадиий маҳорат самараси сифатида юзага чиқади ва асарнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қиласи. У ҳеч қандай илмий мақсадга хизмат қилмайди. Эҳтимол, фольклоризмнинг ҳам публицистик асарда, ҳам бадиий асарда қўлланишини эътиборга олиб, уларни қўлланиш ўрнига кўра фарқлаш мақсадида публицистик ва бадиий фольклоризм кўринишида иккига ажратиш мақбулдир.

Рус адабиётшунослигида М.К.Азадовский анъаналари давом эттирилди. В.Е.Ветловскаяяning «Ф.М.Достоевский», В.В.Прозоровнинг “М.Е.Салтиков-Шчедрин”, Ф.Я.Прийманнинг «Н.А.Некрасов», Л.В.Чернихнинг «А.Н.Островский» каби тадқиқотлари¹ яратилгач, уларда «Пушкин фольклоризми», «Достоевский фольдоризми», «Толстой фольклоризми» каби истилоҳлар пайдо бўлди. Бундай тадқиқотларнинг яратилиши умумжаҳон адабиётшунослигида ҳар бир давр ижодкорларининг фольклордан ижодий

⁷ Қаҳҳор А. Пора // Асарлар. 5-жилдлик. 4-жилд. Пьесалар, портретлар, фельетонлар. Т.: FACH, 1988, 296-297-б.

⁸ Ўша китоб, 280-б.

¹ Русская литература и фольклор, с.19.

озиқланиш усулларини, уларнинг фольклор сюжетлари ва мавзуларини қайта ишлашдаги индивидуал бадий маҳоратини, шу ижодкор яшаган адабий муҳитнинг бадий мезонлари ва фольклорнинг бу давр ёзма адабиёти тараққиётига қанчалик таъсир кўрсатганлигини билиб олишга кенг йўл очди.

В.В.Прозоров “М.Е.Салтиков-Шчедрин” мақоласида бу ёзувчининг фольклорга, фольклор жанрига, мавзусига ва образларига тез-тез мурожаат қилганини, халқ сатирасидан усталик билан фойдаланганини, хусусан, мақолларни тарнсформация қилиб, уларни кинояли, ғамгин ёки кулгили ҳолатларни очиб беришда қўллаганини таъкидлаб туриб, халқ мақоли орқали бир вақтнинг ўзида ҳам истехзо, ҳам маъюслик, ҳам комиклик ҳосил қилиш учун Салтиков-Шчедрин бўлиш лозимлигини уқтиради.²

А.С.Бушминнинг қуидаги мулоҳазаси В.Прозоровнинг ана шу фикрини тасдиқлайди: “Салтиков-Шчедрин фольклор образларидан нусха кўчирмади, балки улар руҳидаги образларни эркин суръатда яратди... образларни халқдан олди ва уларни ғоявий-бадий жиҳатдан бойитган ҳолда халққа қайтарди”. Кўриняптики, бу таърифлар Салтиков-Шчедрин фольклоризмининг ўзига ҳослигини характерлайди.

Ф.Я.Прийма “Н.А.Некрасов” тадқиқотида фольклор руҳида ижод қилиш некрасовча фользоризм асосини ташкил қилишини, шоир шеъриятида стилизация учрашини кўрсатиб беради. Адабиётшуноснинг фикрича, “халқ тили, тафаккури, фольклорига хос рамзийлик, бадиият Некрасов шеъриятига қоришиб кетганки, ана шу ҳол некрасовча фольклоризмни ўзида намоён этади”. Шоирнинг адабий тил билан умумхалқ тилини яқинлаштириш йўлидаги кураши ҳам некрасовча фольклоризмнинг ўзига хос жиҳатидир.

Алишер Навоий, Комил Яшин, Ойбек, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қаҳҳорнинг халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш маҳорати тадқиқ қилинган илмий асарлар мисолида уларнинг ўз фольклоризми шаклланганлиги англашилади. Жумладан,

² Прозоров В.В. М.Е.Салтыков-Щедрин // Русская литература и фольклор. - Л.:Наука, 1982,с.91.

М.Шайхзода ва Н.Маллаев Алишер Навоийнинг, О.Собиров эса Комил Яшин, Ойбек, Абдулла Қодирийнинг, Н.Каримов Ҳамид Олимжоннинг, С.Мирзаев ва А.Файзиевлар Абдулла Қаҳҳорнинг, С.Аскаров, Ғ.Жалолов ҳамда Ғ.Мўминовлар Ҳамзанинг ижодида қўлланилган фольклорга хос юксак ғоя, образ, мотив, оҳанг ва бадиий шакл типларини чуқур ўргана туриб, уларнинг бу борада эришган ютуқларини, ўзига хос индивидуал услубий маҳоратини таҳлил қилдилар. Фақат бу ҳодиса рус адабиётшунослигидаги каби ҳар бир ижодкорнинг индивидуал фольклоризми сифатида маҳсус эътироф этилмади. Бироқ ҳалқона шакл ва услубда асар яратган ижодкорларнинг фольклоризмига хос белгилар маълум даражада чегаралаб кўрсатилди. Алишер Навоий фольклоризми кўпроқ оғзаки эпик асарларнинг сюжет мотивлари ва образларини қўллаш асосида юзага келганлиги; Ҳамид Олимжон ҳалқ эртакларидан, Абдулла Қаҳҳор мақоллардан бадиий усталик билан фойдаланиб бетакрор ўз фольклоризмини яратишга эришганлиги тўғри қайд этилди.

Шу мантиқдан келиб чиқиб қаралса, XX асрнинг 70-80-йилларидағи ўзбек шеърияти фольклоризми Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Тўра Сулаймон, Азим Суюн, Муҳаммад Юсуф, Усмон Қўчкор ва бошқа маҳоратли шоирларнинг фольклоризми йиғиндисидан ташкил топганлигини кузатиш мумкин. Улар, асосан, фольклор руҳида ижод қилганлари боис, асарлари тез ва кенг оммалашди.

Ўзбек адабиётшунослигига фольклоризм ҳодисасини ўрганиб, тасниф қилиш харакати XX асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йилларнинг бошларига тўғри келади. «Фольклоризм» истилоҳи ҳали қабул қилинмай, қўлланмай туриб, фольклор ва адабиёт муносабатларини ўрганишга анча илгарироқ киришилган эди. Жумладан, М.Шайхзода Алишер Навоий ижодига оид тадқиқотида шундай ёзади: «Навоий сюжет тўқималаридан бошқа фольклорнинг деярли ҳамма приём, восита, жанр, шакл, шеърларидан ҳам кенг фойдаланган». У яна фикрини давом эттириб, «Сабъаи сайёр» достонида эртак бошланмасидан,

бошқа асарларида мақол-матал жанрларидан фойдаланилган”, -дея ёзади⁴. Кўринадики, олим оддий ва мураккаб фольклоризмларни тадқиқ қилган, аммо бунда у фольклоризм истилоҳини қўлламаган.

О.Собиров фольклор намуналари ва тажрибаларини ўзлаштириш, фольклор анъаналарини давом эттиришнинг беш хил шаклини қўрсатиб ўтади:

- 1) фольклор анъаналари ёзувчи яратган асарнинг ғоявий-бадиий руҳига сингиб кетиши;
- 2) фольклор сюжетларини қайта ижодий ишлаш орқали замонавий асар яратиш;
- 3) фольклор сюжетлари ва мотивларини ўзлаштирган ҳолда асар яратиш;
- 4) ҳалқ поэзияси стили, формаси ва приёмлари йўлида замонавий қўшиқлар яратиш;
- 5) ҳалқ достонлари йўлида замонавий достон яратиш.

Бироқ бу таснифга Б.Саримсоқов эътиroz билдириб, шундай ёзади: «О.Собиров келтирган фольклор ва фольклор анъаналаридан фойдаланишнинг беш хил шакли фольклоризм моҳиятидан келтириб чиқарилмаган»⁵. Дарҳақиқат, бунда фольклоризмлар таснифи умумий тарзда ҳал этилган. Б.Саримсоқовнинг мулоҳазасини давом эттириб айтиш мумкинки, аслида О.Собировнинг таснифи ўзбек фольклоризмини илмий тасниф этишни бошлаб берди. Айтайлик, унинг “фольклор анъаналари ёзувчи яратган асарнинг ғоявий-бадиий руҳига сингиб кетган ҳолда кўриниши”⁵ ҳақидаги фикри синтезлашган фольклоризм таърифига жуда яқин. Аммо қолган фикрлари фольклоризм турлари таърифига монанд эмас. Бу ҳақда Б.Саримсоқов етарлича тўхталган.

Адабиётшунос У.Норматов фольклорнинг адабиётга таъсирини уч йўналишда ифода этади: «1) айрим асарларда фольклорнинг ифода воситалари ёрдамчи деталь сифатида қўлланади». Гарчи бу таъриф фольклоризм табиатини

⁴ Шайхзода М. Навоий ижодида фольклор мотивлари. 4-том. – Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти., 1972, 23-29-бетлар.

⁵ Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир // ЎТА, 1980, 4-сон, 40-бет.

⁵ Собиров О. Ўзбек совет адабиётида фольклор ва фольклор анъаналари // Ўзбек совет фольклори масалалари.- Т., 1970, 125-143-бетлар.

ифодаламаган эса-да, аммо оддий фольклоризм ва аналитик фольклоризм ёзма адабиёт таркибида ёрдамчи деталь сифатида қўлланишини инобатга олсак, унда илмий мулоҳаза ҳосиласи кўзга ташланади. 2) “Яна бир тур ҳикоя ва қиссаларда, афсона ва реаллик ёндош келади». Бу фикр аналитик фольклоризм таърифи бўлолмаса-да, аммо ёзма адабиётда афсона сюжетга сингдирилмай келтирилса, аналитик фольклоризм юзага келади ҳамда бундай ҳолларда афсона ва реаллик ёндош келиши аниқ. Кўринадики, фолклоризм моҳияти нуқтаи назаридан қаралса, олим таснифининг биринчи ва иккинчи қисми бир ҳодисанинг таърифига ўхшаб қолади «3) Шундай асарлар борки, улар бутунлай фольклор сюжети асосига қурилади»¹. Бу таъриф синтезлашган фольклоризм моҳиятини қисман акс эттиради. Шуниси борки, олим фольклоризмни эмас, фольклор таъсирини гуруҳлаган. Бундай гуруҳлаш фольклоризм ички таснифга эга эканлигини, тасниф эса ёзма адабиётнинг тадқиқидан келиб чиқишини англашга ёрдам беради.

Бадиий асар таркибига сингдирилаётган фольклор материали ё асл ҳолида, ё қайта ишланган ҳолда олиниши мумкин. Шунга қараб фольклоризмларни дастлаб иккига бўлиш мумкин: а) қайта ишланган фольклоризмлар; б) асл фольклоризмлар.

XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеъриятида қайта ишланган фольклоризмлар кенг қўлланади. Қайта ишланган фольклоризмлар кўпинча фольклор материалининг шаклини ўзгартириб, маъносини сақлаш усулида ҳосил қилинади:

«Кимга тишлатиб қўйсанг,
Унда тил – забон бўлмас».⁶

Шоир Эркин Воҳидов бу мисрада «Еган оғиз уялар» маталини ўзлаштириш билан манфаат фалсафасининг бир жиҳатини ёритиб берганки, ушбу фикр асрлар давомида ўз кучини йўқотмаган.

¹ Норматов У. Насримиз анъаналари. –Т.: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 76-бет.

⁶ Воҳидов Э. Садоқатнома, 74-бет.

Энди осмон йироқ,
Энди ер юмшоқ².

Бу сатрларда эса асл фольклоризм бор. Эътиборлиси шундаки, ушбу мақолни турли даврларда ўнлаб шоирлар ишлатишган. Масалан, Ҳалима Худойбердиева уни:

Ер қаттиғу, осмон кўп йироқ³, -тарзида қўллайди. Аслида бу мақол икки қисмдан иборат:

Осмон йироқ, ер қаттиқ,
Ўлай десам, жон қаттиқ.¹

Ўтган асрнинг 70-80-йилларидағи ижодкорлар замон йўригидан нолиб, Ватан дардига даво топишда noctor ва иложсизлигини баён этиш учун шу мақолнинг мазмунидан фойдаланишга уринишган. Мақолнинг иккинчи қисми шоир мақсадига бошқачароқ тус беради. Гўё шоир жонини аяётгандай кўринади. Ҳолбуки, шоир жонини берганда ҳам элнинг дардига дармон бўлолмайди. Давр шунчалар қаттолки, осмонга етиб бўлмайди, ерда ётиб бўлмайди. Қизиги шундаки, бу мақолни кўп асрлар илгари Алишер Навоий ҳам қўллаган:

Ердин деса қозиб чиқарай, ер эрур қаттиқ,
Кўк қонидан десаки олай, кўк йироқ эрур.

Алишер Навоий сатрларида ҳам иложсизлик ифодаси бор, аммо ҳазратнинг лирик қаҳрамони ёр учун ганж топиб бериш ниятида ерни қазий деса, ер қаттиқ, излаганини осмондан-да ололмайди, чунки осмон йироқ, инсон қўли калта.

Икки давр қаҳрамони ҳолатидаги умумийлик шуки, иккови ҳам иложсиз. Фарқли жиҳати шундаки, Алишер Навоий руҳий ва жисмоний олам тафовутлари аро иложсиз бўлса, 70-80-йиллар ижодкори эрксизлик ичра чорасиз эди.

² Юсуф М. Сайланма, 264-бет.

³ Худойбердиева Х. Тўмариснинг айтгани. -Т.: «Чўлпон», 1996, 40-бет.

¹ Ҳикматнома, 305-бет.

Мисоллар фольклоризмларнинг қўлланиш даврига кўра икки хил бўлишини аёнлаштираёт: а) мумтоз фольклоризмлар; б) замонавий фольклоризмлар.

Мумтоз шоирлар ижодида учрайдиган ва кейинги давр шоирлари томонидан анъанавий тарзда қўлланиб келаётган фольклоризмларни шартли равишда мумтоз фольклоризмлар деб аташ мумкин. Бунга юқорида улуғ шоир Алишер Навоий ижодидан келтирилган мисол далил бўла олади.

Замонавий фольклоризм атамасини биринчи марта У.Б.Далгат қўллаган.⁹ Бу атамани мумтоз шоирлар ижодида учрайдиган фольклоризмни кейинги давр шоирлари анъанавий кўринишида эмас, аксинча мавжуд ижтимоий воқеликлар мазмунига мослаб қайта ижодий яратиш асосида қўллашига нисбатан ишлатиш мумкин.

Фольклоризм даврлар ўтиши билан хилма-хил ҳолатга кириб туради, турва жанрлар муносабати билан боғлиқ ҳолда ранг-барангланшиб боради. Бу фольклоризм типологияси ҳар доим ҳам бир хиллигича қолавермаслигини кўрсатади. Фақат унинг моҳиятидаги бир жиҳат ўзгармасдир: ёзма адабиётда фольклор материалларидан фойдаланиш оқибатида юзага келган ҳодиса фольклоризмдир.

Хуллас, ўзбек ижодкорлари қўллаган ва қўллаб келаётган фольклоризмларнинг умумий ва хусусий томонлари бор. Бу хусусиятлар даврларга, тур ва жанрлар имкониятларига ҳам боғлиқ. Бундан аёнлашадики, фольклоризмлар бадиий адабиёт тараққиёти даврлари, тур ва жанрлар доирасида алоҳида-алоҳида тараққиётни кечирган ва шунга қараб турланган.

Ижодкор фольклор материалидан ғоявий нияти ва мақсадига, қайси турда ишлатишига қараб, турлича фойдаланиши мумкин. У хоҳласа, фольклор материалини шаклан ўзгартирмай айнан қўллаши ёки қайта ишлаб, ўз асарининг руҳига сингдириб келтириши мумкин. Бу ҳам фольклоризмларнинг турланишини кўрсатувчи омиллардан биридир.

⁹ Далгат У.Б. Литература и фольклор. - М.: Наука, 1981, с, 68.

Шу кунгача ўзбек адабиёти намуналарида учрайдиган фольклоризмларни уч жиҳатига кўра тасниф қилиш мумкин:

- 1) қўлланиш *даврига* кўра: а) мумтоз фольклоризм; б) замонавий фольклоризм;
- 2) қўлланиш *ўрнига* кўра: а) бадиий фольклоризм; б) публицистик фольклоризм кўринишида иккига ажратилади;
- 3) фольклоризмларнинг *сифатига* кўра: а) оддий фольклоризм; б) мураккаб фольклоризм кўринишида бўлади. (Бу ҳақда ишнинг II ва III бобларида маҳсус тўхталамиз);
- 4) қўлланилиш *йўналиши ва вазифасига* кўра: а) услубий – нутқий фольклоризм; б) композицион фольклоризм; в) ижтимоий – этнографик фольклоризм.

Охирги тўртинчи тасниф А.А.Горелов таснифига асосланган. А.А.Горелов фольклоризмни: 1. Услубий – нутқий фольклоризм. 2. Бадиий асар поэтик қурилиши билан боғлиқ фольклоризм. 3. Ижтимоий – этнографик фольклоризм каби уч турга бўлади.¹ Аммо олим бу тасниф қандай тамойилга асосланиши масаласини очиқ қолдирган. У ўз таснифидаги ҳар бир турга алоҳида изоҳ бермаган, фикрини мисоллар ёрдамида исботламаган. Шунга қарамай, А.А.Горелов таснифини фольклор ва адабиёт муносабатлари доирасида ўрганиб, бошқа таснифлар билан чоғиштириш зарур. Зеро, халқ мақолларининг ёзма адабиётга кўчуви, унинг қўлланиш мақсади, аҳамияти **услубий-нутқий фольклоризмни** ўрганишга асос бўлади. Фольклорга хос образ, оҳанг, мотив, сюжет қабиларнинг ўзлашуви бадиий асар поэтик қурилиши билан боғлиқ **композицион фольклоризмни** юзага келтирса, мавсум ва маросим қўшиқлари, удумлар билан боғлиқ оғзаки адабиёт намуналарининг ёзма адабиётга таъсири **ижтимоий-этнографик фольклоризм** ҳисобланиши мумкин.

¹ Горелов А.А. Введение // Русская литература и фольклор. -Л.:Наука, 1982, с.9.

Ижтимоий -этнографик фольклоризмлар шеърий асарда у ёки бу миллий урф-одатга, эътиқодий қарашга эътиборни қаратиш учун қўлланади. Ҳалима Худойбердиеванинг ўртоғи Ҳалима Ҳасанова хотирасига бағишилаб яратган “Йўқлов” марсиясида айрим эпик мотивлар таъсирида мотам маросимида бажариладиган урф-одатлар тилга олинади. Жумладан, шоира мотамсаро она тилидан сўзлар экан:

Кўйлак кийдим, тутунлардан қорайди,
Қора бўлди гулдай болам ёзуфи,¹⁰ - дея унинг ички дардларини ифодалаб кўрсатади. Маълумки, ўзбек аёллари яқин кишисидан жудо бўлган вазиятда қора, кўк, оқ матолардан кийим кийиб, мархумга аза очадилар. Айниқса, ёшлар ўлганда қоп-қора кийилади. Бунда қора ранг ўлим, ғам, мусибат рамзини ифодалаб келади. Сабаби, ибтидоий кишилар ўлимни, жон оловчи фаришта – Азроилни қора либосда тасаввур қилганлар. Бу тасаввур-тушунчалар мотам маросими қўшиқларида ҳам куйланган:

Қора отли, қора тўнли,
Мени кўрмоққа келдингми, алла-ё, алла.
Очилган лолазоримни
Хазон қилмоққа келдингми, алла-ё, алла.¹¹

Қўшиқда мурожаат қилинаётган “қора отли, қора тўнли” тимсол ўлимнинг, жон оловчи фариштанинг бадиий образидир.

Эътиборли жиҳати шундаки, 70-80-йиллар шеъриятида замонавий фольклоризм, бадиий фольклоризм, оддий ва мураккаб фольклоризм, услубий – нутқий фольклоризм, композицион фольклоризм, ижтимоий – этнографик фольклоризм, айниқса, ёрқин кузатилади. Шуни инобатга олиб, тадқиқотимизда 70-80-йиллар шеъриятида учрайдиган фольклоризмларнинг бу каби турларининг ҳар бирига хос поэтик вазифаларни маҳсус ўрганиш мақсад қилиб белгиланди.

¹⁰ Худойбердиева Ҳ..Йўқлов // Сайланма. Шеърлар, туркумлардан. – Т.: “Шарқ”, 2000, 178-179-бетлар.

¹¹ Алла-ё, алла. Тўплаб, нашрга тайёрловчи О.Сафаров. Т.: «Ўқитувчи», 1999, 145-бет.

XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърияти халқдаги миллий уйғониш кайфияти, тил эрки учун кураш, тарихга қайтиш орқали ўзликни англаш ҳаракати авж олган паллада яралгандир. Шу боис унда мумтоз адабиёт анъаналарини яна бир бор кўздан кечириб, даврга уйғунларини тиклаш, жаҳон адабиёти ютуқларидан фойдаланиш, айни чоқда халққа янада яқинлик истаги боис фольклор материалларидан фойдаланиш кенг тус олди.

70-80-йиллар шеъриятининг мазмун-мундарижаси, унда бош қаҳрамон ва давр муаммолари талқини, образлар олами, бадиий-композицион хусусиятлари масаласи адабиётшунослигимизда кўп ўрганилган². Аммо ундаги фольклоризмлар табиати ва бадиияти, турлари, эстетик вазифалари билан боғлиқ масалалар ҳалигача етарли тадқиқ қилинмаган. Бинобарин, F.Мўминов, И. Ёрматов тадқиқотларида фольклоризм ҳодисаси яқунланган асрнинг 60-80-йилларидаги шеърият материали асосида ўрганилган, холос. 70-80-йиллар ўзбек шеъриятидаги фольклоризмлар эса ҳалигача маҳсус илмий тадқиқ қилинмаган. Ҳолбуки, бу давр шеърияти фольклоризмларга бойлиги, унда фольклоризмнинг ранг-баранг турлари учраб, ижтимоий-эстетик моҳияти чуқурлашгани, бадиий вазифалари ва роли ортгани кузатилади. Шунинг учун бу давр шеъриятидаги фольклоризмларни маҳсус тадқиқ қилиш эҳтиёж ва заруриятга айланганлиги сезилади.

Хуллас, 70-80-йиллар фольклоризмининг таснифи фольклор ва адабиёт муносабатларининг бадиий тадрижини ўзида намоён қиласи ва бу давр шеърияти учун хос хоссаларни билиб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ишнинг биринчи бобида кўриб чиқилган масалалар асосида қўйидаги холосани илгари суриш мумкин:

² Тулаков И. Поэтические традиции и характер героя в узбекской советской поэме (60-70-е годы) АКД.- Т.: 1981; Жанровые особенности современной узбекской поэмы (на материали поэм 70-х годов) конд. дисс.- Т.: 1984; Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини. АКД. - Т., 1994; Раҳимжонов Н. Тенденция развития современной узбекской поэзии (70-80-годы) АКД.- Т. 19 ; Шарипов Р. Стилевие особенности современной узбекской поэзии (80-е годы) АКД. – Т., 19..

1. Фольклоризм ёзма адабиёт пайдо бўлиши билан юзага келган қадимий ҳодисадир. Жумладан, ўзбек фольклоризми «Қутадғу билиг» бағридаёқ пайдо бўлган эди.

2. Ҳозиргача “фольклордан фойдаланиш”, «фольклор анъаналари», «фольклор таъсири» деб ўрганилиб келинган ҳодисалар асли фольклоризм ҳодисаси моҳиятини белгилайди.

3. Фольклор таъсирида ёзма адабиётга фольклор намуналарига хос ҳодисаларнинг бадиий маҳорат билан сингдирилишидан, қайта талқин этилишидан **фольклоризмлар** юзага келади. Унга кўра фольклор материали ёзма адабиёт қонуниятларига мувофиқ индивидуал ижодкорнинг бадиий маҳорати, ҳиссий кечинмалари, қарашлари ҳисобига янада бойитилади. Шунинг учун у ёзма бадиий ижоднинг таркибий қисми ҳисобланади.

4. Ҳар бир давр ижодкори фольклор материалидан ўз даврининг долзарб муаммоларини очиб беришда, замонавий рухни ёритишда, таъсирчанликни ва ҳалқчилликни оширишда кенг фойдаланади.

5. Ўзбек адабиёти намуналарида фольклоризмнинг мумтоз ва замонавий фольклоризм, бадиий фольклоризм, публицистик фольклоризм, оддий фольклоризм ва мураккаб фольклоризм, услубий – нутқий фольклоризм, композицион фольклоризм, ижтимоий – этнографик фольклоризм каби турлари кенг учрайди ва уларнинг ҳар бири ўзига хос эстетик-бадиий вазифаларга эга бўлиб, ўзида фольклор ва адабиёт муносабатларининг бадиий тадрижини ҳамда ҳар бир давр шеърияти учун хос хоссаларни акс эттиради.

П БОБ

70 – 80 - ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ОДДИЙ ВА МУРАККАБ ФОЛЬКЛОРИЗМЛАРНИНГ БАДИЙ ВАЗИФАЛАРИ

П.1. Оддий фольклоризмлар табиати

Б.Саримсоқов фольклоризмларни ўрганганда, уларни тузилиши ва бадиий асар тўқимасида тутган ўрнига кўра дастлаб оддий фольклоризм ҳамда мураккаб фольклоризм тарзида икки типга ажратган эди.¹ Олим «халқ мақоллари, маталлари, юмуқ иборалар, оғзаки нутқ учун хос ифода ҳамда оборотларнинг қўлланишини оддий фольклоризм, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, фольклоризм сўзи олдидан “оддий” аниқловчисининг қўлланиши, биринчидан, уларни асар таркибидан топишни осонлаштиради. Иккинчидан, мақол ёки матални ёзма адабиёт таркибиغا киритиш осон ва оддий бўлиб, мураккаблик туғдирмайди. Бунга унинг ихчамлиги, ҳаётийлиги ва ранг-баранглиги кўмак беради. Бироқ оддий фольклоризмга берилган бу таъриф тўла-тўқислигича асосланмаган. Бу таърифда эътиrozли ўрин бор. Зеро, оғзаки нутққа хос ифода ҳамда оборотлар оддий фольклоризм бўлолмайди. Чунки улар тилга, нутққа хос ҳодиса бўлиб, бадиий ижод маҳсули саналмайди. Улар тилда ҳамиша тайёр ҳолда учрайди. Мақол ва матал фольклор жанри бўлгани учун оддий фольклоризмни юзага келтиради. Шу маънода мақол ва матал ўзлашувига алоҳида эътибор бериш лозим. Халқ мақол ва маталларигина ёзма адабиёт томонидан ўзлаштирилишидан оддий фольклоризм юзага келишини таъкидлаш зарур. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ёндашилса, оддий фольклоризмни бадиий асар таркибидан топиш анча осон кечади.

¹ Саримсоқов Б. Ўша манба, 1980 йил, 4-сон, 40-41-бетлар.?

Илмий адабиётларда мақолнинг ёзма адабиётга қўчуви кенг тадқиқ қилинган. Рус адабиётшунослигида мақол ва афоризмлар муносабати¹, мақолнинг ижодкорлар маҳоратидаги ўрни² ҳамда фольклоризмни юзага келтириши³ каби масалалар атрофлича ёритилган. Ўзбек адабиётшунослари ҳам мақолнинг бадиий адабиёт тараққиётидаги роли ҳақида тадқиқотлар олиб бордилар. Бироқ уларда, асосан, мақолларнинг ёзма адабиётга қўчуви ижодкор маҳорати доирасида текширилди. Ҳ.Абдусаматовнинг «Ўзбек совет сатирасининг баъзи масалалари», Ҳ.Дониёров ва С.Мирзаевларнинг «Сўз санъати (Маҳорат ва тил ҳақида мулоҳазалар)», Ҳ.Ёқубовнинг «Адибнинг маҳорати (Ойбекнинг поэмалари ва прозаси бўйича)», Ғ.Жалоловнинг «Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди», Қ.Самадовнинг «Ойбек–сўз санъаткори» каби тадқиқотлари бу жиҳатдан фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбек адабиётшунослигида мақолни шеърий асарларда ўзлаштириб, ирсоли масал санъатини ҳосил қилиш маҳоратига хос йўллар бир қадар жиддий ўрганилган. Жумладан, Атоулло Ҳусайнининг «Бадойиъус-санойиъ», Қайс Розийнинг «Ал-мўъжам», Ё.Исҳоқовнинг «Навоий поэтикаси», А.Рустамовнинг «Навоийнинг бадиий маҳорати», В.Раҳмоновнинг «Шеърий санъатлар», А.Хожиаҳмедовнинг «Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия», Н.Афоқованинг «А.Орипов лирикасида бадиий санъатлар» каби тадқиқотларида ирсоли масал бадиий санъатнинг бир кўриниши сифатида назарий ва амалий жиҳатдан атрофлича ёритилган. Лекин бу тадқиқотларда ушбу ҳодисанинг оддий фольклоризм эканлиги айтилмаган.

Б.Саримсоқов халқ мақоли ёзма адабиётга ўтгач, фольклоризмни юзага келтиришини алоҳида таъкидлайди.¹ И.Ёрматов эса Б.Саримсоқов оддий

¹ Федоренко Н.Т., Сокольская Л.И. Афористика.- М.: Наука, 1990, с.30-36; Гудок В.С. Афоризм и пословица Вопросы русской литературы.- Львов, 1967, с.96.

² Благой Д. Мастерство Пушкина. -М.: Советский писатель, 1955; Введенский А.А. Пословицы и поговорки в публицистике советских писателей. Изд-во Ростовского университета, 1960; Виноградов В.В. Сюжет и стиль.- М.: Издательство АН СССР, 1963; Ефимов А.И. Язык сатиры Сальтиков Шедрина.- М.: Изд-во МГУ, 1953.

³ Азадовский М.К. Статьи о литературе и фольклоре.- М.-Л.,Емельянов Л.И. Методологические вопросы фольклористики.- Л.: Наука, 1978; Выходцев П.С. Русская советская поэзия и народное творчество.- М.-Л., 1963.

¹ Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир // ЎТА, 1980, 4-сон, -б.

фольклоризм деб ҳисоблаган бу ҳодисани ички кўринишларга бўлади². У оддий фольклоризмларни қўлланишига кўра икки гурухга: а) асл оддий фольклоризмлар; б) қайта ишланган оддий фольклоризмларга ажратиб³, Б.Саримсоқов таснифини бирмунча тўлдиради. Бундай ички гурухлаш мавжуд материал матнига мос келади.

Мақол ёки матал айнан қўлланса, асл оддий фольклоризмни юзага келтиради. Мақол ёки матал маълум сабабга кўра ўзлаштириб, қайсиdir жиҳатдан ўзгартириб қўлланса, қайта ишланган оддий фольклоризм ҳосил бўлади.

Бошқа бир қатор тадқиқотларда хам мақолнинг ёзма адабиётда қўлланиши ҳақида фикр юритилса-да, унга оддий фольклоризм сифатида деярли ёндашилмади. Айтайлик, О. Носиров ва О.Собировлар «Халқижоди хазинаси» китобида мақоллар ўзлашуви ҳақида бирмунча кенг фикр юритишиган. Бироқ китобнинг О.Собиров томонидан ёзилган «А.Қодирий реализми ва фольклор», «Ойбек романларида фольклор анъаналари» қисмида яна одатий талқин йўлидан борилиб, фольклоризмларни фольклор анъаналари деб тадқиқ қилиш давом эттирилгани кузатилади. Аммо «Абдулла Қодирий реализми ва фольклор» қисмида «Характерлар моҳиятини, уларнинг руҳий олами ва хатти-ҳаракатини тўлдириш, тасдиқлаш мақсадида ёзувчи улар нутқида оддий фольклоризмларни – халқ мақол ва маталларини ўринли қўллайди»³, - дейиладики, бу ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб адабиётшунослар томонидан фольклоризм ҳодисаси қайд этила бошланганини, айниқса, **оддий фольклоризм** тадқиқига киришилганлигини кўрсатади.

Т.Хўжаев “ХҮ аср 1-ярмида ўзбек адабиёти ва фольклор” мавзуидаги номзодлик ишида XV аср лирикасидаги оддий фольклоризмларга тўхталиб, бир давр шеърияти мисолида унинг тадрижий хусусиятларини умумлаштиришга ҳаракат қилган.

² Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари // ЎТА, -сон, 55-б.

³ Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари // ЎТА, 1982, -сон, 55-бет.

³ Носиров О., Собиров О. Халқижоди хазинаси. - Т.: FACH, 1986, 138-б.

М.Ҳакимов ўз тадқиқотида биринчилардан бўлиб мақол ва матални фарқлаб берди⁴. Унинг фикрича, «матал» сўзи «масал» сўзининг ўзгаришидан келиб чиқкан. Ҳатто адабиётимизда ҳам мақол ва маталнинг бошқа-бошқа ҳодисалар сифатида ўзаро фарқланиши сезилади. Бу фарқни ифодаловчи далиллар ҳам топилади:

Чун масал бўлди сочинг зулм ичра ёшурмоқ не суд,
«Мушк исин ёшурса бўлмас», бу масал машҳур эрур⁵.

Ушбу мисралардаги «Мушк исини яшириб бўлмайди» ифодаси **маталдир**. Аммо Навоий ҳазратлари уни **масал** деб кўрсатмоқда. Бу ўринда М.Ҳакимов хulosаси тўғрилиги кўзга ташланади.

Навоий яна бир шеърида халқ мақолини келтиаркан, уни на масал деб, на бошқача ном билан таъкидлаб кўрсатмайди:

Ким куяр улу қуруқ чун найситонға тушти ўқ.

Ҳазрат Навоий бу мисрада «Қамишзорга ўт кетса, хўлу қуруқ баробар ёнади» мақолини кўллаган.

Мавлоно Лутфий ғазалида «Масалдурким чароғ туби қоронғу», яъни «Чироқ ўз тубини ёритмайди» матали, «Оққан ариққа оқар сув» мақоли қўлланган. Бунда мақол айнан қўлланмагани учун қайта ишланган фольклоризм юзага келган.

Мумтоз адабиёт намуналарида қўлланган мақолларни ўрганиш шуни кўрсатадики, айрим ижодкорларгина мақол ва матал, мақол ва масал ҳодисаларини бир-биридан фарқлай олганлар. Кўпинча улар мақол ўрнида «масал» атамасини қўллаганлар. Бизнингча, бу ҳол ижодкор эътиборсизлигидан кўра мақол ва матал жанрининг бир-биридан ажralиб, тафовутланиб бориши узоқ вақт давом этган жараёнлиги билан белгиланади. Шу боис ҳанузгача мақол ва матал жанридаги асарлар қўшиб юборилади, айни чоқда улар ўзаро жуда ўхшаш, ораларидаги фарқ оз. Мақолда параллел воқеликни келтириш,

⁴ Ҳакимов М. Ёзувчи ва халқ тили. -Т.: Фан, 1971, 16-19-бетлар.

⁵ Ҳожиахмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қоғия. Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа канцерни, 1998, 59-бет.

тазоднинг мавжудлиги, содда гапдан кўра кўпроқ қўшма гапнинг келтирилиши, хулоса билан бирга қатъий ҳукм, қофия ёки сажъ борлиги унга хос муҳим жиҳатлардир. Матал, асосан, содда гапдан тузилади ва фақат биргина воқелик хулоасидан иборат бўлади. Унда қофия ёки сажъ учрамайди. Мақолда насиҳат, бирор ишни қилиш ёки қилмасликка ундаш етакчилик қиласа, маталда воқелик ифодаси мажозийликка асосланади. Бу фикримиз М.Ҳакимов хулосалариға таянилган ҳолда айтилди. Лекин олимнинг «ўзбек халқ афористик ижодиёти» деган сўз бирикмасини қўллаши бироз эътиrozлидир. Чунки у: «Ўзбек халқининг афористик ижодиёт намуналари – мақол, матал, афоризм ва идиомаларни тўплаш ва нашр қилиш ишлари, асосан, XIX аср охирларидан бошланди»¹, -деб ёзар экан, афоризмни фольклор намунаси қаторига қўшади.

Адабиётшунослик луғатларида афоризмга шундай таъриф берилади: «Афоризм (грекча aphorisos) - автори маълум бўлган, чукур мазмунли, аниқ ва ихчам шаклли ҳикматли сўздир»². Демак, афоризмнинг муаллифи аниқлиги боис у фольклорга тегишли ҳисобланмайди. Афоризм мақол услубида ва шаклида яратилади, холос. Ижодкорлар мақол ва маталдан бадиий асар яратиш чоғида фойдалансалар, афоризмни ўzlари ижод қиладилар. Бошқа жанрлардан фарқли ўлароқ, афоризм исталган бир адабий жанр таркибида учрайверади. Бу хусусият аслида мақолда ҳам бор. Хуллас, улуғ мутафаккирлар томонидан ёзилган ва халқ орасида ёд бўлиб кетган ихчам бадиий шаклли, пурҳикмат фикр баёни афоризм саналади. У ёзма ижод маҳсули бўлганлиги учун фольклор жанрлари қаторидан ўрин эгаллай олмайди.

Мақол ва матал ёзма адабиёт томонидан ўзлаштирилиб, ёзма адабиётнинг узвий қисмига, оддий фольклоризмга айлантирилмоқда. Афоризм, аксинча, ёзма адабиёт бағрида туғилиб, айрим ҳолларда фольклорлашуви мумкин. Навоийнинг «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» афоризми халқ томонидан ўзлаштирилиб, мақол қаторига қўшилиб кетгани фикримизни далиллайди.

¹ Ҳакимов М. Ёзувчи ва халқ тили, 8-бет.

²Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохли лугати.-Т.: Ўқитувчи, 1979, 37-бет.

70-80-йиллар ўзбек шеърияти бағрида оддий фольклоризм барча даврлар шеъриятидаги каби күпдир. Фақат қўллаш мақсади, ўрнига кўра ўзига хосликларга эга. Асл ҳолида қўлланган оддий фольклоризмлар ҳам кенг тарқалган:

Куйма, ёrim, куйдирмагин, куйма, ёр,
Бир яхшига бир ёмон ҳар жойда бор,
Икки яхши яшнаган жой қайда бор?
Кетар бўлдим юзингни бир кўролмай!.

Муҳаммад Юсуф «Иккимиз ҳам яхши бўлганимиз учун бирга яшаш насиб қилмади» тарзидаги армонини ифодалаш учун:

«Бир яхшига бир ёмон ҳар қайда бор»,

Икки ёмон бир бўлса кун қайда бор»¹, - тарзидаги халқ мақолининг биринчи қисмини айнан, иккинчи қисмини эса ўзининг мақсадига мослаб қўллаган. Муҳими, мақол вазни ва қофияси сақланган.

Асл оддий фольклоризмлар уч хил ҳолатда юзага келади: а) мақол ёки матал тўлиғича қўлланади; б) мақол ўзгартирилмаса-да, ярми тушириб қолдирилади. Матал аксарият ҳолларда бир узвли бўлгани учун бунга ҳожат йўқ; в) мақол айнан келтирилар экан, баъзан ижодкор хохишига қараб таркибидаги бирор сўз ўзгартирилиши мумкин:

Биродар, бунчалар гердайдинг наҳот,
«Ўзгани шер билган» нақлин билмасанг.²

Кўринадики, «Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил!» мақолининг биринчи қисми келтирилган, иккинчи қисми эса барчага кундай равшан. Бу мисраларда «нақл» сўзининг қўлланаётгани эътиборни тортади:

Нақл бордир: эрни эр,
Ер қилас ҳам хотиндир.³

¹ Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Т.: Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 1990, 46-бет.

² Юсуф М. Сайланма 251-бет.

³ Тўру Сулаймон. Гулшан. -Т.: FACH, 1988, 97-бет

Гап шундаки, нақл халқ сўзлашуvida мақолга синоним тарзида ишлатилса-да, аслида фольклорнинг мустақил жанри бўлиб, унинг қиссадан ҳисса сифатидаги хулосасигина мақол тарзида ифодаланади. Шу сабабли нақл ва мақол сўзи синонимик қатор ташкил этолмайди.

Бир майизни беш ўғил
Тенг бўлишиб ер эдик.²

Халқда «Бир майизни қирқ киши бўлиб ебди»³ деган мақол бор. Худди шу мақолни кўп шоирлар қўллашган:

Бир майизни қирққа бўлган бир тану-жон –
Кунларингга қайтай десанг – халқ бўл элим.⁴

Ўзбек халқи ҳамиша ўз бошидан кечган қийинчилик ва талафотларни ўзаро ҳамжиҳатлик, қўлни-қўлга бериш, бир ёқадан бош чиқариш билан енгиб ўтган. Миллатимиз тарихидаги айrim фожиалар эса айнан бирлашолмаган кезларимиз мевасидир. Ўтган аср бошида Туркистон заминидаги учта хонлик ўртасида юз берган ноаҳиллик, худбинлик ўлканинг мустабидлар қўлига қарам бўлиб қолишига олиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун 70-80-йиллар шоирлари халқни миллий мустақилликка чорлаш, йўл қўйилган ана шу кечирилмас хатони тузатишга даъват этиш мақсадида юқоридаги мақолга қайта-қайта мурожаат қилиб, ўз ғоявий ниятини бадиий тарзда ифодалашга интилганлар. Демак, 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида фольклоризмлар шоирларга ўз фикрини лўнда, рамзий бўёқдор қилиб, яширин маънода ифодалаш имконини берган. Чунки бу йиллар шеърияти коммунистик мафкура нуқтаи назаридан баҳолангани сабабли унда миллий ҳурлик ғояларини ошкор ифодалашга йўл қўйилмаган.

Халқда «Етмиш юлдуз ярим ойга татимас» деган мақол борки, у кўпинча онанинг ўрнини ҳеч ким босолмайди, деган мазмунда қўлланади.

²Юсуф М. Сайланма. 232-бет.

³ Ўзбек халқ мақоллари. -Т.: FACH, 1978, 56-бет.

⁴ Юсуф М. Сайланма, 10-бет.

Шоир Мухаммад Юсуф ушбу мақолни қўллаш билан асл оддий фольклоризмнинг гўзал намунасини келтиради:

Етмиш юлдуз ёғилиб,

Ярим ойча тўлолмас.

Етмиш янга йиғилиб,

Битта она бўлолмас.⁵

70-80-йиллар ўзбек шеъриятида асл оддий фольклоризмлар билан бир қаторда қайта ишланган оддий фольклоризмлар кенг қўлланди:

«Туяни ютганнинг оғзидан агар

Чиқиб турса эди туянинг думи⁷.

Усмон Кўчкор бу сатрларни «Туя кўрдингми, йўқ», «Туяни ютса ҳам сир бермайди» мақолларидан келиб чиқиб ёзган. Шоир бу мақоллар мазмунига таяниб, шеърда туяни ютган маълум бўлганида халқ бунча талонтарож бўлмасди, деган ўқинчни бадиий ифода этган.

Кўринадики, қайта ишланган оддий фольклоризмлар кўпинча мақолнинг шаклини ўзgartириб, маъносини сақлаш усулида ҳосил қилинади.

70-80-йиллар ўзбек шеъриятида юзага келган оддий фольклоризмларнинг айрича жиҳатларидан бири шуки, у ружуъ санъати билан ёнма-ён келтирилиб, гўё мақол маъноси инкор қилинади ва шу орқали ифодаланаётган мазмун янада бойитилади. Натижада мақолнинг маъносини тўлиқ англаб етмай, уни ақидага айлантираётган ғофил зотларга кесатиш, бундай кимсаларнинг тафаккурини уйғотиш мақсадида киноя ва таъкид кучайтирилади.

Бегона юртларда шоҳ бўлгунча то –

Ўзингнинг юрtingда, дейсан, гадо бўл.

Йўқ, ўз юрtingда ҳам бўлгин подшо,

Ўзингнинг юрtingда ўзинг худо бўл¹.

⁵ Юсуф М. Сайланма, 232-бет.

⁷ Усмон Кўчкор. Оғир карвон.- Т.: FACH, 1991, 25-бет.

Шеърда ўз юртингда гадо бўлиш ўзга юртда подшо бўлишдан афзал деган мақолнинг мазмуни бежиз келтирилмаяпти. Бу билан шоир ушбу мақолнинг халқимиз онгига ва феълига нақадар сингиб кетганлигини, оқибатда одамлар шоҳ бўлишга интилмай, ўз юртида гадо бўлиб қолаверишини, ҳатто юртини бошқараётган бегоналарга индамай бўйсуниб кетаверишга ўрганиб қолганлигини алам билан куйлади.

Мисоллардан кўринадики, бундай мақолларнинг сермазмун ифодага эгалигини унутиш, уни бир томонлама қабул қилиш баъзан халқ тақдирида фожиали ўрин тутган. 70-80-йиллар шоирлари эса ана шу бир ёқламалиликларга қарши исён бошладилар.

Умуман айтганда, 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида оддий фольклоризмларни юзага келтириш, яъни халқ мақолларини ёзма адабиётга олиб кириш билан қуидагиларга эришилди: 1. Шеърият тили гўзал, ихчам, пурҳикмат, халқ тажрибасида синалган ифодалар, хulosалар билан бойитилди. 2. Шеърнинг жозибадорлиги, оҳангдорлиги, халққа рухан яқинлиги кучайтирилди. 3. Мақолларнинг янада боқийлиги таъминланди. 4. Мақолларнинг кўп маъноли эканлиги очиб берилди. Уларни фақат биргина маънода қўллаш ёки қабул қилиш, ноўрин ишлатиш нодонлик экани таъкидланди. 5. Шеъриятга фольклорга хос образли фикрларни олиб кириб, уларга янгича ижтимоий-сиёсий маъно юкланди.

70-80-йиллар шеъриятидаги оддий фольклоризмлар мазмунан ва шаклан ранг-баранглиги билан бошқа даврлардаги оддий фольклоризмлардан фарқ қиласди. Қолаверса, бу даврга келиб уларни тушунишга бўлган муносабат ўзгарди. Чунончи, адабиётдаги «Сабрнинг таги сарик олтин», «Ҳар ким экканини ўради», «Ҳа»нинг боши оғримас» каби маталларга мурожаат камайди. Бу маталлар инсон фаолиятининг қайсидир ўрнида жуда зарур бўлсада, миллат тақдири учун ҳар доим ҳам ҳал қилувчи фикрга айлана олмаслиги ўз

¹ Усмон Қўчқор. Оғир карвон. 63-б.

исботини топди. Тўғри, мақол эскирмайди, фақат у баъзан ноўрин талқин этилиши, нотўғри қўлланиши мумкин. 70-80-йиллар ўзбек шеърияти бу ҳолатни тўғри пайқади ва фикрий исёнкорликка эришди. Эрк ва мустақиллик курашларида тоблана бошлади.

II.2. Мураккаб фольклоризм

Б.Саримсоқов ҳам, И.Ёрматов ҳам “мураккаб фольклоризм” истилоҳини қўллар эканлар, унинг табиатига изоҳ беришмаган. Бизнингча, бу истилоҳ “оддий фольклоризм” истилоҳига зид тарзда олинган. Бундай фольклоризмлар тузилишининг мураккаблиги, бадиий асар тўқимасида бажарадиган вазифасининг оддий эмаслиги билан алоҳидалик касб этади. Шу сабабли “мураккаб фольклоризм” истилоҳини қўллаш ўзини оқлади.

Б.Саримсоқов мураккаб фольклоризмларни табиати ва вазифасига қараб: а) аналитик фольклоризм; б) синтезлашган фольклоризм; в) стилизация характеридаги фольклоризмлар⁴ кўринишида уч гурӯхга бўлади. 70-80-йиллар ўзбек шеъритида оддий фольклоризм билан бир қаторда мураккаб фольклоризмнинг бу уч кўриниши ҳам кенг тарқалди, бу ҳолат XX аср назми ривожининг бошқа даврларида ушбу даражага етган эмас.

Аналитик фольклоризмлар асарнинг бадиий тўқимаси, унинг етакчи тояси билан органик бирикиб кета олмаслиги жиҳатидан характерланади. Б.Саримсоқов ҳам аналитик фольклоризмларнинг асар сюжети билан бевосита боғланмаслигини алоҳида таъкидлайди. Бизнингча, аналитик фольклоризм моҳиятан ундалма, кириш сўз каби синтактик муносабат ифодаловчи воситаларга монанддир. Зеро, ундалма, кириш сўз гап таркибида туриб, гап бўлаклари билан синтактик алоқага киришмайди, аммо гап учун жуда зарур унсур ҳисобланади. Аналитик фольклоризм моҳиятан шундай ҳолатга эга бўлиб, одатда, бадиий асарнинг сюжетига сингиб кетмайди ва алоҳида ажралиб

⁴ Саримсоқов Б. Ўша манба // ЎТА, 1980. 4-сон, 42-44-бетлар.

туради. Б.Саримсоқовнинг фикрича: «Аналитик фольклоризмнинг асосий вазифаси асар бош ғоясини қабартириб ифодалаш, унга рамзий, фалсафий рух бағишлишдан иборат»¹. Олим анализик фольклоризмни икки хил шаклда учрайди, деб ҳисоблайди: а) фольклоризм ўзининг фольклордагидек тўлиқ шаклида; б) фольклоризм мазмунан сақланса-да, бироқ шаклан ўзгартирилган, кўпинча, ишлов берилган ҳолда келтирилади.

Аналитик фольклоризм оддий фольклоризм каби асар сюжетидан ажратиб олиниши мумкин. У қўлланишига кўра оддий фольклоризм каби бир хил ички гурухланиш касб этади. Шунинг учун Б.Саримсоқов келтирган ички таснифни қуидагича ихчамлаштириш мумкин: 1) тўлиқ, яъни асл анализик фольклоризм; б) нотўлиқ, яъни ишлов берилган анализик фольклоризм.

Бадиий адабиёт таркибидаги анализик фольклоризмлар тузилишига қараб ҳам тасниф қилишни тақозо қиласди. Шу сабабдан Б.Саримсоқовнинг таснифини И.Ёрматов давом эттириб, анализик фольклоризмни вазифасига кўра тўртга бўлади: 1. Анализик фольклоризм асарнинг бош ғоя ёки мавзусига рамзий алоқадор бўлган воқеа-ходисаларни мужассамлаштирувчи эпизод, бадиий тўқима бўлаги сифатида қўлланади. 2. Анализик фольклоризм асарнинг бадиий тўқимасида тўлиқ иштирок этса-да, у билан органик бирика олмайди. 3. Анализик фольклоризм қаҳрамон руҳидаги ички драматик коллизияларни очиб бериш учун муайян эпизодда адабий омил сифатида қўлланиб келади. 4. Анализик фольклоризм вазият талабига кўра маълум бир эпизоддагина қўлланилиб, қаҳрамон хаётида содир бўлаётган воқеаларнинг реаллашувига ёрдам беради”.²

Бу ички таснифда анализик фольклоризмнинг асар сюжетидаги ўрни ва вазифаси қориштириб юборилгани учун, у бироз мунозаралидир. Айни чокда олим бу мақоласида яна: “Муаллиф фольклорга оид деталларни фантазия билан қоришиқ ҳолда асар тўқимасига сингдириб юборади”, - дея, тагин чалкашликка

¹ Саримсоқов Б. Ўша манба, 41-бет.

² Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари // ЎТА, 1982, -сон, 57-58-бетлар.

йўл қўяди. Чунки аналитик фольклоризм асар тўқимасига сингиб кетмаслиги лозим. Бинобарин, И.Ёрматов таснифининг тартиби ва ифодасига қисман ўзгартериш киритиш зарурияти сезилиб турибди. Шундан келиб чиқиб, аналитик фольклоризмнинг асар сюжетидаги ўрнига кўра дастлаб икки кўринишга эга бўлишини таъкидлаш лозим: 1.*Сюжетнинг бошидан охиригача иштирок этадиган аналитик фольклоризм* асосида бирор афсона ёки ривоят воқелиги асарнинг маълум бир ўрнида фольклордагидек тўлиқ шаклида ёки мазмуни сақланиб, шаклига бадиий ишлов берилган ҳолда келтирилади-ю, то асар охиригача у эсланиб турилади. Бунга А.Э.Вохидовнинг “Рухлар исёни” достонидаги “Абадият ҳақида ривоят” қисми мисол бўла олади.

2. *Эпизодик аналитик фольклоризм* асар сюжетининг исталган бир ўрнида келтирилади. У сюжетдаги вазифасига кўра уч кўринишда намоён бўлади:

а) Бадиий асар тўқимасидаги бош ғоя ёки мавзуга рамзий алоқадор бўлган аналитик фольклоризм. Бундай фольклоризм бош ғояни бўрттириш ёки асосий мавзуни чуқурроқ очиб бериш учун қўлланади. Масалан, Э.Вохидовнинг “Рухлар исёни” достонида “Жаҳолат тўғрисида ривоят” бир эпизодда ҳикоя қилинади-ю, асардаги жоҳилият фожиасини теран англаш имконини беради.

б) Қаҳрамон рухиятидаги ички коллизияни очиб берувчи аналитик фольклоризм. Шукур Қурбон «Ситораи Моҳи Хосада» шеърида Амир Олимхоннинг шу гўшада кечган ҳаётига мансуб ривоятларга ишора қилиб, у ерни “тўғзаликнинг поймолхонаси” деб таърифлайди. Шеърда шоир қаҳрамон рухиятидаги ички коллизияни очиш учун халқ қўшиғидан қуидаги сатрларни келтиради:

Олма деб отган отам,
Беҳи деб сотган отам.

Золим хонга қиз бериб,
Жабрини тортган отам.¹²

Аслида бу анъанавий қўшиқ:

¹² Курбонов Ш. Бир қалб манзараси. –Т.: FACH, 1990, 26-бет.

Олма деб отган отам,
Беҳи деб сотган отам.
Қари чолга қиз бериб,

Жабрини тортган отам,¹³ - шаклида халқ орасида қари бойга кундош устига узатилаётган қизлар томонидан ўкинч ва изтироб билан қуйланиб келинган. Шукур Қурбон эса ўз шеърида ёшгина қизларнинг амирга зўрлик билан узатилганлигини айтиш учун “қари чол” образини “золим хон” образига алмаштирган. Натижада шеърда бу машҳур халқ қўшиғи орқали ўтмишдаги ўзбек қизининг ачинарли тақдири, юксак орзулари, пок муҳаббати, инсоний ҳақ-хукуқларининг поймол этилганлиги фожиаси реал очиб берилган. Бунда аналитик фольклоризм жуда қулай восита сифатида хизмат қилган. Шу орқали асарнинг халқчиллигини оширишга ҳам эришилган. Демак, ҳар қандай фольклоризм тури, аввало, бадиий асарнинг халқчиллигини таъминлайди.

в) Қаҳрамон ҳаётида содир бўлаётган воқеаларнинг аниқлашувига ёрдам бериш учун келтирилган аналитик фольклоризм. Бунга О.Хожиева ёзган “Болалик” достонининг “Сангинжон қиссаси” қисмида келтирилган болалар қўшиғи мисол бўла олади:

-Оқ теракми, кўк терак!
Биздан сизга ким керак?!
-Сулув Сангиной керак!
Хушрўй Сангиной керак!²

Бунда болалар фольклорида қадимийлиги ва анъанавийлиги билан ажralиб турадиган “Оқ теракми, кўк терак?” ўйин-қўшиғидан фойдаланиб, аналитик фолклоризм юзага келтирилган. Бизнингча, бу қўшиқнинг аналитик фольклоризм сифатида танланишига айнан унинг анъанавийлиги сабаб бўлган. Унинг келтирилиши достоннинг реалигини ва халқчиллигини, таъсиричанлигини оширган.

¹³ Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. –Т.: Ўз ФА нашриёти, 1959, 239-бет.

² Ойдин Хожиева. Тамал тоши. - Т.: FACH, 1988, 129-бет.

Аналитик фольклоризм оддий фольклоризм каби асл ҳолида ёки сал ўзгартирилган ҳолда сюжетга сингдирилмаган фольклор материали бўлиб, асар таркибида алоҳида ажралиб туради. Халқ мақолидан бошқа исталган фольклор жанри: ривоят, афсона, қарғиш, олқиши, қўшиқ тўлиқ ҳолида ҳамда достон ва қўшиқлардан парчаларнинг бадиий асар таркибида келтирилишидан аналитик фольклоризм ҳосил бўлади. Аналитик фольклоризм адабий тур ва жанрларнинг барчасида учрайверишига кўра фольклоризмнинг бошқа турларидан фарқ қиласи. Бундай имконият аналитик фольклоризм билан бир қаторда оддий фольклоризмда ҳам борлигини кузатдик.

Аналитик фольклоризм ўзбек шеъриятидан кўра насрода кенг тарқалган. Аналитик фольклоризмнинг насрда қўлланиш ҳолати кўп тадқиқ қилинган. Аммо уларда бу ҳодиса “аналитик фольклоризм” дейилмай, «фольклор анъаналари», “фольклор таъсири” сифатида талқин этилган¹. Чунончи, О.Собиров «Ойбек ижодида фольклор» номли китобида аналитик фольклоризмларни тадқиқ қиласар экан, уни фольклордан фойдаланиш деб ҳисоблайди. Китобнинг «Йўлчи характери ва фольклор» қисмида «Қутлуг қон» романида қўлланган халқ қўшиқлари фольклордан фойдаланиш сифатида эътироф қилинган². Булар аналитик фольклоризм бўлиб, қаҳрамонлар руҳий ҳолати, кайфияти, орзу-хавасларини англатиш учун қўлланган. “Сарчашма адиб ижодида” китобида ҳам шундай йўл тутилган. Унда муаллиф Абдулла Қодирий келтирган:

Кўккина капитар бўлиб,

Учсан қанотимни сузуб...”³- қўшиғини “аналитик фольклоризм” атамаси билан кўрсатмаса-да, ҳодиса моҳиятини изоҳлашга уриниб, адибнинг Отабек руҳий ҳолатини, ота-она орзуси туфайли туғилган кўнгил ғашлигини таъсирили ифодалаш учун халқ қўшиғига мурожаат қилганлигини айтиб ўтади. Бу қўшиқни О.Собиров қаҳрамон ҳолати билан чоғиширади, холос. Аслида эса

¹ Саримсоқов Б. Фольклоризм типологиясига доир // ЎТА, 1980, 4-сон, 41-42-бетлар.

² Собиров О. Ойбек ижодида фольклор. –Т.: FACH, 1975, 33-59-бетлар.

³ Собиров О. Ойбек ижодида фольклор.- Т.: FACH., 1975, 53-бет.

бу мисолда қаҳрамон ҳолатини, яъни ички коллизияни очиб берувчи эпизодик аналитик фольклоризм мавжуд.

И.Ёрматов аналитик фольклоризм кўринишлари хусусида фикрлаб, А.Мухторнинг «Чинор», Шуҳратнинг «Олтин зангламас», Ў.Хошимовнинг «Қалбингга қулоқ сол», «Шамол эсаверади», Т.Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» роман ва қиссалари қаторида К.Яшиннинг «Улуғ канал» драмасидан ҳам мисол келтириб ўтади. Бу билан аналитик фольклоризм нафақат насрда, балки драматургияда ҳам учрашини қайд қиласди². Олим аналитик фольклоризм энг ишчан фольклоризм эканлигини алоҳида таъкидлайди³.

70-80-йиллар ўзбек шеъриятида аналитик фольклоризм ғоят фаоллашган бўлиб, бу ўша давр шеърияти халқчиллигини кучайтирган омилга айланган. Хусусан, достонларда бу имконият янада кенглик касб этган.

Ойдин Ҳожиеванинг «Болалик» достони беш мустақил поэтик ҳикоя тарзида қурилган бўлиб, улар болалик хотироти сифатида бир умумий ипга тизилган. Биринчи поэтик ҳикояси «Сангинжон қиссаси” деб номланади. Шеърий ҳикояда ҳукмлагич, олқиши, йиғи ва болалар ўйини намуналарини айнан келтириш билан аналитик фольклоризм ҳосил қилинган. Уларнинг ҳар бири ҳикоя сюжетида маълум бир вазифани бажарган. Агар улардан воз кечилса, сюжетдаги жозиба, таъсирчанликка путур етади, бироқ сюжет бузилмайди:

Лайлак келади тоққа,
Қулоқларида ҳалқа.
Ҳалқаси тушиб қолди,
Ўтирди йифламоққа⁴.

Бу қўшиқни куйлаб қизлар адирга чиқишиади. Аммо шоира шу манзарани жонлантириш учунгина бу қўшиқни келтирган эмас. Қўшиқнинг

² Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари // ЎТА, 1982 , 2-сон, 57-58 бетлар.

³ Ёрматов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60-е и начало 80-х годов) АКД, 198 , с.17.

⁴ Ҳожиева О. Тамал тоши. –Т.: FACH, 1988, 125-бет.

давомини аксарият китобхон билади ва уни хотирласа, Сангинойнинг етти дугона ичидаги бошчи бўлганини англайди:

Мен бобо Ҳожи эдим,
Қизларга бошчи эдим.

Ҳукмлагич тугуннинг юзага келишига ёрдам берган. Шоира шу ҳукмлагичнинг мазмуни орқали кўлдаги лайлаклар кузда учиб кетиб, кўкламда қайтганини, лекин болалик қуш мисол учиб кетса, қайтмаслигини таъкидлайди. Бу билан достондаги беш мустақил ҳикоянинг бир-бирига боғланувчи иплари юзага келади.

«Бойчечак» тўпламида «Лайлак келди» ҳукмлагичининг олтида варианти келтирилган бўлиб, шундан бештаси кўтаринки қайфиятни ифода этган. Биттаси эса ғамли якун топган. О.Ҳожиева худди шундай ғамли ҳукмлагичдан фойдаланган:

Бир кун ногорам бузилди,
Таноблари узилди,
Қорбуванинг дастидан
Қанотларим сузилди¹.

Шоира танлаган вариант «Сангинжон қиссаси»нинг қайғули тугашини маълум қиласи. Эш синчининг кўнгли қоралиги Сангинжоннинг ўлимига сабаб бўлади. Шоира воқеа табиийлигини ошириш учун халқ йигиларидан ҳам фойдаланади:

Тол хивичдан отлар қиласи,
Тол баргидан хатлар қиласи!
Сайлу томошо кунлари
Йиглаб сани ёдлар қиласи!...²

Ҳукмлагич вазни достон вазни билан бир хил бўлса, йиғи бир бўғин ортиқчалиги билан достон вазнидан фарқланиб турибди. Йиғи ва достон

¹ Бойчечак. ЎХИ. Кўп томлик. Болалар фольклори. Мехнат Қўшиклари. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, К.Очилов. –Т: FACH, 120-бет.

² Ҳожиева О. Ўша манба, 129-бет.

оҳангидаги тафовутни туроқ ҳам таъминлаган. Достон 4x3 тарзида, халқ йигиси 4x4 тарзида туроқланиб келган. Чамаси, вазндан шу тафовут боис шоира халқ йигисини келтириш билан чекланмай, йигини стилизация қилади. У келтирган йифи ва ўзи стилизация асосида яратган йифи ҳикоя кульминациясини бўрттириб, янада кучайтириб юборган.

Шоира «Уйинг буғдойга тўлсин!» олқишини инверсияга учратган ҳолда - «Уйингга тўлсин буғдой!» тарзида қўллаш орқали ўзбек онаси табиатининг бир қиррасини - боласини енгилгина койиганда койишни ҳам дуо билан ифодалашини кўрсатиб ўтади ва шу тариқа аналитик фольклоризмни юзага келтиради³. Шоира учта аналитик фольклоризм билан чекланмай, тўртинчисини ҳам яратади:

«Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?!
- Сулув Сангиной керак!»

«Оқ теракми, кўк терак?» - ҳаракатни сўз бошқарадиган айтишма ўйинлар сирасига киради. Аммо шоира ўйиндаги бу сатрларни шунчаки болалар ҳаётининг оддий манзараларини кўрсатиш учунгина эмас, балки ҳикоянинг қайғули ечимини «қабартириб», янада қайғули қилиб кўрсатиш учун келтиради. Негаки, Сулув Сангиной болалар бир умр чорласалар ҳам келолмайдиган жойга кетган. Аналитик фольклоризм шу ҳолатни жонли тарзда таъкидламоқда.

Достонни ташкил қилган беш ҳикоядан қолган тўрттасида аналитик фольклоризм бор. Шуниси қизиқки, ҳажми жуда кичик достонда ўн иккита аналитик фольклоризм ва битта оддий фольклоризм қўлланган. Бироқ қўлланган аналитик фольклоризмлар ҳажман кичик бўлгани учун кўплиги билинмаган. Достон болалик ҳақида бўлгани сабабли қўлланган аналитик фольклоризмлар сони кўп бўлса-да, китобхон ғашига тегмайди. Чунки улар маҳорат билан ўз ўрнида қўлланган.

³ Хожиева О. Ўша манба, 127-бет.

Бундан кўринадики, фольклоризмлар бир асар таркибида уюшиб, мазмунан бир-бирини тўлдириб, мантиқан боғланиб келиши мумкин.

70-80-йиллар достончилиги ҳар жиҳатдан ранг-баранг. Шундай асарлардан бири Азим Суюннинг «Иморат» достонидир. Бошдан-оёқ фольклоризм асосида яратилган бу асар бахшиёна-достон, яъни бахшилар услубига монанд тарзда яратилган достондир. Асарнинг фольклор рухи билан суғорилишида фольклоризмлар ранг-баранглиги етакчи роль ўйнаган. Муҳими шундаки, достонда ҳар бир қаҳрамоннинг ўз вазифаси бор, ҳар бири маълум фольклоризмнинг юзага келишида хизмат қилган. Ундаги Чори чечан ва Сори чечан, Оташ маталчи тилидан айтилган парчалар оддий фольклоризмлардир. Алп термачи, Толиб термачи, шоир, Алтибой дўмбирачи тилидан айтилган парчаларда фольклорий оҳанг стилизацияси бор. Болибек сўзамол айтганлари аналитик фольклоризмни юзага келтирган. Буларнинг бари достон сюжетини ташкил қилгани боис синтезлашган фольклоризм юзага келган. Одатда, фольклоризмларнинг барча турлари бир-бирига боғланиб, бир бутунлик ҳосил қилса, бахшиёна шеър шакли юзага келади. Шу боис бундай асар бахшиёна-достон деб юритилади. Унда фольклор ва шоир ижоди қоришиқ ҳолда намоён бўлади.

Халқ қовун-тарвуз еб бўлгач, шундай дуо қиласи:

Ширин обод,
Манзил обод,
Пайғамбару худога саловот!
Эккан-тиккан,
Келтирган-кесган - барчасининг савобини Бободеҳқоннинг арвоҳига бағишладик.

Бироқ “Иморат” достонида бу олқиши келтирилган афсона мазмунига мос тарзда сал бошқачароқ маъно ва кўринишда қўлланилиб, аналитик фольклоризм вужудга келтирилган:

Мазгил обод,

Ширин озод.
Эккан-тикканнинг
Ота-бобосига раҳмат, Овмин!¹

Афсонага кўра, қул Ширин чўлга бадарға қилингач, янтоқзорни қовунзор қилиб, подшо марҳаматига етган экан. Болибек бу афсона билан шоирга қуруқ ерда иморат қилишдан қўрқма деб насиҳат қиласди. Шоир шу насиҳатга боғлаб, «Адолат ойнаси» афсонасини ҳикоя қиласди ва аналитик фольклоризмни юзага келтиради. Асарда шу афсонани келтириш шарт эдими, у сюжет учун қандай аҳамиятга эга, деган савол туғилади. Афсонадан кейин Оташ маталчи «Иморатинг – адолат ойнаси» дея ҳикматли сўз айтади. Шоир қурган иморатинг кимлигингни адолат билан намойиш қиласди деб **хулоса** қилмоқда. Бу хулоса ечимнинг юзага келишида ёрдам беради. Қолаверса, хулоса фақат иморат қурилишига эмас, инсон ҳаётининг ҳар бир соҳасига дахлдор хулосадир.

Икки достон таҳлили асосида айтиш лозимки, 70-80-йиллар достонларининг аксариятида фольклоризмлардан, хусусан, аналитик фольклоризмдан унумли фойдаланилган.

«Иморат» достонида афсонадан ташқари қарғиши ва олқиши жанрларига оид намуналар ҳам қўлланиб, аналитик фольклоризмлар юзага келтирилган. Достондаги «Ким пиширса сумалак, Яшасин-ей минггача!», «Ризқинг бўлсин нон ҳар ерда», «Уйларингда ёниқ чироқлар ўчмасин» мисралари халқ олқишининг бир оз ўзгарган шаклида тузилган. Демак, булар шакли ўзгартирилган, ишлов берилган аналитик фольклоризмлардир.

Дастурхонда седона,
Териб есин бедона.

Достонда халқ қўшиғидан олиниб айнан берилган ана шу сатрлар учрайди. (Умуман айтганда, халқ қўшиқларидан бир мисра ёки бир банд олиб, унга тазмин боғлаш ҳолати бадиий асарларда кўп кузатиладиган

¹ Азим Суюн. Олис тонглар. Тошкент: «Ёш гвардия», 1989, 68-бет.

холатлардан биридир.) Шу мисраларга ёндош сатрда халқ олқиши ҳам келтирилган:

«Душманларинг йўқ бўлсин».¹

Асарда шоир тилаклари халқ олқишлирига омухталашиб ифодаланмоқда. Бундан кўринадики, бир мустақил адабий асар таркибида бир неча хил фольклор жанри намунаси умумий ғояни очишга хизмат қилиб келиши мумкин. Аммо шу ўринда тилак ва олқиши ҳодисаларининг ўхаш ҳамда фарқли томонларини белгилаб олишга тўғри келади. Чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам мазмунан яхши тилак, эзгу истак билдиришга қаратилганлиги учун баъзан қоришириб юборилади. Масалан, «Юзга кир!»-дейилса, бу ҳам тилак, ҳам олқишидир. Аммо «Ўқишига кир!» ибораси тилак бўлади-ю, олқиши бўлолмайди. Бинобарин, ҳар қандай олқиши тилак бўла олади, бироқ ҳар қандай тилак олқиши бўлавермайди. Олқиши **бадиий ҳодисалиги** билан тилақдан фарқ қиласи ва мустақил жанр саналади.

Достонда яна Олтибой дўмбирачининг кампир тилидан айтган шундай қарғиши келтирилган:

Овга чиқсанг, илон чақсин,
Йиқилиб туш қоядан.
Душманингга кунинг туғсин,
Қўрқиб ўлгин соядан.

Нихоят бу қарғиши йигитларнинг ор-номусини оёқ ости қиласидиган, обрўйини, иззат-нафсини ва ғурурини топтайдиган энг оғир ҳолатни ифода этувчи ёмон ниятни айтиш билан тугайди:

Қиз олсанг, воҳ, хотин чиқсин.²

Бу аналитик фольклоризм сюжетга алоқасиздай, бор-йўғи дўмбирачи маҳоратининг намойиши сифатида келтирилгандай туюлади, аммо шоир у орқали халқнинг қахри меҳри каби улуғлигини таъкидлайди.

¹ Азим Суюн. Олис тонглар, 89-бет.

² Азим Суюн. Шу китоб, 83-бет.

Достонда турли жанрларга оид намуналарнинг учраши фольклорда ҳам, ёзма адабиётда ҳам мавжуд анъана. Аммо тадқиқ қилинаётган достонда бу ҳолат бирмунча бошқачароқ. Бунда асар таркибига фольклорнинг у ёки бу жанрига оид намуналар тўлиғича (мақол, қарғиш, олқиши, афсона, ривоят кабилар) ёки парча ҳолида (ёр-ёр, алла, ўлан, ҳукмлагич кабилар) сюжетга сингдирилган ҳолда (афсона, ривоят, эртак кабилар) оддий ёки мураккаб фольклоризмлар ҳосил қилинган.

70-80-йиллар ўзбек шеъриятида олқиши ва қарғиш аналитик фольклоризм сифатида жуда кенг тарқалган. Улар факат достон, шеърий эртак таркибида эмас, ҳатто шеърлар таркибида ҳам келтирилганлиги кузатилади.

Халқ олқишилари шеъриятда қўлланар экан, шаклига кўра аналитик фольклоризмнинг икки қўринишини юзага келтирган. Шу асосда айнан қўлланган ва ўзлаштирилган олқишилар анчагина. **Олқишилар:** а) Ватанга; б) халққа; в) ота-она, фарзандга; демак, аниқ бир кишига; г) дўст-ёрга нисбатан айтилган ҳамда д) рамзий олқишиларга бўлинади.

70-80-йиллар ўзбек шеъриятида Ватан ва халқ алқанган олқишилар сероб. Бундай олқишилар аксарият ҳолларда «Омон бўл», «Бор бўл», «Гуркира», «Хазон кўрма, иншооллоҳ» тарзида ифодаланган.

Эркин Воҳидовнинг «Ифтихор туйғуси» шеърида «Омон бўл, онажоним, дил қувончим, сурурим»; А.Ориповнинг «Кенглик нуқтаси» шеърида «Бор бўл, тафаккурга ёр бўлган диёр», «Ўзбекистон» шеърида «Завол кўрма ҳеч қачон, ўлкам», «Саломнома» шеърида «Гуркирасин, кучга тўлган юрт доимо»; X.Худойбердиеванинг «Ўзбекистон» шеърида «Ўзбекистон, бошгинангдан куёш абад нур тўкиб, Дориломон кунда яша, бор экансан токи Сен»; Муҳаммад Юсуфнинг «Ўзбекмомо» шеърида «Омон бўл сен, омон бўлсин дашту даланг», «Ғайрат» шеърида «Иншооллоҳ, Иншооллоҳ, Аслингга қайтгил, Ватан» тарзида халқ олқишилари асосидаги мисралар қўлланиб, аналитик фольклоризмни юзага келтирган.

Хусусан, 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида халқни алқовчи шеърлар анчагина. А.Ориповнинг «Ўзбекистон пахтаси» шеърида «Неъматинг ўзингта ҳам барқарор бўлсин дейман», Муҳаммад Юсуфнинг «Тилак» шеърида «Бешикларга тўлиб кетсин бир ўзбеклар», «Халқ бўл, элим» шеърида «Бир бўл энди қадри баланд қаддингни кер; «Халқ бўл, элим, халқ бўл, элим» тарзида халқ олқишилари келтирилган. Зоро, олқиши жанрининг номи «алқамоқ» феълидан келиб чиқкан. Шуниси борки, бу олқишилар ёзма шеърият бағрида янада теранроқ ва кенгроқ мазмун касб қилиб, поэтик қиммати оширилган. Айтайлик, «Бир бўл» олқишини ота-она ўз оиласида фарзандларига, маҳалла оқсоқоли маҳалладошларига, улугроқ инсон ёшларга айтиши мумкин. Шоир эса уни ўз халқига, қўйингки, Ўзбекистонда яшаб турган миллати, ирқи, дини ва тилидан қатъий назар шу юрт фуқаросига айланган ҳар бир юртдошига айтмоқда. Бу бирликда тил, ҳудуд, қонун, орзулар, демакки, бутун келажак бирлиги аксланмоғи лозим. Кўринадики, шоир халқ олқишини ғоят чукур маънода қўллаган, унинг мазмун доирасини кенгайтирган. «Халқ бўл, элим» олқиши фольклор маҳсали эмас, бу олқиши стилизациясидир, яъни халқ олқишига монанд яратилган янги олқишидир. Унда халқ - улуғ қудрат эгаси, бунёдкор, Ватанинг жони сифатида тасвирланмоқда. Эл оломон эмас, халқ бўлсин, деб алқамоқда шоир. Негаки, улуғ фарзандлари ағёр томонидан ўлдирилганда ўз жонини ўйлаб, сукут сақлаган эл халқ эмас, оломондир. Ўзбек халқи айрим даврларда ахиллигини йўқотгани учун шоир шундай олқиши айтган.

Давр шеъриятида ота-онага, фарзандга айтилган олқишилар шаклидаги аналитик фольклоризмлар ҳам кўп учрайди. Фақат унда ота-оналар (катталар) алқанган олқишилардан кўра фарзандлар (ёшлар)га айтилган олқишилар кўпчиликни ташкил қиласи. Қолаверса, давр шеъриятида ёшларнинг катталарни алқаб яратган шеърлари алоҳида ажралиб туради. Ҳолбуки, аслида ёши улуғларнинг ёшларни алқаши ўзбек учун хос хусусиятдир.

Жумладан, Ҳ.Худойбердиеванинг «Йил боши истаклари» шеърида «Пири бадавлатлик, Оталар, Сизга, Хотиржам баҳт Сизга, Онажонларим»; «Оқ олмалар пишганда» шеърида «Сизга отам мўйсафидлик умрин тилардим-ку мен», Эркин Воҳидовнинг «Эзма чоллар» шеърида «Бизни айирмасин эзма чоллардан» сатрлари фикримиз далили бўла олади.

Фарзандга нисбатан айтилган олқишилар ранг-баранглиги билан ажралиб туради. А.Ориповнинг «Яхмалак» шеъридаги «Бахting бутун бўлсин, қизгинам...», Э.Воҳидовнинг «Отдошларимга» шеъридаги «Омон бўлсин оғатдан бу бош», «Ота тиласиги» шеъридаги

Кипригига зарра қўнмаса қайғу,
Бахти комил бўлса, толеи бекам,
Кўрса мен кўрмаган шодликларни у,
Етса мен етмаган ниятларга ҳам¹ ёки «Фақат одам қадрин билар одам бўл», Ҳ.Худойбердиеванинг «Улугбекни кузатиб» шеъридаги «Мен деб умринг узайсин, мен деб омон бўл, омон» сатрларида халқ олқишилари қўлланиб, аналитик фольклоризм ҳосил қилинган.

Халқ олқишилари айнан бирор учун яратилмайди. «Бор бўл», «Омон бўл», «Соф бўл», «Умринг узун бўлсин» каби олқишилар турли вазиятларда турли ёшдаги исталган кишиларга эзгу ният билан айтилади. Ёзма шеъриятда эса бу олқишилардан аналитик фольклоризм ҳосил қилинар экан, у аниқ бир кишига, маълум адресатга йўналтирилганлиги билан характерланади.

Маълумки, халқ йўлга чиқадиганларга «Йўлинг бехатар бўлсин», «Йўлинг оқ бўлсин» дейди. Бу олқишилар воситасида йўловчига хавф-хатарсиз, қийинчиликсиз сафар тиланади. «Йўлинг оқ бўлсин» олқишининг генезиси халқнинг оқ ранг билан боғлиқ қадимий ва анъанавий эътиқодий қарашларига бориб тақалади. Бунда оқ рангнинг ёруғлик, хотиржамлик

¹ Э.Воҳидов. Садоқатнома. –Т.: FACH, 1986, 18-бет.

рамзини ифодалаб келишини эслаш кифоя. Ушбу олқиши шеърларда турли вазиятларда қўлланилади:

Эй, сен, гўзал синглим, ошиқ укажон,
Оқ йўл саодатли ситораларга².

Э.Воҳидовнинг «Ватан соғинчи» шеъридаги «Дўстларим, ҳар қайда бўлинг саломат», Усмон Кўчқорнинг «Энди ортиқ ғамдан сўйлама» шеъридаги «Сен баҳтиёр бўлгин илойим», «Кутаётган тош» шеъридаги «Бошинг тошдан бўлсин дедилар», Муҳаммад Раҳмоннинг «Ҳаловатнинг гулханлари» шеъридаги «Салом ака бўлсин доим саломат», «Ҳалқ оҳангларида» шеърида «Севар ёrim, саломат бўл!» сатрларида инсонга тани сиҳатлик, баҳтиёрлик, тинчлик ва хотиржамлик тилаш ҳақидаги ҳалқ олқишлидан анализик фольклоризм ҳосил қилинган.

Оғзаки ижоддагидан фарқли ўлароқ олқишлиар реал маънода қўлланишдан ташқари фалсафий маъно касб этади ёки шоирона туйғуларни ўз бағрига кенгроқ сингдиради. Маълумки, «Инсоф бўлсин» олқиши бир кишига ҳам, кўпчиликка ҳам қаратиб айтилиши мумкин. А.Ориповнинг «Учинчи одам» шеърида ундан катта бир фалсафий фикрни очиб беришда маҳорат билан фойдаланилгани кузатилади. Шоир икки одам орасида ҳамиша учинчи одам борлигини ва учинчи одам гоҳ яхшилик, гоҳ ёмонлик учун восита бўлишини таъкидлаб, ана шу учинчи одамга қаратса «Сенга инсоф берсин» дейди. Кейинги мисраларда шунга боғлаб асосий ғоя: факат ўзбек эмас, бутун инсоният тинч бўлсагина, Ўзбекистон гуллаши англатилади. Чунки ўзбек ҳалқи башариятнинг бир бўлаги, Ўзбекистон эса курраи заминнинг бир қисмидир.

Хуллас, 70-80-йилларда дунёга, инсонга олқиши айтиш удумга айланди. Жумладан, А.Орипов «Тарбия» шеърида:

Одам аҳли, завол кўрма,
Бўлма одам заволи¹, - деб ёзади.

² Шу китоб, 126-бет.

Шу кайфиятдаги олқиши шоирнинг «Ният» шеърида «Инсонга осойиш ёр бўлсин», М.Юсуфнинг «Мактуб» шеърида «Дунё омон бўлсин» сатрлари орқали ифодаланган. Бундай мисоллар талайгина.

Фольклордан фарқли ўлароқ шеъриятимизда жонсиз нарсаларни, рамзий тушунчаларни олқишлиовчи сатрлар учрайди. Уларни шартли равища **рамзий олқишлиар** дейиш мумкин. Аслида бу олқишлиар фольклорда бору, ёзма шеъриятда кимга, нимага қаратса айтилаётганига кўра фольклордагидан фарқланади. Усмон Кўчқор «Дунёни англаш» шеърининг якунида олқиши воситасида юрагида буғдой донидай эътирози, исёни қолган одам мағлуб саналмайди деган фикрни ифодалайди:

Фақат юрагингда шу дона омон,
Мағзи тўқ шу буғдой саломат бўлсин³.

Исёнга омонлик тилаш Ҳ.Худойбердиеванинг «Шоир яшай билмас» шеъридаги «Ишқилиб, узунроқ умр кўр, исён» сатрида ҳам мавжуд.

Э.Воҳидов шеърларида фольклордагидан фарқли ўлароқ, шеърга олқиши айтиш ҳолати учрайди. Чунки шеъриятни олқишилаш, унга атаб шеърлар яратиш бадиий ижодда ўзига хос анъана тусини олган. Э.Воҳидов бу анъанани давом эттиаркан, шеърга шундай олқиши айтади:

Йўлларингиз бўлсин чароғон,
Хайр энди, соғ бўлинг, омон!⁴.

А.Орипов «Кўшиқ» шеърида «Болалар баҳтига қўшиқ соғайсин» дея қўшиқни олқишилади.

Э.Воҳидов «Сирдарё ўлани» шеърида кўхна Жайхунни олқишилаб, «тўлибтош», «сероб бўл» дея эзгу истагини баён этади:

Оқиб тургин, қуриб қолма, онажон⁵.

¹ Орипов А. Йиллар армони. –Т.: FACH, 1987, 333-бет.

³ Усмон Кўчқор. Оғир карвон. – Т.: 1991, 64-бет.

⁴ Воҳидов Э. Садоқатнома, 86-бет.

⁵ Воҳидов Э. Шу китоб, 116-бет.

Х.Худойбердиеванинг «Узатилаётган қиз қўшиғи» шеъридаги лирик қаҳрамон «Ота уйим, сендан юз бурмасин баҳт» деб ота уйини алқайди.

Демак, фольклор олқишилари, асосан, инсонга қарата айтилади. Ёзма адабиётда эса олқишилар нафақат инсонга, балки эгасига қадрдон бўлиб қолган жонсиз нарсаларга, табиат ҳодисаларига ҳам қаратилаверади. Бунинг натижасида жонлантириш (ташхис) санъати вужудга келиб, шеърнинг бадиияти ва таъсирчанлиги таъминланади. Кўринадики, шеъриятда жонсиз нарса-ҳодисаларга тингловчи сифатида қараб, уларга олқиш айтиш, эзгу тилак изҳор қилиб мурожаат этиш жонлантириш санъатини келтириб чиқаради. Бундай олқишилар 70-80-йиллар шеъриятида талайгина.

70-80-йиллар шеъриятида ибтидоий инсонларнинг рух ўлмаслиги ва боқийлигига ишончни ифода этувчи, руҳга тинчлик, хотиржамлик тиловчи олқишилар талқини ҳам учрайди:

Ётар Файзуллалар,

Ётар Аҳмадлар,

Худо раҳмат қилгур, худо раҳматлар.¹

Марҳумлар руҳига ишонч ва ҳурматни ифода этувчи олқишилар 70-80-йилларда ижод этган шоирларнинг асарларида ўз даври воқеалари билан боғлаб талқин этилганлиги кузатилади. Айтайлик, шоир Муҳаммад Юсуф миллий анъаналаримизга зид ҳолатда руҳи безовта, нотинч ва бехурмат қилинган Шароф Рашидов ҳақида ёзаркан, бу воқеадан қаттиқ ларзага тушганлигини лирик ифода этади. Бу ҳолат шоирни ўз шеърида марҳумларга айтиладиган «рози бўлинг» олқишини қўллашга ундейди:

Шоҳларга ҳамиша хушомад зомин,

Кўзин ёғин ялаб, сотарлар номин.

Шеърим ҳам тугади, ўзбекча омин,

Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

¹ Юсуф М. Сайланма.- Т.: “Шарқ” нашриёт- матбаа акциадорлик компанияси бош таҳририяти, 2004, 225-бет.

70-80-йиллар ўзбек шеърияти ўзлаштирган халқ олқишилари юзага келтирган аналитик фольклоризмларни эътиборда тутиб, шундай хуросага келиш мумкин: 1. Фольклорга хос олқишилар, асосан, қирқ ёшдан ўтган шоирлар ижодида учрайди. 2. Мифологик олқишилар деярли кам қўллангани ҳолда реал ҳаётий олқишилар кенг ўзлаштирилган. 3. Қўлланган олқишилар сони кам, аммо қўлланиш мақсади, ўрни, бажарган вазифаси кенг. 4. Улар, асосан, шеърнинг охирида қўлланилган. Эҳтимол, бунда олқишиларнинг, одатда, бирор тадбирни ёки ишни бошлашдан олдин ё кейин айтилиши инобатга олинган бўлиши мумкин. 5. Келтирилган олқишилар асар мавзусини ойдинлаштиришга, лирик хуросани чуқурлаштиришга хизмат қила олган. 6. Натижада бундай шеърлар эзгуликни тарғиб қилувчи воситага айланган. 7. Яна халқ олқишиларининг яшовчанлигини ва кенг оммалашишини таъминлашга йўл очган.

Баъзан шоирлар бадиий ижод имкониятларидан фойдаланиб, олқишини қарғишга хос услубий қолипда баён этиши ёки аксинча, қарғишни олқиш усулида айтиб, шеърнинг бадиияти ва таъсирчанлигини оширишга интилганларини кузатиш мумкин. Масалан:

Совчилари эшигига зор бўлсин,
Нозималар, Мадиналар бор бўлсин.²

«Зор бўл» ибораси аслида қарғишга хос, аммо қизлар эшигига совчиларнинг зор ўтириши – бу қарғиш эмас, балки олқишидир. Худди шундай ҳолат Зебо Мирзаеванинг «Илоҳа, қўлларинг..»³ деб бошланувчи шеърида ҳам яққол кўринади:

Дуобад айладим, таним хор бўлсин,
Рухим – Худо бўлсин,
Худо ёр бўлсин.

² Юсуф М. Сайланма, 191-бет.

³ Мирзаева З. Тун маликаси.- Т.: FACH, 1990.

Шоира «вужудим хор бўлсин» деб ўзини қарғамоқда. Тасаввуф дунёси вужудни хор қилиш эвазига рух Оллоҳ дийдорига мушарраф бўлиши мумкин деб ҳисоблайди, олий руҳга қўшилишни орзу қиласди. Демак, лирик қаҳрамон ҳам вужуд хорлиги эвазига (бу ўринда нафсни тийиш назарда тутилмоқда) Оллоҳ дийдорига мушарраф бўлишни орзу қилмоқда, демакки, ўзини алқамоқда. Аммо бу олқиши вужудга битмас-туганмас азоб келтириши мумкин. Мумтоз адабиётимизда ошиқ ўзгани алқаб ёдлайди. Ўзгани эмас, ўзини жазога лойик топади, қарғиши ошкора ифодаламайди:

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,

Келсун агар юзумни эвурсам, бало манга.¹

Айни дамда лирик қаҳрамон – ошиқ маъшуқанинг жазоларини қабул қилишига сабаб, аввало, азоб дил қўзини очувчи, дил ойнасини тозаловчи восита деб билганидадир. Қолаверса, аксарият ҳолларда маъшуқа – оллоҳ образи, демак, унинг учун чекилган азоб аслирохатдир. Зебо Мирзаеванинг лирик қаҳрамони ўзини дуо килар экан, шу дуони ёрига ҳам раво кўради:

Ёринг худо бўлсин,

Худо ёр бўлсин!

Халқимизда яқин кишилари билан хайрлашиш чоғида «худо ёр бўлсин», дея бир-бирини дуо қилиш удуми бор. Шоира сатрларининг моҳиятига диққат қилинса, унда эзгу тилакдан кўра ёмон ният билдирилаётгани аёнлашади. «Худо ёр бўлсин» олқиши гўё шеър талаби билан инверсияга учрагандек. Аслида эса бу атайлаб қилиниб, шу йўл билан олқиши қарғишига айлантирилмоқда. Бу ифода орқали шоира ошиққа «оллоҳдан ўзга ёринг бўлмасин», дея ёлғизлик азобини тилаёттир. Шоира сўнгги банддаги қайтариқда «Севгим худо бўлсин», дейиш билан муҳаббати ошиқ учун ягона, қудратли бўлишини тилайди. Бу олқишидир, аммо моҳиятида қарғиши ётган олқишидир. Лирик қаҳрамоннинг ишқи ошиқ учун ягона бўлиб қолса, ошиқ қайта севолмайди. Маъшуқа хиёнаткор ошиққа қайрилиб қарамоқчи

¹ Бобур. Девон.- Т.: Фан, 1994, 17-бет.

эмас. Демак, бунда дуо қарғишига айланади. Охирги банд билан биринчи банддаги қуйидаги мисра мантиқан бир-бирини тўлдириб, фикрни янада кучайтиради:

Илоҳа, қўлларинг ишққа зор бўлсин!

Шоира дуодай кўринган олқиши бағрига қарғишиларни яширишда давом этади:

Осмон бўл, заволинг тупроқ қўрмасин.

Шоира заволинг тупроқни қўрмасин дейиш билан ошиқни қарғамоқда. Негаки, ҳар қандай осмон бўлган инсон ҳам бир куни завол топиши аниқ. Завол топган инсон тупроқ бағрига қўйилади. Халқда гўр қабул қилмаган инсонлар борлиги ҳақида афсоналар мавжуд. Лирик қаҳрамон ошиққа ана шу даҳшатли қарғиши раво кўради. Зеро, юқоридаги сатрлар қарғиш бўлмаса, кейинги сатрлар бундай тугамас эди:

Чинор бўл, шохингга бир зоғ қўнмасин,

Шамол бўл, кимсан деб бирор сўрмасин.

Чинор дарахтлар ичидаги узок умр кўриши билан машҳур, аммо мевасизлиги боис бекадр. Лирик қаҳрамон ошиққа узок умр тилаяпти, лекин бирор зоғга-да керак бўлмаган уқубатли умрни тиламоқда. Демак, сатр тўла-тўқис қарғиш тусини олмоқда.

Юқорида қарғишининг олқишига, олқишининг қарғишига ўтиши мумкинлигини кўрдик. Бу ҳол шеърият имкониятлари орқали юзага келган, аслида, олқиши ва қарғиши фольклорнинг сўз сехрига асосланувчи мустақил жанрларидир. Фақат олқишига зид ўлароқ қарғиши ёвузликка қаратилади, инсонга ўлим тилайди ёки унга бошқа бирор ёмонликни раво кўради. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да у «қарғамоқ бирор ёмонлик, баҳтсизлик ёки ўлим тилаб койимоқ» тарзида изоҳланган.¹ Халқ қарғишилари ва олқишиларини солиштиrsак, қарғишилар ранг-баранг, бой эканлигига иқрор бўламиз. Узок умр тилаб айтилган олқишилар унчалик кўп эмас. Масалан,

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: Русский язык, 1981, -бет

«узоқ умр кўр», «умринг узун бўлсин», «боқий яша», «юзга кир», «мингга кир», «кўп яша», «умринг зиёда бўлсин» каби. Аммо бундай олқишининг акси ҳисобланувчи: «ўл», «гўрга кир», «юзингни тахтага олай», «юзингни мурдашўй ювсин», «ризқинг қийилгур», «қирон теккур», «қирқинингдан қийилгур», «гўрда ётгур», «юзинг чирригур», «жувонмарг бўлгур», «йигит ўлгур», “чалпагинг чиқкур” каби ўлим тиламоқдан иборат қарғишилар бениҳоя кўп.

Олқишиларда фикр кўпинча ортиқча бадиий бўёқларсиз, тўппадан-тўғри баён этилади. Қарғишиларда эса инсонга ёмон ният билдирилиши боис инсонийлик нуқтаи назаридан оғир вазиятни бироз бўлса-да юмшатиш илинжида фикр тўппадан-тўғри эмас, метафорик усулда, яширин рамзий тусда баён этилади. Қарғишиларга хос бундай метафорик баён услуби шоирларга ўз фикрини, қалби тубига яширинган оғриқли ўй-кечинмаларини бадиий ифода этишида қулайлик туғдиради. Шунинг учун қарғишилар қўлланган шеърларда метафорик ифодавийлик, шартли бадиий кўчим, рамзийлик алоҳида бўртиб кўринади. Олқишилар қўлланган шеърларда эса халқ олқишиларига хос қўтаринкилик кайфияти устиворлик қиласади.

Динимиз қарғишиларни қоралайди. «Бировга ўлим тилагунча ўзингга умр тила» мақоли исломий тафаккур маҳсулидир. Бу тафаккур тарзига кўра гуноҳкорни жазолашни оллоҳга топшириш лозим. Халқда «Худога солдим», «Худога топширдим», «Жазоингни худо берсин» деган норозиликни ифодаловчи жумлалар борки, уларнинг моҳиятида қарғишилар зухуроти кўзга ташланади.

Эшикларни йифлаб ёпдим,
Эшигингни ёпгин, ёр.
Мен-ку сени севиб топдим,
Сен худодан топгин, ёр².

² Мўминова З. Ёнаётган аёл.- Т.: FACH., 1992, 30-бет.

«Худодан топ» қарғиши гуноҳкорни оллоҳга топширади, айни дамда, бу қарғишининг қудрати баланддир. Сабаби, «ўл» десангиз қарғишингиз эътиборсиз қолиши мумкин, чунки бу банданинг фикри. Аммо жазолаш оллоҳдан сўралса, оллоҳга ишонилса, яратган гуноҳкорни, албатта, жазолайди деган ишонч халқда исломий тафаккур меваси сифатида шаклланган. Ислом динининг ёвузлик, нафрат каби иллату туйғуларга қарши фикран кураши сифатида юзага келган тарбияси асрлар оша халқимизга таъсир қилганига қарамай, қадимдан онгимизга, феълимиизга сингиб кетган қарғаниш ва халқ қарғишлирига хос ифода усули шеъриятимизда ҳам ўз изини қолдирган. Шеърият эзгулик тарғиботчиси бўлса-да, ёвузлик кучайган дамлардаги иложсизлик қарғанишга мажбур қиласди.

70-80-йиллар ўзбек шеъриятидаги қарғишлиарни қўлланиш мақсадига кўра тубандагича гуруҳлаш мумкин: 1. Ўз-ўзини қарғаш. 2. Ўзгаларни қарғаш. Бу тубандаги кўринишларда намоён бўлган:

а) мустабидларни қарғаш; б) Ватан хоинларини қарғаш; в) хиёнаткор ёрга ёмонлик тиловчи қарғишлиар; г) рамзий қарғишлиар.

Ўз-ўзини қарғаш ночор қолганда, яшашдан тўйганда, баҳтсизлигини ҳис қилганда қўлланади. Бундай ҳолларда кўпинча ўлим тиловчи қарғишлиар қўлланади. Ҳ.Худойбердиеванинг «Она садоқати ва ўғил армони қиссаси» баҳшиёнасида лирик қаҳрамон - қайнона ўз-ўзини қарғайди:

Онанг ўлсин, куйганимиз рост бўлди-ёв,
Болам, қора кийганимиз рост бўлди-ёв.¹

Қайнона «тилим қирқилса-чи» деб ўзини қарғашда давом этса, «отинг ўчин» деб урушни, демакки, мустабидларни қарғайди. Уруш туфайли бева қолган келин ҳам қайнонасиининг «турмушга чиқинг» деган маслаҳатидан ранжиб «осилиб ўл» қарғишини ўзига нисбатан қўллади:

Бегона эркак тўшагимни босган куни
Чилвир соchlарим узун бўйнимадор бўлсин.

¹ Худойбердиева Ҳ. Сайланма, 168-бет.

Шоиранинг «Қасам» баҳшиёнасида лирик қаҳрамон эрининг ифлослигини кўриб ўзини қарғайди:

Шўрим қотмаса мен сени дермидим,
Кўзим чиқсин, кўрмидим-ей, кўрмидим.²

Биринчи баҳшиёнада қайнона ўз келинини бошқага турмушга чиқишига ундағани учун «онанг ўлсин», «тилим қирқилса-чи» деб ўзини қарғаяпти. Шоира шу қарғиши ишлатмаса, шеърхон қайнона руҳиятини тўла-тўқис тушунмайди, ҳолат ҳаётий чиқмайди. Баҳшиёнадаги «У қибламни бу қибламга айлантир» қарғиши халқ қарғиши эмас, балки шоира қарғиш стилизациясини юзага келтирган, яъни халқ қарғиши усулида ўз қарғишини яратган.

70-80-йиллар шеъриятида қарғишиларнинг ўзлашуви икки хил шаклдаги аналитик фольклоризмни юзага келтирганлиги кузатилади:

1.Асл ҳолиша қўлланган қарғишиларни юзага келтирган аналитик фольклоризмлар: Уйинг куйгур раис сенга тенгқурма³.

2.Ўзлаштирилиб, ифода тартиби бироз ўзгартирилган қарғишилардан ҳосил қилинган аналитик фольклоризмлар:

Ойдинда ҳам қўрмай қолсин
Кўзинг тиниб,
Кокилимга теккан қўлинг
Тушсин синиб.¹

Бу сатрларда «кўр бўл», «кўлинг синсин» қарғишилари ўзгартириб қўлланган, шу асосда шоир шеърга хос нафисликни, оз бўлса-да, сақлаб қололган.

70-80-йиллар ўзбек шеърияти вакиллари халқимизнинг мустабидлар томонидан эзилаётганини кўриб, англаб турсалар-да, чора топмагач, ўз норозиликларини турли рамзлар қатига сингдирилган қарғишилар воситасида

² Худойбердиева X. Сайланма, 174-бет.

³ Шу китоб, 178-бет.

¹ Юсуф М. Сайланма, 15-бет.

ифодалашга интилишган. Жумладан, Э.Вохидовнинг «Арслон ўргатувчи» шеърида бу ҳолни кузатиш мумкин. Унда ифодаланишича, арслон ўзини ўйнатаётган ожиз одамдан ғазабланади. Ожиз одам арслонга ўз ихтиёри билан бундай қилмаётгани, у ҳам эгалик қул, бошда хўжаси борлигидан ночорлигини шундай изҳор этади:

Тўлғонди арслон:

- Бўлди, бас қил!

Юрагимни қон қилма инсон!

Ўт олсин бу чарх – фалакнинг

Ризқу рўзини!...

Арслон олов чамбаракка

Отди ўзини².

Яна шоир «Унутиш қўшиғи» шеърида лирик қаҳрамон тилидан «Дунё учун фақат пул муҳимлигини» айтиб, «Менга деса, борлиқ қул бўлсин!” дея қарғанади.

Э.Воҳидовдан кейинги авлод қарғишига кўпроқ мурожаат қилиб, ранг-баранг фольклоризмлар қўллади. Бу андишасизликни эмас, зулмнинг кучайгани, халқнинг пешқадам вакиллари ғафлат уйқусидан уйғонганини билдиради.

Шуниси борки, мустабид тузумдан норозилик кайфиятини ифодаловчи шеърлар илгари яратилган бўлса-да, XX асрнинг 90-йилларида эълон қилинди. Унгача эртак, ривоят бағрига яшириб ёки ўтмиш воқеалар либосига ўраб айтилди, жумладан, мустабид тузумдан норозиликни ифодалаш мақсадида қўлланган қарғишиларнинг тақдири ҳам шундай:

Кўзи бўлса, яратган кўрсин –

Майит ювиш у ёқда турсин,

Ичгали сув йўқ-ку, жин урсин,

Таяммумга қолдими кунинг.

² Воҳидов Э. Садоқатнома, 95-бет.

Шеъриятимизда мифологик қарғиши саноқли қўлланган бўлиб, юқорида келтирилган сатрлардаги «Жин урсин» қарғиши унга мисолдир.

Қарғишлар мустақил жанр бўлиб, қисқа ва ихчам жумлада кенг маънони ифода этади ҳамда уларнинг аксариятида фикр кўчма маънода, метафорик усулда баён этилади. Айтайлик, халқ «ўл» қарғишининг ўнлаб образли ифодаларини яратган. Масалан, «тахтага олай» қарғиши мотам маросимига алоқадор анъанавий удумлардан бири - ўлган кишини кўмишдан олдин тахтага олиб ювиб поклаш ҳолатини англатади. Шунинг учун бу қарғиш ўлимни ифодалайди.

«Уйинг куйгур» қарғишининг дастлабки маъноси «уйинг ёнсин, маскансиз, яшаш жойисиз кўчада қол» дегани. Аммо бу қарғишининг келиб чиқишига ҳам қадимги одамлар орасида амал қилган удум: ўлган кишининг уйини ёқиб йўқ қилиб юбориш одати асос бўлган. Демак, «уйинг куйсин” қарғишида ана шу одатга ишора бор. Уни айтиш эса кишига ўлим тиланаётганлигини англатади.¹⁴ Халқимизда аёллар эрини «уйим» дейди. Эри ўлганлар «вой, уйим», «эсиз уйим» деб йифлайдилар. «Уйим куди» дея фарёд соладилар. М.Юсуф «Ҳалима энам аллалари» алла – достонида ана шу кўп маъноли қарғиши қўллаган:

Эргаш понсад, бери кел,
Гижинглатиб отингни
Уйинг куйгур тошбағир,
Чолимни сен отдингми?¹

Истиқлолгача босмачиларни Ватан хоинлари санардик. Шу боис шоир кампир тилидан ватанфурушни қарғамоқда. Аммо бугун биз босмачиларни ҳам ҳар хил тоифаларга бўлдик. Уларнинг барини қарғаб бўлмаслигини англадик.

¹⁴ Ўраева Д. Қарғишларда ўлим ифодаси // ФарДу хабарномаси, 2004, №3.

¹ Юсуф М. Ҳалима энам аллалари. –Т.: Чўлпон, 1991, 16-бет.

Мирзо Кенжа юртимиздан кўчиб кетган ўзбекларга бағишилаб «Хайрлашув» шеърини ёзди:

Лекин бир бор юрт меҳрига зор бўлинг,
Тилингизни асранг, кетган ўзбеклар!...²

Шоир «зор бўлинг» қарғишини қўллайди. Бир нарса ҳақ: шоир ёмонларни қарғайди.

Аналитик фольклоризмни юзага келтирган қарғишилар ичida хиёнаткор ёрни ёзгирувчи қарғишилар қўп:

Гулдай умринг кулдай тўзиб кетмоқда,
Кимни кутиб ёшинг қирқдан ўтмоқда.
Елкангдаги етти қатор сиртмоқда,
Осилибгина ўлмасму у алдаган?!³

М.Юсуфнинг «Рўмолингни бўяма» шеъридаги «Тошлар ёғсин бошимга», «Қиз қарғиши» шеъридаги «Бу дунё у дунё бўлгин севгига зор», З.Мўминованинг «Мени алдаганий» шеъридаги «Мени алдагани оллоҳ алдасин» сатрларида хиёнаткор ёр қарғалган. «Лаънат» сўзи Азозилга нисбатан қўлланган. Азозил инсонга сажда қилмайман, деганида пешонасига оллоҳнинг боқий лаънати тамғаланиб «Алайҳи лаъна» дейилган. Шу боис лаънат инсонга нисбатан қўлланмаслиги лозим. Аммо халқ ичida «минг лаънат», «падарингга лаънат» қарғиши пайдо бўлган. Бир қараганда «лаънат» сўзи сўкишдай туюлади. Аммо сўкиш қарғишга teng келолмайди. Сўкиш инсон шахсини ҳақоратлашга, камситишга қаратилса, қарғиш инсонга ёмонлик, ўлим тиласи учун айтилади. Шуниси билан улар ўзаро фарқланади. Лаънатга учра, шайтон қаторида тур дейиш ҳақорат бўлмай, қарғишидир:

- Зайнаб! Сенга минг лаънат, талоқсан Сен, кет талоқ,
Кумуш ярқ кўзин очди бу сўзни эшитган чоқ.¹

² Мирзо Кенжа. Рухим еллари. –Т.: FACH, 1990, 176-бет.

³ Юсуф М. Сайланма, 81-бет.

70-80-йиллар ўзбек шеъриятида урушни, разилликни, ифлосликни, зулмни, хиёнатни қоралашда қарғишлардан фойдаланиб, метонимия яратилганлиги кузатилади. Чунки уруш, ифлослик, зулм, хиёнат кабиларни инсон амалга оширади. Лекин шеърда инсон номи яшириниб қолиб, ўрнига уруш, хиёнат каби инсон амалга оширадиган ҳодисаларга қарғиш айтилади. Шунинг учун бундай қарғишларни шартли равища рамзий қарғишлар дейиш мумкин:

Сўнгини айтмасдан урушга ҳар кун
Қарғиш бошлайди бу аёл².

Шоира Зулфиянинг «Уруш, номинг ўчсин жаҳонда» каби сатрларидай ўтли сатрлар бу жиҳатдан эътиборимизни тортади.

Эшқобил Шукурнинг «Осмон бу – муҳаббат» шеъридаги «Лаънати осмон», «Кекса донишмандга айт..» шеърида «Муқаддас чинорга ўт қўйгин чақмоқ» сатрларида ҳам ўзига хос рамзий қарғиш борлиги сезилади.

Умуман, қарғишлар зулм олдидаги начорликдан туғилади ва зулм кучайган даврлар шеъриятида фикрни бадиий ифодалашга қулай поэтик восита бўла олади.

А.Ориповнинг «Ҳангома» шеърида адашиб қолган чоллар жаҳлларидан тўй эгасини сўкиб: «Баттар бўлгур нокас,.gov» дейдилар. Аслида бунда улар қарғанганларини ўйламайдилар. (Бу ўринда ҳақорат ва қарғиш синтези кузатилади). Чолларни кутиб олган кампир ҳам гўё қарғанмайди:

Хой, сенми бу, ер юткур,
Имонингдан кечдингми!³

Демак, халқ баъзан қарғишни ўйламай сўкиш каби қўллайди. Шоирлар ушбу табиий ҳолатни шеърга кўчирғанлар.

Умуман, 70-80-йиллар шеъриятида қарғишлар ўкинч, алам, изтироб, начорлик туфайли кўллангану, аммо ёвузликка, зулмга қарши эмас,

¹ Худойбердиева X. Сайланма, 137-бет.

² Эшқобил Шукур. Яшил қушлар.- Т.: Ёзувчи, 1995, 42-бет.

³ Орипов А. Йиллар армони. –Т.: FACH, 1989, 165-бет.

эзгуликка нисбатан ҳам ишлатилган. Ёвузык ғолиб бўлиб, эзгулик енгилганида инсон ёвузык қилолмайдиган инсонни ҳам қарғаши мумкин экан:

Ўқимай ўл, унмай ўл, ўғлим,
Ўқиб олим бўлмай ўл, ўғлим,
Олти тилни билмай ўл, ўғлим!...
Энди менинг ҳолим не кечар?⁴.

Аслида бу қарғиш эмас. Қатағон қилинган ўғлини шунчаки ёзғириш, ундан, уни маънавий юксакликка лойик қилган тақдирдан норозилик ифодасидир. Ўғли олим бўлгани учун ўлдирилгани ўзбекнинг бечора онасига аён эди. Буни қарғишидан иборат сатрлардан олдин айтилган «Ёмон бўлсанг ўлмасдинг, ўғлим» сатри исботлайди. Ёзғириш қарғиш эмас, койиниш, аммо норози бўлишдир. Норози бўлиш ҳам ёмонлик тилашнинг, қарғанишнинг оддий кўринишидир.

Ҳар бир нарсанинг кушандаси, унга қарши турадигани бўлади. Халқ қарғиши икки йўл билан қайтарган. Ёмон йўл билан, яъни қарғишига қарғиш билан жавоб қайтарган. Бундай ҳолларда «қарғишинг ўзингга урсин!», «Оғзингдан чиқиб ёқангга ёпишсин!», «Тилингдан чиққани ёқангга ёпишсин» дейилган. 70-80-йиллар шеъриятида бу ҳолат кўзга у қадар ташланмайди. Иккинчиси шуки, яхши йўл билан қарғиши қайтаришга уринишган. Феъли эзгулик билан йўғрилган халқ ўзига ёмонлик тилаб турган нокасга ҳам, балки зулм кўргани учун қарғаниб турганига ёхуд оддий бир ишга жаҳлини тиёлмай, сўз сеҳрини тушунмай қарғиш ишлатганларга ҳам ёмонликни раво кўрмай, қарғишидан ўзини сақлаш билан чекланган. Бундай пайтда «Нафасингни ел есин», «Оғзингга шамол», «Овозингни шамол олсин» каби қайтариқларни қўллашган. «Қарғиш урди», «Қарғиш тегди», «Қарғиш тутди» иборалари сўз сеҳрига ишончнинг маҳсулидир. Бу иборалар давр шеъриятига айнан кўчирилди. Ҳ.Худойбердиеванинг

⁴ Юсуф М. Сайланма, 222-бет.

«Халқона оҳангларда» шеъридаги «Йўқса аввал Сизга қарғиши тегар бир кун», Иқбол Мирзонинг «Даштда» шеъридаги «Қарғиши теккан ер бу!» - деган Худоёр» сатрлари мисолдир. Халқ қарғишидан, ёмон ниятдан асраниш учун уни шамолга топширган дедик, одамлар гўё шу билан ундан қутилиш мумкинлигига ишонишган.

Ҳ.Худойбердиеванинг «Илинж» балладасидаги бош қаҳрамон Гулнор ўлими яқинлигини айтганида опаси «Нафасинг елга кетсин» дейди. Шеъриятда бундай сатрлар фақат лиро-эпик асарларда ёки воқеабанд шеърларда учрайди.

Ўзбек халқи болажонлиги билан бошқа кўп халқлардан фарқланади. Шу маънода боласига келадиган балога, оғатга балогардон бўлиши одатий ҳолдир. «Шунга келган балони ўзим олай», «Шунга келган бало манга келсин» деган халқона жумлалар шеъриятда ҳам ўз ифодасини топган. Э.Воҳидовнинг «Келажакка мактуб» шеърида Шарқ ва Ғарб анъаналари бу жиҳатдан чоғиширилган. Чунки Ғарбда Иван Грозний ўғлини уриб ўлдирган бўлса, Шарқда Бобур ўғлига келган балога рўбарў бўлган. Ана шу икки ҳолат шеърда қарама-қарши қўйилган ва лирик қаҳрамон аждодлари изидан борган:

Менинг жонимни ол, эй, парвардигор,
Аммо фарзандимни қолдиргин омон!¹.

Худди шундай балога қалқон бўлиб, боласига олқиши айтиш Тўра Сулаймоннинг «Харсанг» шеърида ота тилидан келтирилган:

- Шунга келган
Бало менга келсин, дер,
Ёмонлигини кўрсам
Кўзларим ўйилсин, дер¹.

¹ Воҳидов Э. Садоқатнома, 149-бет.

¹ Тўра Сулаймон. Гулшан. –Т.: FACH, 1988, 84-85-бетлар.

Халқимизда қарғанинг номи унинг лаънат олгани билан боғлиқлиги хақида яратилган афсона бор. М.Қошғарийнинг «Девони луготит турк» асарида қарғиш сўзига ўзакдош «қирғағ» сўзининг «ғазаб», «қаҳр» маъносида қўлланилгани изоҳланган. Шоир Тилак Жўра шу икки фикрдан фойдаланиб, қор ёғиши манзараси билан қаламнинг оқ варақни қора қилиши ҳолатини ўзаро ўхшатади. Бунинг биринчисида қора нарсанинг оқ бўлиши, иккинчисида аксинча оқ нарсанинг қора бўлиши англашилади. Қарғалар қора тусда бўлғанлиги учун оппок қор узра юрса, тез билиниб, кўзга ташланиб қолади. Шоир шу ўхшаш ҳолатларни ёдга олиш орқали ўз руҳиятидаги қарама-қаршиликларни очиб беришга интилади.

Қаҳрим қағиллаган қарғадир,
Ўзимдан, кўзимдан йўрғадир.
Йўғрилиб-йўғрилиб лабимни тишлар,
Қор қоплаган қарғишлар.²

Шеъриятимизда қарғишдан воқеликни ифодалашда бир детал сифатида фойдаланилган ҳолатлар ҳам кўзга ташланади:

Тилингга чипқонлар чиққанида,
Тилингни чаёнлар чаққанида,
Мен табиб бўлдим халқим³.

Эшқобил Шукурнинг «Маматрайим Бахши» деб номланган бу шеърида ҳақиқат олдида гапиролмай қолган халқнинг тили ҳақгўй бахшилар экани таъкидланади. Айни чоқда халқимизнинг мутелигига сабаб кўчма маънода тилидан чаёнлар чаққани деб кўрсатилади. Шеърда «Тилингга чипқон чиққур», «Тилингни чаён чаққур» қарғишлари гўё амалга ошган ҳақиқат тарзида ифодаланган.

Тилимизда қарғишлардан айримлари сўкишга айланиб қолгани ҳам кузатилади. Жумладан, «Кўрнамак» – «Туз кўр қилгур», «Жувонмарг» - «Ёш

² Тилак Жўра.

³ Эшқобил Шукур. Яшил қушлар, 57-бет.

ўлгур» қарғишидан ҳосил бўлган. Уларнинг мохиятида қарғиш ётса-да, кўпинча сўкинишдай қўлланади. А.Ориповнинг «Тафаккур монологи»даги «Сени эплолмадим, жувонмарг одам», Ҳ.Худойбердиеванинг «Энг тоза мева» шеъридаги «Билганим – кўрнамак, нопок икки зот» мисралари бу жиҳатдан фикримизни далиллайди.

Агар қарғиш бўлиб келган гапнинг кесими бўлишсиз шаклда ифодаланса, у олқишига айланади. Масалан, Азим Суюннинг «Ўртамиизда дарё оқсин» шеъридаги «Оҳ, сен... майли, ўлмай юргин», О.Хожиеванинг «Тилак» шеъридаги «Кўп қатори ўлмагин» мисралари мисолдир.

Қарғишилар халқда «Илоё (илоҳа)», «Худоё худо-бандо» сўзлари билан, «Ҳе» ундов сўзи билан бошланади ёки – «гур» шакл ҳосил қилувчи қўшимчаси билан тугайди. Шеъриятда аксарият ҳолларда феълга –«гур» қўшимчаси қўшилган ҳолатдаги қарғишилар кўп қўлланади. Бу қўшимча II шахс буйруқ майлидаги “-гин” қўшимчасига teng келади. Аммо у адабий тил меъёрлари нуқтаи назаридан қабул қилинмаган.

70-80-йиллар ўзбек шеърияти халқ қарғишиларидан турли ўринларда фойдаланиб, аналитик фольклоризмни юзага келтирди. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти қуидагиларда намоён бўлади:

1. Қарғишилар ижтимоий аҳамият касб этиб, даврдан норозиликни ифодалади.
2. Хиёнатни қоралади.
3. Урушни лаънатлади.
4. Халқ руҳиятидаги ўзгаришларни ифодалашга хизмат қилди.
5. Халқ қарғишиларининг жанр сифатида келажак авлодларга етишини таъминлади.
6. Шеъриятдаги ҳаёт тасвири реаллигини оширди.

Бу йиллар шеърияти олқиши ва қарғишилардан ташқари халқ ижодининг бошқа қатор жанрларидан парча келтириш орқали ҳам аналитик фольклоризмни юзага келтирди. Жумладан, халқ қўшиқлари аналитик фольклоризмни юзага келтирган ўринлар анчагина. Халқ қўшиқлари ёзма шеъриятга айнан кўчирилар экан, икки мақсадда қўлланган.

1. Тазмин боғланган, демакки, халқ оҳанги, вазни ва айрим ўринларда қоғия тартиби сақланган.

2. Сюжетли шеърий асарларда бирор-бир руҳий ҳолатни чуқурлаштириш, манзарани аниқлаштириш учун халқ қўшиқларидан аналитик фольклоризм сифатида фойдаланиш жуда қулайдир. Айтайлик, Эшқобил Шукур «Бузоқнинг ўлимидан сўнг» шеърида соғим қўшиғидан намуна келтириб, руҳий таҳлилни чуқурлаштиришга, лирик манзарани ёрқин ифодалашга эришган:

Кувшаб егин ўтингни,
Ийиб бергин сутингни.
Сенинг боланг ўлибди,
Хурмо боланг бўлибди,
Хўш-хўш, энам-ов, хўйш»

Шу парчадан сўнг шоир «Бузоги ўлган сигирни хотинлар шундай овутишган» деб изоҳ беради. Дарҳақиқат, манзара жуда қайғули: аёл бефарзанд, боз устига туққан сигири бузоғидан айрилди. Шоир ана шу манзарани жонлантириш ва таъсирчан ифодалаш учун «хўш-хўш» қўшиғидан парча келтириб, аналитик фольклоризм ҳосил қилган. Шеър жуда реал, мажозий руҳда, фалсафий мулоҳазаларга чорлаб якун топган:

Икки жонвор қалби чайилган сутни
Ўғри мушук ичиб кетди ўша тун¹.

Китобхон қалбини ларзага солиш, фикрлашга ундаш учун аналитик фольклоризмнинг ўз аҳамияти, ўз ўрни бор. Ойдин Ҳожиеванинг «Умр», Усмон Кўчкорнинг «Иқрор», Эшқобил Шукурнинг «Айлана» шеърларида ҳам халқ қўшиқларидан иқтибослар келтирилган булиб аналитик фольклоризмнинг чиройли намуналари яралган.

Аналитик фольклоризм ўзбек шеъриятида қуйидаги ўринларда хизмат қилиши кузатилади:

¹ Эшқобил Шукур. Яшил қушлар, 84-бет.

1. Воқеабанд шеърларда сюжет унсурларининг юзага келишига кўмак беради. 2. Фольклорий оҳанг шакллантирилади. 3. Ижодкорларга мавзууни чуқурроқ ёритиш имконини беради. 4. Халқ дардини очиб беришда қулай восита, ёрдамчи бадиий деталь вазифасини адо этади. 5. Шеърнинг халқчиллигини ва реаллигини кучайтиради. 6. Халқ ижоди боқийлигини таъминлайди.

Умуман айтганда, аналитик фольклоризмни тадқиқ қилиш фольклор ва адабиёт алоқаларини ўрганишдаги муҳим бир ҳалқадир.

Синтезлашган фольклоризм. Аналитик фольклоризмни аниқлаш оддий фольклоризмни топиш сингари осондир. Аммо синтезлашган фольклоризмни топиш анча мушкул. Чунки синтезлашган фольклоризм юзага келиши учун танланган фольклор материали асар сюжетига сингиб кетиши лозим. Аналитик фольклоризм асардан олиб ташланса, асар моҳиятига жиддий зарар етмайди, лекин асардаги ўзига хос жозибага сезиларли путур етади. Китобхон рухига таъсир қилувчи воситалардан бири бой берилади, бироқ асар ғояси, мазмуни, сюжетида жиддий ўзгариш бўлмайди. Шуни ҳам айтиш керакки, айрим аналитик фолклоризмлар асардан олиб ташланса, ўша асар сюжети жонсиз бўлиб қолади. Айтайлик, Э.Воҳидовнинг «Рухлар исёни» достони сюжетини ривоятсиз тасаввур қилсақ, ўз фалсафасини йўқотиб қўйишини пайқаймиз.

Синтезлашган фольклоризмни асар сюжетидан ажратиб олиш мумкин эмас. Зоро, бу ҳолат асарнинг бадиий тузилиши ва мазмуни бузилишига олиб келади. Синтезлашган фольклоризм юзага келиши жараёнида фольклор рухи, образи, воқелиги унсурлари бирданига қўлланади. Аналитик фольклоризмда ҳам шундай. Аммо уларнинг фарқи шундаки, айтганимиздай, аналитик фольклоризм асар сюжетининг таркибий қисмига айланмай, алоҳида ажралиб туради. Синтезлашган фольклоризм эса, аксинча, сюжетга сингиб кетади.

Б.Саримсоқов синтезлашган фольклоризм «ижодкорлардан фольклор жанрларининг етакчи хусусиятларини, уларнинг поэтик имкониятларини эътиборга олишни, энг муҳими, фольклор асарларининг асрлар давомида ўлмаслигини таъминловчи етакчи инсоний ғояларни тўғри илғашни», уларни давр руҳи билан боғлаш лозимлигини талаб қилишини таъкидлайди³. Бунга у О.Матжоннинг «Ҳаққуш қичқириғи» асарини мисол келтиради. Асарда ижодкорнинг тинчлик ҳамда асойишталик учун қайғуриши мотиви етакчилик қиласи.

Синтезлашган фольклоризм фольклор материалининг адабий асар сюжетига сингиб кетиб, ажратиб бўлмас даражага келишидан ҳосил бўлади. Бу жуда умумий таъриф бўлиб, у чукурлаштирилмаса, стилизация билан синтезлашган фольклоризмни фарқлаш қийин бўлиб қолади. Б.Саримсоқов синтезлашган фольклоризмни стилизацион ва аналитик фольклоризм билан солишириб, фарқлаб беради¹. Аналитик фольклоризмни фарқлаш осон, аммо олимнинг стилизация характеристидаги фольклоризм билан синтезлашган фольклоризмни тафовутлаб бериши фольклоризмларни ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Б.Саримсоқовнинг фикрларига таяниб, уларнинг фарқли жиҳатларини тубандагича очиб бериш мумкин.

Жанр стилизацияси ҳамда мотив стилизацияси синтезлашган фольклоризмнинг фарқига боришини қийинлаштиради. Эртак стилизацияси оқибатида адабий эртак жанри ҳосил бўлади. Адабий эртакнинг эртак-роман, эртак-қисса, эртак-хикоя, эртак-достон, эртак-драма каби кўринишлари бор. Адабий эртак халқ эртаги сюжетини ижодий қайта ишлаш ёки унинг услубига монанд оригинал асар яратиш туфайли юзага келади. Афсона, ривоят, халқ эртаги ва қиссаси сюжетини ёзма адабиёт томонидан ўзлаштирилиб, ёзувчи яратган сюжетга бириттириб, едириб юборилса, синтезлашган фольклоризм ҳосил бўлади. Агар афсона, ривоят сюжети ҳам

³ Саримсоқов Б. Ўша манба, 42-бет.

¹ Саримсоқов Б..... // ЎТА, 1980, 4-сон, 32-бет.

айнан асар мазмунини сақлаб, шаклан ўзгарган ҳолда ўзлаштирилса, стилизацион фольклоризм юзага келади. Масалан, А.Ориповнинг «Ҳаким ва ажал» достонида бир нечта афсона сюжети шоир яратган сюжет билан бирлаштирилган, оқибатда, синтезлашган фольклоризм юзага келган. Миркарим Осимнинг «Тўмарис», «Широқ» ривоятлари ривоятнинг прогрессив стилизацияси, холос.

Мотив сюжетнинг бир бўлаги, аникроғи, сюжет мотивлар йифиндисидан иборат. Агар маълум бир мотив ёки икки-уч мотив асосида асар яратилса, мотив стилизацияси юзага келади. Аммо бир мотив асар сюжетининг бошидан охиригача иштирок қилса, синтезлашган фольклоризм ҳосил бўлади. Шу ўринда Б.Саримсоқовнинг А.Орипов қаламига мансуб «Шарқ ҳикояси» шеърини прогрессив стилизация деб ҳисоблашига эътибор қилинса, эътирофнинг тўғрилиги ойдинлашади. Аммо бунда олим таъкидлаганидек, фольклор мотиви ўзлаштирилмаган. Халқ ҳикояси сюжети тўлиқ кўчирилган ва ҳикоя стилизацияси юзага келган. Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, фольклор сюжети тўлиқ ҳолда ижодкор сюжети билан синтезлаштирилса ёки фольклор мотиви ижодкор яратган сюжетнинг тугунидан ечимигача иштирок қилса, *синтезлашган фольклоризм* ҳосил бўлади.

70-80-йиллар ўзбек шеъриятида «Рухлар исёни», «Ҳаким ва ажал» каби асарларда синтезлашган фольклоризм бор. Аммо Б.Саримсоқов Омон Матжоннинг «Ҳаққуш қичқириғи» асарини синтезлашган фольклоризм намунаси ҳисоблайдики, бизнингча, бу асар прогрессив стилизация намунасидир. Чунки шоир халқ афсоналарини қайта ҳикоя қилган ва улар ёрдамида ўз фикрларини ифодалаган.

«Ҳаким ва ажал» синтезлашган фольклоризм асосида яратилган достондир. Достонда шоир яратган сюжет чизигига эътибор қилинса, Афшонанинг оддийгина оиласида туғилган бола ҳаким деб ном чиқаради-ю истиқбол қароргоҳида эса ўрни бўм-бўш эди. Ўқувчи олдида бўш турган

истиқбол қароргоҳи тугун сифатида сирлилик пайдо қиласи. Ёвузлик ва эзгулик, тафаккур ва жоҳиллик орасидаги кураш эпик воқеалар ривожидан иборат. Ёвузликнинг вақтинча ғалабаси кульминацион нуқта бўлса-да, эзгуликнинг ўлмаслиги шоир сюжетининг ечимиdir. Шоир тафаккур, ишонч, ватанпарварлик, соғинч каби ижобий образлар ҳамда ёвузлик, жоҳиллик, ҳасад, қўрқоқлик, номардлик сингари салбий образлар ёрдамида сюжетдаги воқеаларни ривожлантиради. У ўз асари сюжетини фольклордаги уч ривоят ёрдамида асослаган ва жилолантирган. Биринчи ривоят Ибн Синонинг амирлик томонидан табиб сифатида тан олинишини ифодалайди. Бу ривоятнинг бир нечта варианти бор. Бир ривоятда Ҳаким амирни даволаган дейилса, иккинчи ривоятда маликани даволаган дейилади. Абдулла Орипов ҳасад образини яратиш учун маликанинг хасталигини тасвирлаган. Шоир бу ривоят ёрдамида муҳаббатнинг шоху гадога баробарлигини, унинг улуғвор кучини, Ибн Синога қарши ҳасаднинг туғилишини тасвирлайди. Ривоятнинг ўз сюжети бор. Ибн Синонинг саройга чорланиши тугун, маликани даволашга буюришлари кульминацион нуқта, маликанинг шифо топиши ечимdir. Иккинчи ривоятнинг тугуни Ибн Синонинг амирлик кутубхонасига кириш учун рухсат олганиdir. Зиддиятларнинг авж нуқтаси кутубхонанинг ёкиб юборилиб, Ибн Синонинг айбор сифатида кўрсатилишидан иборат. Афсона ечими Ибн Синонинг ватанидан қувғин қилиниши ҳисобланади.

Одатда, фольклор асарлари эзгуликнинг ғалабаси билан якун топади. Аммо айрим ҳолларда фольклорда ҳам ёвузлик енгиб чиқиши мумкин. Фольклор ҳам ҳаётнинг инъикоси бўлгани учун реализм устунлик қиласиган ўринлар оғзаки ижод намуналарида учраши табиий.

Учинчи ривоят Ибн Синонинг ажалга даво топганини ҳикоя қиласи. Ундаги сюжет тугуни Ибн Синонинг ўлимга даво топиши, Ҳамадонда вабо касалининг тарқалиши ва уни табибининг бартараф этишидан иборат. Аммо табибининг ўзи вабо билан оғриб дунёдан ўтади. Бу ривоятдаги

зиддиятларнинг чўққиси эди. Шогирдининг хиёнати, ҳасади туфайли ажалга қарши топилган дори тўкиб ташланиб, Ибн Синонинг улуғ кашфиёти барбод бўлади. Ривоятнинг ечими яна ёвузликнинг ғалабаси билан тугайди. А.Орипов шу уч сюжет ва ўзи яратган сюжетни ўзаро синтезлаштириши натижасида, уларнинг бири иккинчисисиз «Ҳаким ва ажал» достони яхлитлигини йўқотиб, кемтиклишиб қолади. Аникроғи, шоир уч ривоят сюжетини ўз сюжетига буйсундириб, қўп режали сюжетга айлантиради. Оқибатда асосий сюжет ҳосил бўлади. «Ҳаким ва ажал» достонининг сюжети қуидагича ипга тизилади. Бунда Мирзо билан Ҳакимнинг учрашуви, улар орасидаги сухбат асарнинг тугунидир. Чунки шоир эзгулик ва ёвузликни ҳамда оқиллик ва жоҳилликни ўзаро қарама-қарши қўйган эди. Натижада инсониятнинг азалий кушандаси ҳасад етиб келади. Ҳасад Мирзога кутубхонани ёқтириди. Ҳасаднинг касофатидан дунё тан олган табиб ватанига сифмади. Достоннинг қульминацион нуқтаси Ибн Сино ва Мирзонинг Бухородан қувилишидир. Достоннинг ечими Ибн Синонинг ўлими, ажал давоси бўлган дорининг йўқолиши бўлганида А.Орипов ривоятларни стилизация қилган дейишимиз мумкин эди. Шоир достонидаги якун бир оз бошқачароқ: достон ечими ўқувчи қалбини эзгуликка меҳр ҳислари билан тўлдиради. Чунончи:

Айтчи, энди қай биримиз йиқилган, йиққан?

Қани, мени енгиб кўрчи, ажал мен ўзим.

Мен иблисман, одамларнинг ўзидан чиққан,

Сен закосан, йўқдир сени кўрарга кўзим.

Ибн Сино ажалга даво топиб ҳам ночор қолган бўлса, шоир ҳасад олдида ожиз. Ҳасад инсоннинг ичидаги туриб, уни емирадиган иблисдир. Олманинг қурти ўзида пайдо бўлиб, уни емирса, ҳасад инсоннинг ўзини ҳам, атрофдагиларни ҳам емиради. Шоир шуларни ифодалай туриб, Ҳакимнинг асрлар давомида бедор эканлигини, чархнинг айланишига қулоқ тутиб ётишини акс эттиради. Кўринадики, «Ҳаким ва ажал» достони синтезлашган

фольклоризмнинг чиройли намунасиdir. Достонда оддий фольклоризм билан аналитик фольклоризм учрайди. Аммо улар кўп эмас. А.Орипов йирик ҳажмли асарда фольклоризмнинг бошқа кўринишларидан жуда кам фойдаланган. «Боболарнинг руҳи ёр бўлсин» сатрида олқиши, «Уни улуғ битикларнинг заволи ургай» сатрида қарғиши мавжуд бўлиб, улар аналитик фольклоризм сифатида кўзга ташланади. Бинобарин, синтезлашган фольклоризм бағрида фольклоризмнинг бошқа кўринишлари кўп ёки кам учраши ижодкорга боғлиқ. Синтезлашган фольклоризм ўзбек адабиётида Алишер Навоий ижодидан хозиргача бўлган даврда ривож топиб келмоқда. Фольклоризмнинг бу кўриниши бошқаларидан фарқли ўларок, ўз ичига фольклоризмнинг барча кўринишларини қамраб ола билади. Айтайлик, оддий, аналитик фольклоризм, стилизацион фольклоризмнинг деярли барча кўринишлари синтезлашган фольклоризм таркибида учраши мумкин. Икки адабиётнинг вобаста бўлиши гўзал мевалар берган ва бериши табиий. Ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд оғзаки ва ёзма адабиёт синтезлашган чоқда ижодкор маҳорати муҳим роль ўйнайди. Демак, синтезлашган фольклоризм ёзма адабиёт учун ўзига хос тасвир воситаси бўлиб, ижодкор маҳоратли бўлса, фольклор сюжетини ўз бағрига жо қилган эътирофга лойиқ асар юзага келади. Зотан, синтезлашган фольклоризм: а) ёзма адабиётга ҳаёт мураккабликларини ифодалай олиш имконини беради; б) ижодкор истеъдодини намоён қилади; в) оғзаки ва ёзма адабиётнинг айrim хусусиятларини вобаста қилувчи бетакрор бадиий усулни шакллантиради.

Ишнинг иккинчи бобида кўриб чиқилган масалалар асосида қуйидаги холосани илгари суриш мумкин:

1. 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида оддий ва мураккаб фольклоризмлар алохида ўрин тутади. Асосан, халқ мақолларининг ёзма адабиётда ўзлаштирилишидан оддий фольклоризм юзага келади. Улар кўмагида шоирлар ўз фикрини лўнда, рамзий бўёқдор қилиб, яширин маънода ифодалашга эришадилар.

2. 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида оддий фольклоризмларнинг асл ва қайта ишланган қўринишлари кенг қўлланади ва уларга қўпроқ янгича ижтимоий-сиёсий маъно юкланди. Давр шеъриятида кўпинча ружуъ санъати ёрдамида гўё мақол маъноси инкор қилиниб, шу орқали ифодаланаётган мазмун янада кучайтирилади. Натижада шеърда киноявий оҳанг пайдо бўлади.

3. 70-80-йиллар шеъриятидаги оддий фольклоризмлар мазмунан ва шаклан ранг-баранглиги билан ажралиб турди. Бу даврга келиб уларни тушунишга бўлган муносабат ўзгарди.

4. Мураккаб фольклоризмлар тузилишининг, бадиий асар тўқимасида бажарадиган вазифасининг мураккаблиги билан алоҳидалик касб этади. Улар табиати ва вазифасига кўра: а) аналитик фольклоризм; б) синтезлашган фольклоризм; в) стилизация характеристидаги фольклоризмлар қўринишида уч гурухга бўлинади. 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида мураккаб фольклоризмнинг бу уч қўриниши ҳам кенг тарқалганки, XX аср назми ривожининг бошқа даврларида бу даражага етган эмас.

5. Аналитик фольклоризмлар асарнинг бадиий тўқимаси, унинг етакчи гояси билан органик бирикиб кета олмаслиги жиҳатидан характерланади. Улар асар сюжетининг бошидан охиригача иштирок этиши ё асар сюжетининг исталган бир ўрнида эпизод сифатида келтирилиши кузатилади. Эпизодик аналитик фольклоризм бадиий асар тўқимасидаги бош ғоя ёки мавзуга рамзий алоқадор бўлиши, қаҳрамон руҳиятидаги ички коллизияни очиб беришга хизмат қилиши мумкин.

6. 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида аналитик фольклоризм ғоят фаоллашган бўлиб, бу давр шеърияти халқчиллигини кучайтиришда муҳим омиллардан бирига айланган. Хусусан, достонларда бу имконият янада кенглик касб этган.

7. 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида олқиши ва қарғиши аналитик фольклоризм сифатида жуда кенг тарқалган. Давр шеъриятида қўлланган олқишилар фольклордагидан фарқли ўлароқ, нафақат инсонга, балки эгасига

қадрдан бўлиб қолган жонсиз нарсаларга, табиат ҳодисалариға ҳам қаратиб айтилганлиги билан эътиборни тортади. Шунинг учун уларни рамзий олқишилар деб аташ мумкин. Яна давр шоирларининг бадиий ижод имкониятларидан фойдаланиб, олқиши қарғишга хос услубий қолипда баён этиши ёки аксинча, қарғишни олқиши усулида айтиб, шеърнинг бадиияти ва таъсирчанлигини оширишга интилганлари ҳам кузатилади. 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида а) мустабидларга қаратилган қарғиш; б) Ватан хоинларига қаратилган қарғиш; в) хиёнаткор ёрга ёмонлик тиловчи қарғишлар; г) рамзий қарғишлар алоҳида ўрин тутади.

8. Синтезлашган фольклоризм фольклор материалининг адабий асар сюжетига сингиб кетиб, ажратиб бўлмас даражага келишидан ҳосил бўлади ва ижодкорлардан фольклор жанрларининг етакчи хусусиятларини, уларнинг поэтик имкониятларини эътиборга олишни, фольклор асарларидағи етакчи ғояларни давр руҳи билан боғлашни тақозо этади. Фольклоризмнинг бу кўриниши бошқаларидан фарқли ўлароқ, ўз ичига фольклоризмнинг барча кўринишларини қамраб ола билади. Айтайлик, оддий, аналитик фольклоризм, стилизацион фольклоризмнинг деярли барча кўринишлари синтезлашган фольклоризм таркибида учраши мумкин.

III БОБ

70-80- ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА СТИЛИЗАЦИОН ФОЛЬКЛОРИЗМЛАР ТАБИАТИ, КЎРИНИШЛАРИ ВА БАДИЯТИ

Ш.1. Стилизацион фольклоризмлар табиати ва таснифи

Агар фольклор асарининг сюжет мазмуни айнан сақланиб, шаклан ўзгаририлган ҳолда ўзлаштирилса, стилизацион фольклоризм юзага келади. Кўпинча халқ оғзаки ижодининг афсона, ривоят, эртак, достон жанрларидаги асарлари ғояси ва мазмунига тўлиқ таянилган ҳолда уларга қайта ишлов берилиб, янги шаклдаги асарлар яратилади. Худи шу ҳолат стилизация характеридаги фольклоризмларни келтириб чиқаради. Демак, фольклор асари услубида яратилган асар стилизацион фольклоризм намунаси ҳисобланади. Чунки “стилизация” сўзи “услубга тушиш” маъносида истифода этилади.

И.Ёрматов стилизация характеридаги фольклоризмларни мураккаб фольклоризмларнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири деб қарайди.¹⁵

Фольклор намуналарини ўзига хос услубда қайта бадиий яратишда ёзма адабиётнинг муайян қонун-қоидаларига амал қилинади. Бунда ижодкор нафақат фольклор мотиви ёки сюжетидан, балки халқ оғзаки ижодига хос бадиий тасвир услубидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Фольклор манбасини танлаб фойдаланиш эҳтиёжи ҳар бир ижодкорнинг шахсий хоҳиш-истаги ва индивидуал услугуб йўналиши, ижодий тажрибаси билан боғлиқдир.

И.Ёрматовнинг фикрича, стилизация жараёнида ёзувчи фольклоршунослик қонуниятларига қатъий амал қилиши, фольклор материалининг ғоявий-композицион бутунлигига путур етказмаслиги, фольклорга хос ривоявий баён услубини ўзгартирмаслиги лозим.² Аммо ўзлаштириш чоғида жанр танлаш эркинлиги ва хуқуки сақланади. Шунинг

¹⁵ Ёрматов И. Стилизация характеридаги фольклоризмлар // ЎТА, 1984, 3-сон, 31-бет.

² Ўша манба, 32-бет.

учун ижодкор ўзи танлаган халқ әртаги сюжетини хохишига қараб, ё эртақ, ё достон шаклида қайта ишлиши мумкин. Фольклор материали жанрининг ўзгариши эса унинг композицион бутунлигини ҳам ўзгаришга олиб келади. Ҳатто бунинг оқибатида анъанавий жанрни такрорламайдиган, янги оралиқ жанр пайдо бўлиши кузатилади.

Агар эпик турдаги фольклор материалига драматик асар сифатида ишлов берилса, фольклорга хос эпик баён услубига албатта путур етади. Демак, И.Ёрматовнинг бу борадаги назарий фикри ёзма адабиётда мавжуд мисоллар моҳиятига тўла-тўкис мос келмаяпти. Бизнингча, стилизация характеридаги фольклоризмни бу қадар чегаралаш ўринли эмас. Чунки мавжуд асарлардаги стилизация ҳолати жуда ранг-баранг.

Стилизацион фольклоризмлар асар воқелиги баёнида етакчи ўрин тутади. Унга кўра муаллиф ўзи танлаган фольклор материалини асар воқелиги баёни давомида ҳикоя қилиб ўтади. Бироқ у баён қилинаётган воқеага шахсий муносабатини қўшиб ифодаламайди. Шунинг учун стилизацион фольклоризмда, И.Ёрматов таъкидлаганидек, муаллиф ҳикоячи сифатидагина кўзга ташланади.

Фольклор услубида яратилган бадиий асарда ижодкор халқ оғзаки ижодидан олинган сюжет доирасидан ташқарига чиқиб кетолмайди.

И.Ёрматов стилизацион фольклоризмларни икки хил кўринишда таснифлайди:

1. Прогрессив стилизация.
2. Регрессив стилизация.¹⁶

Агар фольклор мотивларига ижодкор эркин ёндашиб, уни тўлиқ қайта ишласа, бундай стилизация прогрессив стилизация сифатида эътироф этилади. Прогрессив стилизация усулидан фойдаланганда, ижодкор фольклор асарининг мазмунини ривожлантириши баробарида, унинг сюжети ва бадиий қурилишини, образлар таркибини ҳам бойитиш имконига эга бўлади.

¹⁶ Ёрматов И. Стилизация характеридаги фольклоризмлар // ЎТА, 1984, 3-сон, 33-бет.

Агар фольклор материалининг шакли кенгайтирилиб, унинг ғояси айнан берилса, ижодкор унга ўз ғояларини сингдирмаса, бундай стилизация регрессив стилизация саналади.

Стилизацион фольклоризмлар фольклор жанрлари (достон, эртак, афсона, ривоят, қўшиқ, йиги-йўқлов, алла кабилар)нинг асосий мотивлари ва бадиий шаклини, ифода услубини ҳамда уларга алоқадор юксак ғоявий мотивларни, анъанавий эпик образларни, қўтаринки оҳангни ижодий ўзлаштириш натижасида юзага келади. Шунинг учун стилизацион фольклоризмлар тўрт турга бўлинади: 1. Жанр стилизацияси. 2. Мотив стилизацияси. 3. Образ стилизацияси. 4. Оҳант стилизацияси. Буларнинг барчаси XX асрнинг 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида энг кўп учраган фольклоризм турлари сифатида эътирофга сазовор.

III.2. Жанр стилизацияси

Фольклор жанрларини ўзлаштириб, уларни ёзма адабиётга олиб кириш жанр стилизацияси ҳисобланади. Фольклор жанрлари айнан ўзлаштирилиш имконига эга эмас, негаки, бу икки адабиёт ўзига хос қонун-қоидаларга эга. Жанр ўзлашуви икки томонламадир. Дастреб ёзма адабиёт фольклордан жанр ўзлаштирган бўлса, кейинчалик оғзаки адабиёт ҳам ёзма адабиёт жанрларидан фойдаланган. Бу масалага алоқадор «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида оралиқ жанрлар ҳақида қизғин баҳсу мунозара кечди.

О.Носиров ёзма ва оғзаки адабиётларнинг ўзаро таъсир шакллари жуда кўп ва хилма-хиллигини, бироқ ҳеч бир таъсир шакли жанрлардаги ва вазндаги каби яққол кўриниб турмаслигини алоҳида эътироф этади.¹

Фольклор жанрларининг ўзлашуви турли жиҳатлардан талқин қилинган. Жумладан, О.Сафаров, Т.Абдиқулов. С.Алимов каби олимлар эртак

¹ Носиров О. Адабиёт жанрлари ва ҳалқ оғзаки ижоди. Фольклор жанрлари ва ёзма адабиёт. Китобда: Носиров О., Собиров О. Ҳалқ ижоди ҳазинаси. – Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986,...-бетлар.

жанрининг ёзма адабиётда ўзлашуви, адабий эртакнинг турли кўринишлари хақида фикр юритадилар.⁴ Т.Хўжаев XV асрнинг 1-ярмидаги ўзбек адабиётига фольклор таъсирини тадқик қиласар экан, мунозара, туюқ жанрлари фольклордан ёзма адабиётга кўчган деб ҳисоблайди. Н.Шаропова оғзаки лирика жанрларига мурожаат этиш тамойили ҳақида фикр юритиб, “халқ шеърий шаклларига мурожаат тамойили ҳақиқий маънодаги ижобий ҳодиса” деб эътироф қиласади.⁶

Бизнингча, ёзма адабиётимизда дастлаб достон, мақол, топишмоқ, йўқлов, йиғи, кейинчалик ёр-ёр, алла каби фольклор жанрлари стилизация қилинган. Достон стилизацияси «Кутадғу билиг», «Ҳибат-ул ҳақойик» асарларидан бошланди. Халқ достонлари билан ёзма достонлар орасида жиддий ўхшашлик ва тафовутлар бор. Бу ўхшашлик ва тафовутлар турли даврларда турлича кечди.

Эпик воқеликни лирик тарзда ифода этиш, муаллиф муносабати, қаҳрамонлар қисматининг чукур ёритиб берилиши халқ достонларининг умумий хусусияти бўлиб, барча даврларда ёзма достонларда айнан сақланди. Достон стилизациясининг илк даврида фольклордаги бармоқ вазни ўрнига аruz вазнидан фойдаланилди, насрый қисм сақлаб қолинмади. Халқ достонлари бармоқ вазнида ёзилса-да, бир достон доирасида 7-8-9-10-11-хижоли бармоқ вазни кетма-кет қўлланиши мумкин. Аммо ёзма адабиётдаги достонлар, асосан, аruz вазнининг муайян бир баҳридан фойдаланиш асосида яратилган. Масалан, «Кутадғу билиг» мутақориб баҳрида ёзилгани каби.

Аruz вазни кенг тарқалгач, фольклорга ҳам таъсир қилмай қолмади. Жуда кўп халқ достонлари таркибидаги шеърлар орасида арузда яратилганлари ҳам учраши фикримизни далиллайди. Масалан, Эргаш

⁴ Сафаров О. Фольклор ва болалар адабиёти // ЎТА, 2003, 6-сон, 20-26-бетлар.

⁶ Шаропова Н. Оғзаки лирика жанрларига мурожаат этиш тамойили // ЎТА, 1998, 2-сон, 28-32-бетлар.

Жуманбулбул ўғли айтган «Кунтуғмиш» достонининг анчагина ўринларида арузда айтилган шеърларни кўриш мумкин.

Бир қатор халқ достонлари маснавий, мураббабъ, мухаммас, ғазал тартибида бандларга эга бўлиб, шу тартибда қофияланиб келса, илк ёзма достонлар, асосан, маснавий тартибида қофияланиб, банд ҳосил қилди.

«Мұхаббатнома» оғзаки ва ёзма достоннинг ўхшаш жиҳатларига яна бир ўхшаш жиҳат қўшди. Унда фольклордаги сингари турли хил жанрлар қоришиқлиги учрайди. Аммо Алишер Навоий достонларида бу жиҳатдан фольклорга яқинлик йўқ. Алишер Навоий даврига келиб ўзбек ёзма достонларида ҳар фасл бошланишида сажъли насрый қисм берилди: «Фарҳоднинг банди очилғони ва зиндондин канора қилғонин Хисрав билиб нигоҳбонларга сиёsat фикри қилиб, яна Фарҳод ишқи тоғининг тифидан ҳисоб олғони ва ул ишни билмасга солғони...»¹ Гарчи бу бошқа хамсанавислардан ўрганилган жиҳат бўлса-да, илдизи халқ достончилигига бориб тақалади. Шуниси борки, ёзма достонлардаги насрый қисм халқ тилидан узокроқ бўлгани боис фольклордагидек ўйноқи оҳангга эга эмас. Ёзма достончилик XY асрдан XX асргача бўлган даврда сустлашиб борди. Ғазал, мураббабъ, мухаммас каби жанрлар кенг тарқалса-да, достонлар саноқли эди. XX асрга келиб ёзма достонларда жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Мумтоз достонларимизда бош қаҳрамонлар ҳаёти фожеа билан тугар, баъзи тарихий достонларда реализм устивор бўлса-да, хақиқатдан чекинишлар, романтизм устиворлиги кўзга ташланарди. Бунга «Лайли ва Мажнун», «Шайбонийнома» достонлари мисол бўла олади. Айрим достонлар синтезлашган фольклоризм асосида яратилган, шу боис мазмун ифодасига кўра оғзаки достонларга ҳамоҳанг эди. «Юсуф ва Зулайҳо», «Гул ва Наврўз» достонлари фикримизни шу жиҳатдан далиллайди.

XX асрга келиб ёзма достонлар фольклордаги каби бармоқ вазнида яратилиб, фольклордаги сингари баҳт ва эзгулик ғалабаси билан тугай

¹ Алишер Навоий. Хамса. – Т., 1965, 288-бет.

бошлади. «Зайнаб ва Омон» шундай асардир. Лекин XX асрнинг 30-йиллари ўзбек достончилигига Европа достончилиги (поэмачилиги)нинг таъсири сезилиб қолди. «Кўкан», «Жонтемир» сингари поэмаларда эски ва янги жамиятни зид қўйиш, воқеалар жўнлиги, сюжет ихчамлиги, ҳажман қисқалик кўзга ташланди. Бу хусусиятлар ёзма достонларни оғзаки достонлардан узоқлаштиrsa, тилининг равонлиги оддий фольклоризмдан усталик билан фойдаланиш бу оғзаки ва ёзма адабиётлардаги достонларни ўзаро яқинлаштириб қўярди.

70-80- йилларда достон жанри стилизациясининг ўзига хос қирралари юзага чиқа бошлади. Бу даврда эртак-достон, алла-достон, драматик достон каби икки жанр синтезидан пайдо бўлган оралиқ жанрга мансуб достонлар яратилди. Тўғри, эртак-достон 30-40-йилларда пайдо бўлди. Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр», “Семурғ, Паризод ёки Бунёд”, Султон Жўранинг “Зангори гилам” асарлари шулар жумласидандир. Халқнинг эрки улуғланган бу асарлар бир қараганда 70-80-йиллар эртак-достонларига ҳамоҳангдай туюлади.

Драматик достонларда достон ва драма жанрига хос унсурлар ўзаро синтезлашди. Улар халқ достонлари сюжетини ёки улар асосида яратилган адабий достонларни саҳнага мўлжаллаб қайта яратиш билан пайдо бўлди.

70-80-йиллар ўзбек шеъриятида яратилган достонлар қуйидаги хусусиятлари билан халқ достонларига яқинлашганлиги кузатилади:

1. Улар, асосан, бармоқ вазнида ёзилганлиги учун оҳанги халқ достонлари оҳангига уйқаш келади. Масалан, Муҳаммад Юсуфнинг “Кўхна қудук” достонида фольклор оҳанги мавжуд. Унинг оҳанги “Алпомиш”, “Гўрўғли” оҳангларидай таниш, дардли эши билади.

2. Барча сатрларда ҳижолар миқдорининг тенглигига риоя қилинмайди. Ҳижолар миқдори 7, 9, 11 бўғинли кўринишда ўзгариб туради. Бунга Муҳаммад Юсуфнинг “Қора қуёш”, Усмон Кўчқорнинг “Қувғин”, Азим Суюннинг “Бешбармоқ” достонларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

3. Айрим достонлар халқ достонлари каби насрий ва назмий қисмлар уйғунлиги асосида ёзилди. Э.Воҳидовнинг “Палаткада ёзилган достон”, М.Юсуфнинг “Кўхна қудук”, “Қора қуёш”, Равшан Файзнинг “Сўз” достонлари худди шундай шаклда ёзилганлиги билан эътиборни тортади.

4. Сюжетига фольклор материали (афсона ва ривоятлар, эртак ва нақллар мазмуни ёки уларга хос эпик мотивлар) сингдирилган достонлар борлиги. Айтайлик, “Ҳаким ва Ажал” достони сюжети Ибн Сино ҳақидаги ривоятлар асосида яратилган. Э.Воҳидовнинг “Рухлар исёни”, Азим Суюннинг “Бешбармоқ” достонлари таркибида эса халқ ривоятлари келтирилган.

5. Катта эпик асар сифатида таркибида кичик жанрлар: мақол, матал, қарғиши, олқиши кабиларни сингдириб келиши ва бундан оддий ҳамда аналитик фольклоризмларнинг юзага чиқиши. Азим Суюннинг “Иморат” достонидаги “Бир ўзинг доно бўлмай, кўп билан девона бўл”, “Бемор бемор эмас, bemорни боқкан bemор”, “Эгри дарахтнинг сояси ҳам эгри” каби мақол ва маталлар, У.Қўчкорнинг “Қувғин” достонидаги “Кўзинг оқиб тушсин”, “Тупроғинг ўт олсин” каби қарғишилар, “Худодан қайтсин” олқишилари фикримизга далиллар.

6. Эпик анъанага бўйсуниб, фольклор мотивларини ўз сюжетига сингдириб келиши ва бундан синтезлашган фольклоризм ҳамда стилизацион фольклоризмнинг ҳосил бўлиши.

Мақол жанрига ёзма адабиётнинг муносабати икки йўналишда давом этди: мақол оддий фольклоризмни юзага келтирди. (Бу ҳақда аввалги бобнинг оддий фольклоризмлар ҳақидаги фаслида маҳсус тўхталган эдик.) Мақол жанри стилизацияси туфайли адабий мақол юзага келтирилди. Адабий мақолнинг муаллифи аниқ, номи “афоризм” сифатида қабул қилинди. Афоризмлар ҳам мақоллар каби бой ҳаётий тажрибадан келиб чиқсан хулоса, пурҳикмат фикрдан иборат. Насрий шаклда ҳам, назмий шаклда ҳам яратилиши ва улар бошқа жанрлар таркибида учраши ёки алоҳида яратилиши мумкин.

Афоризмларни тадқиқ қилган рус олимлари Н.Т. Федеренко ва Л.И.Сокольскаялар афоризмни “ихчам, сермазмун, тугал маъноли мулоҳазалар йигиндиси сифатида қараб, уни муаллифи аниқ, эслаб қолиш осон бўлган образли ифода” деб таърифлайдилар.Рудов эса афоризмларни фразеология объекти ҳисоблайди. Аммо Н.Т.Федеренко, Л.И.Сокольскаялар афоризмни адабиётшунослик объекти санайдилар, биз ҳам шу қараш тарафдоримиз. Сабаби, афоризм аниқ муаллифнинг қарашлари, бадиий мушоҳадаси маҳсулидир.

«Афоризм» грекча сўз бўлиб, «аникловчи», «чегараловчи» деган маъноларни англатади. Дастроб тиббиёт атамаси саналган бу сўз XVII асрдан адабиётшунослик атамаси сифатида Фарбда кенг тарқалган.¹ XVIII асрдан рус адабиётшунослигида, XX асрдан ўзбек адабиётшунослигида қўллана бошлаган. «Афоризм» адабий ижод ҳодисаси сифатида ўзбек адабиётида «Қутадғу билиг»дан то ҳозиргача бўлган тараққиёт жараёнини босиб ўтди ва мавзу жиҳатдан мақол каби ранг-баранглик ҳосил қилди:

Сўзунгни кўдазгил, бошин бармасун,
Тилингни кўдазгил, тишинг синмасун.

Яъни, сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин, тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин.²

Афоризмларни атрофлича тадқиқ қилган М.Ҳакимов: «Ҳикматли сўз ёки афоризм мақол ва маталлардан фарқ қиласи. Мақол ва маталларнинг ўзи ҳикматдан иборат, аммо афоризм деганда мақол даражасида турувчи кенг маънони тушунмаймиз”, - деб ёзади.¹ У афоризмларни ёзувчи, шоир, публицист, файласуф, олим, давлат арбоби ёки сиёсий арбоблар яратишини таъкидлайди. М.Ҳакимов афоризм халқ ижодчилари, баҳшилар, эртакчилар томонидан ҳам яратилиши мумкинлигини ҳам қайд қилиб, ўз фикрини Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоирлар ижоди

¹ Федеренко Н.Т., Сокольская Л. Афористика.- М.: Наука, 1990., с.3.

² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т.: Фан, 1971, 86-87-бетлар.

¹ Ўша жой, 18-бет.

мисолида асослашга уринади. Шунингдек, у ўзбек адабиётидаги афоризмларнинг кўпчилиги мавжуд мақоллар асосида вужудга келганлигини эътироф этиб, бунга Алишер Навоийнинг «Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур»; Миртемирнинг «Тун кечар-келар кундуз, Мард бир ўлар, номард-юз» каби афоризмларини мисол тариқасида кўрсатиб ўтади.

Халқ мақолларининг ўзлаштирилиб, шакли ўзгартирилган ҳолда берилишини И.Ёрматов қайта ишланган оддий фольклоризм, деб санайди. Унда афоризм мақол стилизациясими ёки қайта ишланган оддий фольклоризмми, деган ўринли савол туғилади. Бизнингча, афоризм мақол стилизацияси бўлиб, у халқ мақолларидан ўзлаштирилса-да, уларда мақол таъсири бўлса-да, барибир, оригинал асар яратилади. Чунки у ижодкорнинг ўз хуносаси, ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб айтган ҳикматли сўзидир. Афоризм мазмунан қайсиdir мақолга синоним бўлиб қолиши, ўхшashi мумкин. Аммо у шакл ва моҳиятига кўра ўзлаштирилмаганини намоён қила олади. Қайта ишланган оддий фольклоризм ҳам афоризмдан фарқланиб туради. М.Ҳакимов Алишер Навоий яратган

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,

Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур,-афоризмининг манбаи «Томатома кўл бўлур» мақоли эканлигини таъкидлайди. Бу сатрлар шундай шакл ва мазмун бирлиги ҳосил қилганки, у бевосита шоирнинг бадиий ижод намунаси сифатида намоён бўла олади. Ҳатто Алишер Навоий афоризми халқ мақолидан ҳам чуқурроқ мазмунга эга. Унда кишининг бирдан доно бўлиб қолмай, оз-оз ўқиб ўрганиб бориши натижасида улуғликка эришиши таъкидланмоқда. Демак, ҳар қандай одам секин-секин ўрганиб, зукколикка эришади. Халқ қатраларнинг йиғилиб кўл бўлишини айтган бўлса, Алишер Навоий қатралардан дарё ҳосил бўлиши мумкинлигини билдириб, маънони янада кенгайтиришга эришган. Улуғ шоир бу ўринда кўл образини бежиз дарё образи билан алмаштирамайди. Сабаби - кўл оқмайди, тўхтаб туради.

Тўхтаган сув эса ҳалол ҳисобланмайди ва истеъмолга яроқсиз саналади. Дарё суви доимий оқиб тургани учун ҳалол ҳисобланади. Шунинг учун дарёлар кўлларга қараганда одамларга кўпроқ манфаат етказади. Алишер Навоийнинг бу афоризми оддий фольклоризм эмас, у сажъли (қофияли), бадиий баркамол ва мазмунан теран афоризмдир.

Юқорида келтирилган Миртемир сатрларида эса «Мард бир ўлар, номард юз» мақоли айнан қўлланиб, оддий фольклоризм юзага келтирилган. Қолаверса, у шакли ўзгартирилмагани учун қайта ишланган оддий фольклоризм эмас, балки асл оддий фольклоризмдир. З. Тошпўлатов ҳам афоризм табиатига тўхталиб, ҳақиқий афоризмда жуда катта мазмун ҳеч қандай семантик кўчимсиз қисқа ва тугал ифодаланади, деган фикрни маъқуллайди. Унинг афоризмда ўзаро зид нарса, ҳолатнинг бўлиши ҳақидаги мулоҳазаси ҳам эътирофлидир.¹ З. Тошпўлатов афоризмларни мавзусига кўра олти гурухга бўлади². Бизнингча, бундай гурухлаш ўта нисбий. Чунки мақолларнинг мавзу доираси чегараланмагани каби афоризмлар ҳам мавзу жиҳатдан ранг-баранг бўлади. Афоризмларни мавзулаштиrsак, уларнинг бир неча гурухга мансублиги аёнлашади. Айтайлик, ҳаётий-маиший афоризмлар таълим-тарбияга ҳам, сиёсий ҳаётга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Шу боис тасниф қайта ўйлаб кўрилиши лозим. Афоризм адабий жанр сифатида қайси турга тегишли деган ҳақли савол туғилади. Шеърий афоризм лирик турга, эпик афоризм эпик турга мансуб.

70-80-йиллар ўзбек шеъриятида афоризм даражасига кўтарила олган сатрлар анчагина. Бу жиҳатдан биргина А. Орипов ижодини кўздан кечириш кифоя. Шоирнинг “Ўлим бу – нишонга бориб теккан ўқ”, “Туғилиш – шиддат-ла тортилган камон”³; “Муаллим камолот ичра кўзгудир”⁴, “Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал, Сўнгра бутун бўлсин дўстнинг имони”⁵ каби

¹ Тошпўлатов З. Афоризм адабий жанр сифатида // ЎТА, 2004, 2-сон, 54-57-бетлар.

² Тошпўлатов З. Афоризмлар таснифига доир // ЎТА, 2005, 2-сон, 77-81-бетлар.

³ Орипов А. Йиллар армони. – Т.: FACH, 1987, 252-бет.

⁴ Ўша жой, 269-бет.

⁵ Ўша жой, 324-бет.

сатрлари халқ ичида оғиздан-оғизга ўтиб, машхур бўлди ва пурхикмат фикр сифатида эъзоз топди. Демак, бу сатрларни афоризм дейиш мумкин.

Ёзма адабиёт топишмоқ жанрини луғз ёки чистон номи билан стилизация қилди. “Топишмоқ («чистон» – форсча, «у нима») – нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини кўчма маънода рамз ва ишоралар орқали айтиш ва тингловчиларнинг у нарса, ҳодисаларни фаҳму фаросат билан айтиб беришига асосланган поэтик жанр”⁷. Адабиётшуносликда топишмоқ ва луғз (чистон)га бир хил таъриф берилиши, синоним сифатида қўлланиши бежиз эмас. Топишмоқ ва луғз оғзаки ҳамда ёзма адабиёт намунаси эканлиги билан тафовутлидир. Аммо чистоннинг халқ топишмоғидан тафовути-муаллифи маълумлигидагина эмас, тилининг мураккаблиги, аruz вазнида ёзилганлигига ҳамдир. Мумтоз адабиётимизда Алишер Навоий ва Увайсий чистонлари машхур бўлди, аммо топишмоқ стилизацияси мақол стилизацияси каби кенг илдиз отмади. XX асрга келиб бармоқ вазнида ёзилган, тили содда, оғзаки топишмоққа яқин адабий топишмоқлар яратилди. F.Фулом, Қ.Муҳаммадий, Ш.Саъдулла, С.Фафуров каби шоирлар яратган топишмоқлар болалар адабиёти хазинасини бойитди.¹⁷

Йифи ҳамда йўқлов жанрлари мақол сингари ёзма адабиётда анча илгари ўзлаштирилган эди. Бу икки жанрга хос хусусиятлар бирлаштирилиб, марсия стилизация қилинди. «Марсия» сўзи арабча бўлиб, «йифи» дегани.¹

Йифи ва йўқлов фольклор жанрлари бўлиб, мотам маросимига алоқадордир. Бу жанрлар фольклоршуносликда атрофлича ўрганилди.¹⁸ Аммо уларнинг ёзма адабиётга кўчуви масаласи ҳар томонлама ўрганилган эмас. Адабиётшунослигимизда марсиялар лирик турга мансуб жанр сифатида қаралиб, уларнинг табиати, поэтикаси ҳақида айрим мулоҳазалар

⁷ Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. – Т.: Фан, 1992, 154-бет.

¹⁷ Бу ҳақда қаранг: Сафаров О. Куддус Муҳаммадийнинг фольклордан фойдаланишига доир // Ўзбек совет фольклори масалалари. 1-китоб. – Т., 1979, 207-212-бетлар; яна: Келажак тонгининг чароқларисиз. –Бухоро, 2003.

¹

¹⁸ Ўраева Д.С. Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезис ива бадиияти. ДД. –Т., 2005.

билдирилган². Аммо марсиянинг фольклор жанридан ўсиб чиққани, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари атрофлича тадқиқ қилинган эмас. Бинобарин, 70-80-йиллар ўзбек шеъриятидаги марсиялар ҳақида фикр юритишдан олдин фольклорда “йифи” ҳамда “йўқлов” дейиладиган ҳодиса нега ёзма адабиётда “марсия” дейилади? Марсия “йифи” жанри стилизациясими ёки “йўқлов” дан ўсиб чиққанми? Турли даврлардаги марсиялар ўхшашми, тафовутлими? Каби саволларга жавоб топиш, сўнгра, 70-80-йиллар шеъриятидаги марсиялар ҳақида фикр юритишни мақсад қилдик.

Мотам қўшиқларига хос анъанавий мотивлар, рамзий образлар, тасвир усулига хос хусусиятлар, композион белгилар ҳозирда ёзма адабиётда яратилаётган марсияларда ҳам учраши кўзга ташланади. Шу орқали марҳумлар хотирасини ҳурматлаш ва шарафлаш анъанасини ўзида сақлаб келаётган марсиялар фольклор ва ёзма адабиёт алоқаларини ёрқин акс эттиради.

Марсиялар майший воқеликка дахлдор, бирор-бир киши вафоти муносабати туфайли маълум бир ижодкорнинг кўнглидан кечган ҳис-туйғулари ва ҳасратларини шеърий тарзда ифодалаш эҳтиёжи билан яратиладиган бадиий шакл типларидан бири сифатида лириканинг бошқа жанрларидан ажralиб туради.

Ҳозирги ўзбек шеъриятида ҳалқ йифи ва йўқловлари характерида яратилган лирик асарлар “марсия”, “йўқлов”, “хотира”, “...хотирасига”, “бағишлов”, “гиря”, “кўмсаш” ва ҳоказо каби номлар билан юритилади. Уларда шундай мотивлар ва образлар учрайдики, бевосита мотам маросимига алоқадор айrim урф-одатларни, ирим-сиirimларни, мифологик тасаввур-тушунчаларни ўзида ифодалashi билан диққатни тортади.

Марсиялар ёзма характерда яратилиши, якка ижод маҳсули бўлиши, бир кишининг ҳис-туйғуларини ифода этиши, маросимга дахлсизлиги, ижрога мослашмаганлиги билан ҳалқ аза қўшиқларидан ажralиб туради. Лекин

² С. Ирисхожиева. Роқим марсиялари // ЎТА, 1972, 4-сон, 61-64-бетлар.

шундай бўлса-да, улар мотам маросими фольклори жанрларига хос ғоявий, бадиий-композицион хусусиятларни ўзида ифодалаб келиши кузатилади. Жумладан, марсияларда ҳам худди мотам маросимига алоқадор йифи ва йўқловлардаги каби кишининг ўлимига ачиниш, мархумни хотирлаш, қўмсаш мотивлари етакчилик қиласи.

Рауф Парфининг “Абдуллажон марсияси” шеъри уч қисмдан иборат бўлиб, у шоирнинг ёшликтаги қадрдон дўсти Абдуллажоннинг вафоти муносабати билан ёзилган. Шеърда халқнинг ўлим ҳодисасига муносабати, мархумлар руҳига ишончи, қайта тирилишга иймон келтириши ёрқин тасвирланган. Шеър ўликлар руҳини ифода этувчи рамзий образларга бойлиги жиҳатидан янада эътиборни тортади. У халқ йифи ва йўқловлари каби бармоқ вазнида, тўртлик типидаги шеърий шаклда ёзилган. Шеърнинг оҳангига ҳам халқ йифи ва йўқловлари оҳангига жуда яқин.

Рауф Парфи “Абдуллажон марсияси” шеърида қуш образини марҳум руҳи тимсолида келтиради. Агар қуш халқ йифи-қўқлов қўшиқларида анъанавий рамзий образлардан бири сифатида руҳ ва марҳум тимсолини ёки ўлим рамзини ифодалаб келишини эсга олсақ, шоирнинг бу ўринда халқона усулдан фойдаланганини сезамиз.

Қушлар, қушлар, қатор – қатор,

Қушлар уйга қайтингиз.

Абдуллажон қайтмас ... зинхор,

Ёр-дўстларга айтингиз.

Худди шу шеърий парча оҳангига мос қўшиқ халқда ҳам бор:

Отманг мани тошлар билан,

Учиб кетарман қушлар билан.

Қушлар қайтар, мен қайтмасман,

Кўзлар тўлар ёшлар билан.

Бу тўртликларнинг ҳар иккаласи ҳам руҳнинг қуш бўлиб учиб кетишига дахлдор халқона ишонч замирида яратилган. Эътиборли жиҳати шундаки,

тўртликларнинг ҳар иккаласида ҳам қушлар сингари учиб кетган жоннинг энди қайтиб келмаслигига ишора қилинади.

Халқ орасида мархумлар руҳиниг барҳаётлигига ишонч ҳалигача сақланиб келаётганлигини янгидан-янги ёзилаётган марсияларда ҳамон сақланаётганлиги яна бир карра тасдиқлайди. Қадимги аждодларимиз инсон ўлгач, унинг руҳи яшашда давом этишига, фақат у бошқа кўринишларда бўлишига қаттиқ ишонганлар. Ўлган одамларнинг руҳи қуш, ҳашаротлар, гул, ёмғир, шамол кўринишида бу дунёга қайтиб келишига амин бўлганлар. Қизифи шундаки, халқ қўшиқларига хос абадий ҳаёт, руҳнинг боқийлиги, унинг бир кўринишдан бошқа кўринишга эврилиши ҳақидаги ибтидоий мифологик тасаввур-тушунчалар ҳозирги замонда яратилаётган марсияларда ҳам кўзга ташланади. Бу эса, марсияларнинг халқ мотам қўшиқларига хос анъаналар заминида яратилиб, шу асосда бадиий тадрижга эришганлигини тўла асослайди.

Халқ қўшиғида:

Отажоним, ёмғир бўлиб ёғсангиз,
Бошим очиб чиқардим.
Шамол бўлиб келсангиз,
Кўксим очиб чиқардим, -деб куйланса, шоир Рауф

Парфи томонидан ёзилган “Абдуллажон марсияси”да:

Шамол қаби учиб ўтгайсан,
Шовуллайсан бошимда ҳар зум.
Айтилмаган қўшиқ айтгайсан,
Япроқларни отгайсан узиб, -дейилади. Бу сатрлар орқали шоирнинг марҳум руҳи барҳаётлигига ишончи ифода этилмоқда. Шоир аждодларимизнинг қарашларига суюниб, дўстининг руҳи ўлмаганлигига, у хамиша одамлар билан бирга эканлигига, фақат кўзга кўринмас қиёфада намоён бўлишига ишонади.

“Абдуллажон марсияси”да халқона ифодалар жуда кўп. Масалан, шоир ўлимни “ёруғ оламни тарқ этиш” ёки “бу дунёни бутунлай тарқ этиш”,

мархумни тупроққа дағн қилиш ҳолатини “совук ерга қўйдек сени”, марҳум ҳолатини эса “нафас олмай ул ухлайди, кўкрагида ўнг қўли” дея ифода этадики, булар халқ орасида ҳам тез-тез қулоққа чалиниб турадиган ифодалардир.

Хуллас, мотам фольклорига хос ғоявий ва бадиий-композицион хусусиятлар ёзма адабиётдаги марсия, хотира, бағишлоғ типида ёзилган лирик асарларга самарали таъсир кўрсатган. Марсиялар марҳум хотирасини эъзозлаш билан боғлиқ қадимий анъана асосида яратилган шеърий шакллардан биридир. Уларда марҳумлар руҳини ардоқлашга алоқадор самимий инсоний туйғулар бадиий ифода этилади. Марсия яратиш 70-80-йиллар шеъриятида анча ривож топди.

Ўзбек адабиётида илк шеърий марсияни Юсуф хос Ҳожиб яратди. «Қутадғу билиг»да Ойтўлди ўлимидан сўнг Кунтуғди тилидан қуидаги марсия айтилади:

Мен сенинг ҳақингни ўтай олмадим,
Сенинг ҳақларингни худогина ўтасин.

Марсия, асосан, йўқлов жанридан ўсиб чиққан бўлиб, йиғи табиатига монанд марсиялар жуда оз. Негаки, аксарият марсиялар марҳумнинг дағн маросими чоғида эмас, вақт ўтиб уни қўмсаш, инсон сифатидаги фазилатларини эслаш, қадрини тушуниш туйғулари асосида юзага келади.

Марсиячилик тарихи XX аср марсияларининг аввалги мумтоз марсияларидан жиддий фарқ қилишини кўрсатади. Бу давр марсияларида миллат дарди, тузум нуқсонлари, Ватан озодлигини орзу қилиш акс этган, демакки, марсияларда ижтимоий-сиёсий рух пайдо бўла бошлаган эди. Йигирманчи йилларда бошланган бу рух, умуман, эрк ва ватанпарварлик, миллат истиқоли орзусида ўртанган туйғулар ифодаси 40-йиллардан 70-йилларгача куч билан тўхтатиб турилган эса-да, 70-80-йилларда бу жараён қайта юзага қалқиб чиқиб, кенг авж олди ва истиқлол учун хизмат қилди. Шу боис 20-30-йиллар шеърияти билан 70-80-йиллар шеърияти руҳан ўхшашиб. Лекин уларнинг ўзига хос томонлари ҳам бор. Айтайлик, XX аср

бошида яратилган марсияларда шахс фожеасини замон ва жамият фожеаси сифатида англаш кучли. С.Айний, Чўлпон ва Фитратларнинг Маҳмудхўжа Беҳбудий ўлими муносабати билан ёзган марсияларида ҳамда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Турсуной марсияси” шеърида худди шу ҳолатни кузатиш мумкин.

Шахс фожеасини замон ва жамият фожеаси сифатида талқин қилиш жараёни 30-50- йилларда қатағон ва уруш туфайли бирмунча тўхтаб, заифлашиб қолгани, ниҳоят, Сталин шахсига сифинишнинг бекор қилиниши натижасида эса бошлаган хурлик шабадаси таъсирида 60-йилларда яна қайта жонлана бошлагани (жумладан, Ғафур Ғуломнинг “Ҳазрати Навоий қабри устида” ҳамда Мақсуд Шайхзоданинг Ғафур Ғулом ўлимига ёзган марсияси мисолида) қузатилади. Аммо 70-80-йиллар марсиячилигига ижтимоий рух янада кучайгани сезилади.

Бу йилларда дунёдан ўтган тарихий шахсларнинг ўлими олдидан хаёлидан кечирган ўйлари тарзида яратилган шеърлар услубида шоирлар ўз кўнгил дардларини айтишга уриндилар. Бир қараганда бундай шеърлар марҳумнинг тилидан айтилган йиғини эслатади. Фақат оғзаки йиғилардан фарқли ўлароқ, унда кўтаринкилик, дунёнинг ўткинчилигидан, ёлғонларидан ўқиниш каби туйғулар қоришиб кетади. Усмон Азимнинг “Мўмин Мирзонинг сўнгги қўшиғи”, “Мирзо Улуғбекнинг ўқинчи”, “Усмон Носирнинг сўнгги туши”, “Ойбекнинг сўнгги шеъри”, Ҳалима Худойбердиеванинг “Нодираи Давроннинг сўнгги шеъри” кабиларда йўқлов либоси остида даврдан, тузумдан, риёкор одамлардан шикоят ифодаси бор.

Одатда, марсия якка шахсга бағишлиданади. Ижтимоийлик кучайган марсияларда кўпчиликни бирдан йўқлаш ҳолати фақат 70-80-йиллар шеъриятига хос. Буни Афғонистонда рўй берган биродаркушлик уруши воқеалари муносабати билан ёзилган бир қатор шеърлар мисолида ёрқин кузатиш мумкин. Дарҳақиқат, ўша вақтларда Афғонистондан ўзбекнинг бир эмас, юзлаб ўғлининг ўлиги келди. Бу фожиа эса шоирларнинг юрагини

йиғига түлдирди. Натижада X.Худойбердиеванинг “Тўрақўрғон туманида”, “Ҳиндиқушдан нола келди”, М.Юсуфнинг “Ўғлонлар”, Тошпўлат Аҳмаднинг “Рисолат опанинг нидолари”, “Зуфар монологи” каби марсиялари ўқувчилар томонидан чуқур кечинмалар билан қабул қилинди.

Эшқобил Шукурнинг «Ўзбек отанинг 43-йилдаги фарёдлари» шеъри ҳам ўзига хос ижтимоий рух қасб этади. Сабаби шеърда немислар босқинчилиги даврида қўлидан айрилган ўзбек отанинг йиғиси янграйди:

Ер йиғлар, осмон йиғлар,
Кўксимда тўнар оқим.
Кўз-дўзах, ризвон йиғлар,
Йиғлайди синик моҳим.
Дил –икки жаҳон йиғлар
Вой болам-а,
Вой болам.
Тўлмай кетган
Ой болам.¹

Шеърда бу йиғи биргина отанинг йиғиси тарзида келтирилаётган бўлсада, аслида у уруш оқибатида азият чекан, жангдан қўл-оёғидан ажраб, майиб-мажруҳ бўлиб қайтган яна бошқа кўплаб кишиларнинг дарди бўлиб ҳам эшитилади. Шоир худди шу ҳолатга эътиборни тортиш учун “Ер йиғлар, осмон йиғлар” ифодасини қўллаган. Бу ифода эса воқеликнинг кўпчиликка дахлдорлигини англатиб туради.

Эшқобил Шукурнинг «Менгим Момонинг йўқлови» шеъри йиғи стилизациясининг ўзига хос бетакрор намунаси сифатида гавдаланади. Шоир шеър аввалида «Инқилоб даврида Ватандан сургун қилинган, хорижда ўз-ӯзига йўқлов айтиб, дунёдан ўтган Менгим момонинг гиряси» деган изоҳни бежиз келтирмайди. Бу гиря гарчи I шахс номидан якка киши тушунчасида келтирилаётган эса-да, аслида ўлиги устида яқинлари йиғлай олмаган,

¹ Шукур Э. Ҳамал айвони.-Т.: Шарқ, 2002, 196-бет

бадарға қилингандык минглаб ватандошларимиз юрагидан отилиб чиққан йифи-фарёд бўлиб эшитилади.

Гўрим ўз юрагимда
Юракда бордир Ватан.
Қишлоқдан кийиб келган
Кўйлагим бўлсин кафан.
Вой, Менгим-а, шўр Менгим,
Увв!.. Увв!!!
Вой, Менгим-а, шўр Менгим,
Увв!.. Увв!!!²

Шоир “менгим” сўзини ийхом тарзида қўллаб, сўз ўйини ҳосил қиласди. Негаки, бу ўринда «менгим» сўзи инсон исмини билдиришдан ташқари «пешонам» сўзига маънодош бўлиб келмоқда. Мустабид тузумда яшаётган «шўр пешона лирик қаҳрамон» нинг гирясини халққа етказиш учун шоирлар фақатгина 80-йилларга келиб ўзларида журъят ва имкон топдилар. Бу давр шоирлари яратган марсияларда гўдаклар ўлими изтироби алоҳида янграйди. Сир эмаски, бу йилларда юзлаб болалар пахтага сепилган кимёвий ўғитлар таъсирида сувнинг ва ернинг заҳарланиши туфайли камқонликка йўлиқкан оналари қорнидаёқ касаллик ва нимжонликка гирифтор бўлиб дунёдан эрта ўтдилар. Шу аянчли тафсилотлар Ҳ.Худойбердиеванинг “Йифи”, У.Азимнинг “Турмуш суратлари” туркумидаги “Қабристонда митти қабрлар”, М.Юсуфнинг “Илёс” шеърларида ўзига ҳос бадиий ифода этилган.

70-80-йиллар марсиячилиги қўйидаги жиҳатлари билан фольклорга яқинлашди:

1. Бармоқ вазнида яратилгани билан. Аммо йифи, йўқловларда вазннинг қатъийлиги нисбийдир:

Борган жойиз ботқоқ экан, онажон, - 11

Оғзи бурни қопқоқ экан, онажон - 11

² Э.Шукур. Ҳамал айвони. 37-б

Қопқоғини оча кўринг, онажон - 11

Иложи бўлса қоча кўринг, онажон, - 12

Бошингизга кийисиз, қопқоқ, онажон, - 12

Кўзингизга тушмасин тупроқ, онажон.³ - 12

Бу ҳол ижро жараёни, оғиздан-оғизга ўтганида йиғиларнинг араласиб кетиши билан боғлиқ. Барибир йифи ва йўқловлар, асосан, бармоқ вазнида яратилган. Аммо бармоқ вазнида яратилган марсияларда хижолар бекарорлиги кузатилади.

2. Банднинг кўпроқ тўрт, баъзан олти мисрадан иборат экани билан. С.Ирисхўжаеванинг таъкидича, марсия ғазал, мухаммас шаклларида ёзилиши мумкин. Лекин марсиянинг мумтоз шакли деб таркибанд ҳисобланган.⁴ 70-80-йиллар марсиячилиги эса мумтоз марсия шаклидан эмас, фольклор шаклидан фойдаланди.

3. Қофияси билан. Марсиялар ғазал, мухаммас шаклида қофияланган бўлса, 70-80-йилларга келиб а-б-а-б; а-а-а-б; а-а-б-б-в каби қофияланиш тартибига мурожаат қилиш кучайди ва бундай қофияланиш фольклорга яқинликни кучайтирди. Юқорида санаганларимиз йифи, йўқлов жанрининг 70-80-йиллар марсиячилигига ўхшашлигини билдириш билан бирга унинг мумтоз марсиячилиқдан фарқини ҳам англатиб туради. Маълумки, йифи ва йўқловлар, одатда, яқин қариндошлар - бобою биби, ота-она, ака-ука, опасингил ва фарзанд ўлими муносабати билан куйланади. Мумтоз шеърият марсиячилигига эса бундай яқинлар қаторига устознинг, эл-юртга хизмати сингган улуғ шахсларнинг образи қўшилди. Тўғри, фольклорда ҳам улуғ инсонлар, айрим тарихий шахслар ўлимига бағишланган изтиробли лирик қўшиқлар бор. Бироқ улар йигилар деб эмас, йўқловлар деб юритилади. Демак, бу ўринда марсияларнинг йигилар билан эмас, кўпроқ йўқловлар билан мазмунан яқинлиги, бадиий вазифадошлиги аёнлашади. Чунки

³ Бўзлардан учган ғазал-ай. Ўзбек халқ йигилари ва йўқловлари. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар О.Сафаров ва Д.Ўраева. --Бухоро, 2004, 46-бет.

⁴ Ирисхўжаева С. Роким марсиялари // ЎТА, 1972, 4-сон, 62-бет.

уларнинг ҳар иккаласи ҳам вафот этган маълум бир кишининг тириклигида амалга оширган хайрли ишларини ёдга олиб, ўлимидан қайғуриб, руҳини хотирлаб яратилади.

70-80-йиллар шеъриятида марсиялар кимга бағишлиб яратилганига кўра барча даврлар марсиячилигига қараганда янада ранг-баранглик касб этди. Айтайлик, Ҳ.Худойбердиеванинг “Оқ олмалар пишганда”, “Кўмсаш”, “Ақлим танибманки...”, М.Юсуфнинг “Ота” шеъри ота хотирасига, А.Ориповнинг “Онам вафотига”, Ҳ.Худойбердиеванинг “Сизга ишонардим”, С.Салимовнинг “Онамга”, О.Ҳожиеванинг “Онамга” шеърлари эса она хотирасига, У.Кўчкорнинг “Лазизжон марсияси” фарзандга бағишлиланган марсиялар эканлиги билан эътиборни тортади.

70-80-йиллар ўзбек шеъриятида марсия деб аталмаса-да, йўқлов тарзида яратилган, улуғ инсонлар ўлимидан сўнг уларнинг фазилатлари хотирлаб ёзилган шеърлар талайгина. Ҳ.Худойбердиеванинг “Оқар дарё” (Ғафур Ғулом хотирасига), М.Юсуфнинг “Файзулло Хўжаев марсияси”, “Лолақизғалдок” (Ш.Раҳмон хотирасига) шеърлари йўқлов характеридаги марсиялардир. Тўғри, дунёдан ўтган улуғ инсонларга бағишлиланган ҳар қандай шеър марсия бўлавермайди. Бунинг учун шеърда марҳумни хотирлаш, унинг тириклигида амалга оширган хайрли ишларини ёдга олиш орқали ўлимига ачиниш мотиви бўлиши шарт.

Хуллас, 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида ранг-баранг мазмундаги марсиялар учрайди ва улар, асосан, давр муаммоларига ҳамоҳанг яратилганлиги билан эътиборни тортади. Бундай марсияларнинг аксарияти йўқлов жанри стилизацияси асосида юзага келган бўлиб, уларда ота, она, фарзанд, дўст, бирор қариндош, умуман, бирор азиз кишининг ўлимига ачиниш, уни қўмсаб соғиниш, фазилатлари ва хизматларини эътироф этиш мотиви етакчилик қиласи. Аммо уларнинг ҳаммаси марсия ёки йўқлов деб белгиланмаган. Айтайлик, О.Ҳожиева бундай йўналишдаги шеърларини «Жияним Фотимани эслаб», Ҳ.Худойбердиева «Отам хотирасига», Усмон

Кўчкор «Лазизжон марсияси», М.Юсуф «Марсия», «Илёс», «Уйқудаги қиз», У.Азим “Қозоқ шоири Кеншилик Мирзабеков хотирасига марсия”, Э.Шукур “Норбай ака марсияси” тарзида номлаганлар.

Йўқлов-марсиялар ёзма шеъриятга хос образлар, ташбеҳлар, ифода усулига эга. Уларда қаҳрамонлар ҳар доим аниқ тасвирлаб кўрсатилаверилмайди. Баъзи йўқлов марсиялар шоирнинг ўз ички кечинмаларини баён этиши қўринишида яратилганлиги кузатилади.

Ота тупроқ деб айтган эдим,
Она тупроқ деган эдим, ҳай.
Ватан тупроқ деб айтган эдим,
Болам тупроқ деб қандоқ айтай?!³

Инсон ота-онасини тупроқса беради. Балким шу боис она-тупроқ дер. Аммо фарзанди ўзидан олдин тупроқса айланган инсонлар, шоир идрок этганидек, болам тупроқ дейишлари нечоғли оғир!

Қизиги шундаки, бу йиллар шеъриятида инсонларгагина эмас, нарсаларга бағишланган марсиялар ҳам пайдо бўлди. Жумладан, С.Салимовнинг “Йўқолган китобларга марсия”, “Кўмилган ҳовузларга”, Э.Шукурнинг “Йўқлов” шеъри йўқолган китобни, кўмилган ҳовузни, “жоннинг ибодати”ни йўқлаб ёзилган. Китоб ўлиши, ҳовуз ўлиши, ибодат ўлиши мумкин ва уларга марсия айтиш шеърий дунё учун оддий ҳолдир.

Сизни асраб билмай йўқотган эдим,
Юлдуздай қайтадан келмайсиз асло.
Кўзларга айланса ҳамки вужудим,
Кўзларга айланса ҳамки бу дунё.¹

70-80-йиллар шеъриятида бадиий асар қаҳрамонларини йўқлаб яратилган анча-мунча марсиялар мавжуд. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундай марсиялар мумтоз шеъриятда учрамайди. Жумладан,

³ У. Кўчкор. Оғир карвон, 33-б

¹ Салимов С.57-бет.

Х.Худойбердиева “Кумушнинг ўлими” ва Х.Аҳмедова “Ойтўлди марсияси (XI аср)”да асар қаҳрамонлари образи воситасида 70-80-йиллардаги жамият фожиаларини айтиш имконини топдилар. Маълумки, “Кутадғу билиг” асаридаги Ойтўлди тўлин ой, давлат рамзи сифатида секин тўлишиб, яшнаб, сўнг ўлимга юз тутади. Шоирага XI асрда яратилган асар қаҳрамонини йўқлаш, унга марсия айтиш нега керак бўлиб қолди?! 70-80-йилларда мустамлака мамлакат шоири эркни қўмсаб, ошкора шеър ёза олмагач, фикрини турли либосларга ўраб айтиши, шу йўл билан халқни ғафлат уйқусидан уйғотиши табиий ҳолдир. Бу йиллар марсиячилиги, аввало, уйғоқ ижтимоий рух касб этгани, эрк кўшиқларига либос бўлгани билан фарқланади.

Марсиялар воқеликни ифодалаш усулига кўра иккига бўлинади:

1. Насрий марсиялар. Уларда воқелик сюжетли, ҳикоявий шаклда баён этилади. Бунга Ўрхун-Энасой ёдгорликлари мисол бўлади.

2. Назмий марсиялар. Уларда воқелик ижодкорнинг шахсий кечинмалари ва қарашлари асосида шеърий шаклда талқин қилинади. Таҳлилга тортилган қатор марсиялар назмий марсияларга мисолдир. Аммо шуниси борки, ёзма марсияларнинг илк намунаси насрий тарзда яратилган бўлса, XX асрга келиб, жумладан, 70-80-йилларда, асосан, назмий марсиялар яратилди.

Бирор фожеали воқеанинг оммавий қурбонига айланганларни хотирлаб ёзилган, шунингдек, бадиий асар қаҳрамонлари ёки нарсаларга бағишлаб яратилган марсиялар рамзий марсиялар саналади.

Демак, 70-80-йиллар марсиячилигида бошқа даврлардан фарқли ўлароқ рамзий марсиялар яратилганлиги эътиборлидир. Бу даврда шоирлар йифи ва йўқловларга хос шикоят қилиш, зорланиш мотивлари асосида халқнинг дарду ҳасрати, мустабид тузум зулмидан шикояти ва зорланишини ифода этишни маъқул кўрдилар. Шу йўл билан эркка ташналиқ, жамиятдан норозилик ғоялари бадиий талқин этилди.

3. Инсон фақат инсон ўлимига эмас, балки ўзи учун зарур ва ардоқли, қадрдон нарсалар (китоблар, ҳовузлар) ҳамда туйғулар (дўстлик, муҳаббат) ўлимига ҳам йиғлаши мумкин. Шу жараёнга хос ҳис-кечинмалар 70-80-йиллар марсиячилигига алоҳида тараннум этилганлиги кузатилади.

4. Бу йиллар шеъриятида шахсий туйғулар орқали ижтимоий туйғулар моҳиятини ёритиш алоҳида анъанага айланди.

5. Халқни уйғотиш, истиқлол учун курашга чорлашда халқона йўл тутилди.

6. 70-80-йилларга келиб, марсиялар яратилишига кўра мазмунан янада ранг-баранглик касб этди. Аникроғи, уларда мажозийлик кучайтирилди. Улар кимга бағишлиганига кўра: а) яқин кишиларга бағишлигандар; б) таниқли (тарихий) шахсларга бағишлигандар; в) рамзий марсияларга бўлинади.

70-80-йиллар шеъриятида адабий ёр-ёр, адабий алла, адабий терма, адабий ўлан каби оралиқ жанрлар ҳам учрайди. Аммо кенг оммалашмагани боис уларни қайд этиш билан чекланамиз.

Баъзан давр шеъриятида у ёки бу фольклор жанрининг табиатидан эмас, фақат номидан фойдаланиш ҳолати кузатилади. Бундай ҳолатни жанр стилизацияси сифатида баҳолаш қийин. Масалан, Ҳ.Худойбердиеванинг “Афсона” сарлавҳали шеъри олти банддан иборат бўлиб, унда севгидан озор чеккан қизнинг балиққа айланиш илинжида ўзини сувга отиб чўкиб кетиши воқелиги баён этилган. Кўриняптики, шеърнинг сюжети хаёлий уйдирмага эмас, балки реал воқелик талқинига асосланган. Демак, шоира шеърда “афсона” атамасини жанр номига ишора сифатида эмас, пок ва беғубор қизнинг бу дунёдан у дунёга афсонавий ҳур бўлиб кетаётганини билдирамоқ учун қўллаган.

III.3. МОТИВ СТИЛИЗАЦИЯСИ

Ёзма адабиёт фольклордан хилма-хил мотивларни ижодий ўзлаштириб келаётир. Бу ҳақда рус адабиётшунослигига В.Е.Ветловскаянинг “Ф.М.Достоевский”, Т.В.Иванованинг “А.К.Толстой”, И.М.Шоттнинг “Янка Купала ижодида фольклор”, У.Б.Далгатнинг “Литература и фольклор” каби тадқиқотларида алоҳида тўхталиб ўтилган. “Индивидуал ижодда фольклор мотивларини трансформация қилиш керакли бурилишлар ясаш имкониятини юзага келтиради”¹, деб ҳисоблайди В.Е.Ветловская. У Ф.М.Достоевскийнинг “Қиёфадошлар” асарида қўлланган фольклор мотивларини атрофлича таҳлил қиласди. И.М.Шотт эса “Фольклор мотивлари ва образлари Купала асаллари бадиий тўқимасига қўшилиб кетган” дея хулоса қиласди².

Фольклор мотивларининг ёзма адабиётда учраши ҳақида О.Собиров, Ф.Мўминов, М.Амилова, М.Нарзиқуловалар ҳам ўз тадқиқотларида тўхталишган. О.Собиров А.Қодирий реализми ҳақида фикр юритар экан, севги ва эрк масалаларини ёритишида фольклор мотивлари таъсирининг сезилиб туришини таъкидлайди³. М.Амилова “Фольклор сюжет ёки мотивларидан ижодий фойдаланиш учун ижодкор катта маҳоратга эга бўлиши лозим” - деб ҳисоблайди¹. М.Нарзиқурова эса номзодлик диссертациясида “Сабъаи сайёр” достонидаги анъанавий мотивларнинг фольклордаги замини хусусида сўз юритади. Унинг эътирофича, Баҳромнинг Дилором суратини кўриб ошиқ бўлиши мотиви “Кунтуғмиш” достонидаги ошиқлик мотивига ўхшайди². Умуман, ёзма адабиётда фольклорга хос мотивларнинг ўзлашуви алоҳида тадқиқотни тақозо этади.

70-80-йиллар ўзбек шеъриятида фольклорга хос мотивларнинг қўйидагича стилизация қилганлигини кузатиш мумкин:

1) достонга хос мотивлар стилизацияси;

¹ Русская литература и фольклор (Вторая половина XIX веке).- Л.: Наука, 1982, с.14.

² Шотт И.М. Фольклор в творчестве Янки Купалы.- М.: Наука, 1968.

³ Носиров О., Собиров О. Халқ ижоди хазинаси.- Т.: FACH, 1986, 129-бет.

¹ Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор анъаналари. – Т.: Фан, 1990, 32-бет.

² Нарзиқурова М. Сабъаи Сайёр достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклоризмидаги Баҳром сюжетининг талқини. КД. – Т., 2006, 10-бет.

- 2) эртакка хос мотивлар стилизацияси;
- 3) халқ ҳаёти, турмуш тарзи билан боғлиқ мотивлар стилизацияси.

Т.Мирзаев “мотив” истилоҳини икки маънода қўллайди ва достонларда элу юрга мухаббат мотивлари уруғ бирлиги ғояси билан бирлашиб кетишини таъкидлайди. Бу ўринда мотив - мавзу, ғоя маъносини ифодалайди. Шу тадқиқотнинг ўзида мотив сюжетнинг бир бўлаги сифатида ҳам эътироф этилади. “Алпомиш” эпосининг сюжет составини атрофлича қараб чиқишида унинг мотивлари ҳақида фикр юритиш, достон сюжети тўқимасидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш ҳам муҳим роль ўйнайди”⁵-деб ёзади олим. Зоро, мотив французча сўз бўлиб “тема, мавзу”, айни чокда “оҳанг, куй” маъноларини ҳам англатади.³ Адабиётшунослик истилоҳи сифатида “сюжет таркибидаги ҳалқалардан бири” ёки асарнинг асосий мавзуи ва ғоясини тўлдиришга хизмат қилувчи қўшимча мавзу ёки ғоявий йўналиш маъносини англатади. Айтайлик, халқ оғзаки ижодида қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши ёки персонажнинг овга ё сафарга чиқиши алоҳида-алоҳида мотивлар бўлиб, анъанавийлиги билан диққатни тортади. Демак, “мотив” истилоҳи ҳам ғоя, ҳам сюжетнинг бир бўлаги маъносида ишлатилади. Мотив стилизацияси деганда, сюжетнинг бир бўлаги маъносидаги “мотив” тушунчаси қўлланилади.

Халқ достонлари мотивлари стилизацияси 70-80-йиллар шеърияти учун муҳим ходисадир. Жумладан, бу даврда яратилган шеърларда “Алпомиш” ва “Гўрўғли” туркумига кирувчи достон мотивлари кўпроқ стилизация қилинди. Бу жиҳатдан “Алпомиш” достони мотивлари стилизацияси айрича тадрижий жараён сифатида эътиборни тортади. Усмон Азим достон мотивларини “бахшиёна” шеърий шакли ёрдамида стилизация қиласи. Мотив стилизацияси жанр танламайди, албатта. Усмон Азимнинг “Алпомиш”даги “Ғознинг хат етказиши” мотивини насрой йўл билан

⁵ Мирзаев Т. “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари. – Т.: Фан, 1968, 91- 93-бетлар.

³ Русча-ўзбекча лугат. – Т., 1983, 573-бет.

стилизация қилгани шу маънода эътирофли. Шоир достондаги Алпомишнинг қалмоқса иккинчи сафари, Алпомишнинг қалмоқдан қайтмагани, ғознинг хат келтириши мотивини стилизация қилган. Агар стилизация жараёнида достон мотивини айнан ўзлаштириб, мазмунини бошқа шаклга солиш билангина чекланганида бундай стилизация регрессив табиат касб этиб, ёзма адабиёт учун аҳамиятсиз бўлиб қоларди. Достон мотивлари ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, “либоси мавзун”дир¹. Достонда Алпомиш Бойсарини қутқариш учун қалмоқ сафарига жўнар экан, боласининг келажаги ҳақида деярли ҳеч гап айтмайди. Достоннинг бир ўрнида “Алпомиш банди кетганда, Барчиннинг бўйида ҳомила гумон қолган, ул пайдо бўлган. Алпомишнинг жойини тутар деб Ёдгор қўйди” дейилади. Шоир шу мотивдан фойдаланиб, ўз қўнгил дардларини тўкиб солади. Алпомиш “Боламга айт, отаси Алпомиш, эли Кўнғирот, юрти Бойсун” деб сафарга чоғланади.

Ч.Айтматов “Асрга татигулик кун” асарида манқуртга Найман она образи орқали Ватани, отаси ва ўзининг номини эслатиб, унинг хотирасини уйғотмоқчи бўлади. Найман она қўшиқ куйлади. Шу хилда Усмон Азим ҳам ўз ижодида чақалоқларга алла айтиш билан уларнинг онгига отасининг, Ватани ва элининг номини сингдириш лозим деб ҳисоблайди. Достон мотиви стилизациясидан мурод ҳам шу эди. Бахшиёна якуни шоир мақсадини янада аниқ очиб беради:

Барчиним, фарзандим шер бўлсин,
Юртига суюнчиқ эр бўлсин
Ватанини дилига жо айлаб,
Бахшилар тилида шеър бўлсин!

Шоир бахшиёнанинг ечимини “Биз томонларда бахшилар Алпомишнинг ўғли Ёдгор ҳақида ҳам достон айтишади”, -деган хабар билан

¹ Навоий Алишер. Хамса. – Т.: Ўздавнашр, 1956, ... бет.

беради.² Шоир бахшиёнани наср ва назм уйғунылигига бериш билан мотив стилизациясида фольклорга хос ифода усулини ҳам сақлаб қолади. Шоир Алпомиш қалмоқдан қайтмагани мотивини стилизация қиласар экан, уч асосий фикрни бахшиёна бағрига яширди: “Үн минг уйли элинг мадад бера олмас”, “Ғаним учун түй-томоша, бизга дорма?”, “Хеч бир эл-юрт эрларидан айрилмасин”³. Қизиги шундаки, бу уч мисра мазмуни қатағон йиллари воқеаларини ёдга сола олади. Зоро, Абдулла Қодирий отилганда ғаним түй-томоша қиласар, ҳаёт Усмон Носир учун дор бўлганида, ўн минг уйли эл мадад беролмаган, эл-юрт эрларидан айрилиб, ёвга қарам бўлган эди. Шоирнинг бу бахшиёналари мотив стилизациясининг чиройли намуналариdir.

Усмон Азим “Гўрўғли ва Алпомиш” шеърида яна бир неча халқона мотивни стилизация қилган. Фақат бунда шоир бир туркумга кирувчи бир неча мустақил достонлардаги мотивларни бир шеър таркибида бирлаштиришга уринади ва шеъриятда мотив стилизациясининг янгича шаклини яратади. Айтайлик, Гўрўғлининг шикорга сафар ойи-хатар ойида чиқиб, жодуга учраши мотиви “Маликаи айёр” достонидан, девларнинг ғавғо солиб келиши туфайли Гўрўғлининг Кўхи Қофга от солиши “Юнус пари” достонидан олинган мотивлар бўлиб, шеърда улар яхлит сюжетни ҳосил қилган.

Шоир келтирилган мотивлар орқали Гўрўғли элни ташлаб кетмаслиги, Алпомиш чоҳдан қутулиб юртга қайтиши лозимлигини таъкидламоқчи бўлади. Чунки бу таъкид 20-30-йилларда элимизнинг айrim зукко фарзандлари қатағон даври зўравонликларига чидай олмай Ватандан чиқиб кетгани халққа қанчалик қимматга тушганлигига рамзий ишора қиласади. Хуллас, куйидаги икки сатрни айтиш учун шоир мотив стилизациясидан фойдаланишни мақсад қилган:

Гўрўғлисиз эл бўлмас ахир,

² Усмон Азим. Сайланма, 203-204-бетлар.

³ Усмон Азим. Ўша манба, 196-бет.

Алпомишсиз мамлакат йўқдир.¹⁹

70-80-йиллар ўзбек шеъриятида эртакларга хос анъанавий сайёр мотивлар ҳам стилизация қилинган. Маълумки, бაъзи мотивлар бир эпик асадан иккинчисига кўчиб юриши боис сайёр мотивлар деб юритилади. Эртак ва достонларнинг муқаддима (зачини) ва тугалламаси, қаҳрамонга насиҳат, от таърифи... каби эпик клишелар алоҳида-алоҳида мотив саналади.¹. Азим Суюн эртаклар бошланмасига хос қуидаги анъанавий мотивни стилизация қиласар экан, сездирмайгина унинг моҳиятини буткул ўзгартиради:

Бор экан,
аслида йўқ экан.
Тўқ экан,
аслида оч экан.

Анъанавий зачинда “аслида” сўзининг қўлланиши ўзбек халқининг начорлик фожеасидан хабардор қилувчи воситага айланган.

Эртак мотивларининг стилизацияси ҳам замон эҳтиёжи туфайли юзага келди. Шоирлар кўпроқ уч оғайни ботирлар билан боғлиқ мотивларга мурожаат қилишди. Уч оғайни ботирлар ҳақида ҳар хил эртаклар бор. Шулардан бирида шоҳнинг уч ўғли боғдаги зумрад ва тилла барглию мевали дараҳтларни қўриқлашади. Чунки улардан бири ҳар кечада сирли ўғирлаб кетилмоқда эди. Тўнгич ва ўртанча ўғил тонгга яқин ухлаб қолиб, ўғрини ушлай олмайдилар. Кенжада ўғил эса ухлаб қолмаслик учун жимжилогини кесиб, ярасига туз жойлади ва шунинг оғриғи билан уйқусини қочиради. Шоир ана шу мотивни кучайтириб, кенжада ботир жимжилогини эмас, кўкрагини кесиб туз жойлашини таъкидлайди:

Ким узмоқда тилло япроқни,
Жисми-жоним яро қилиб ман.
Қўриқлайнин ушбу тун боғни,

¹⁹ Усмон Азим. Ўша манба, 417-бет.

¹ Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Раззоков X., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. – Т.: Ўқитувчи, 1980, 238-бет.

Кўкрагимни тилиб-тилиб ман².

Шеърда боғ образи Ўзбекистон рамзини ифодалаган. Йўқолаётган япроқ ва мевалар эса истибод зулмига ишорадир. Шоир истиқлолга эришиш учун кўкрагини кесишдан ҳам қўрқмайдиган кенжа ботирларни тарбиялаш учунгина бу мотивни стилизация қилди. Бошқа бир шеърида Усмон Кўчкор яна шу мотивга мурожаат қиласр экан, бошқачароқ хulosса қиласди. Эртакда япроқларни булбулигўё ўғирлаётган эди. Шеърда шоир туннинг ўзи тузоқ қўйганини, булбулигўё эртаклари ёлғонлигини айтиб, ботирни уйғонишга даъват этади. Ботир тўнғичми, ўртанчи ёки кенжа ботирми - буниси мавҳум. Шеърхон англаса, бутун бошли ҳалқ ухлаб ётибди. 70-80-йилларда ўзбек шоирлари ана шундай мудраётган элни уйғотишга урина бошладилар:

Бу қора тун, йўқ, қушча эмас,

Сенга қора тун тузоқ қўйфон.

Бу эртаклар ёлғон эрур, бас,

Уйғон, уйғон, эй болам, уйғон¹.

Айрим шеърларда бир неча мотив аралаштирилиб, ўзига хос мантиқий боғланиш асосида умумлашма хulosса ҳосил қилинган. Аниқроғи, шоир фольклор мотивларини ўз мақсади йўлида хизмат қилдиради. У.Кўчкорнинг “Бу қандай дев ухлаб ётар” шеъри шу жиҳатдан диққатга сазовор. Шеърда дев ухлаб ётган ҳолат мотиви, уч оғайни ботирларнинг йўл танлаши, аждарҳонинг ҳар куни бир ҳўқиз ва бир қизни ейиши мотивлари тасвирланган. Шоирнинг мақсади шуки, дев ухлаб ётган бўлса-да, “асрлар унга қарши курашмай, елкалари яғир бўлиб ишлаётганини”, “борса келмас” яна кенжа ботирга қолганини, шоҳнинг изми ўзида эмас, аждаҳодалигини, аждаҳони ўлдиришни ўйламай, бир-бирини босиб-янчиб бораётган одамзоднинг ўлкаси қайси эканлигини шеърхонга уқтиришдир².

² Кўчкор У. Оғир карвон. – Т.: FACH, 1991, 76-бет.

¹ Кўчкор У. Оғир карвон. 80-бет.

² У.Кўчкор. Оғир карвон. 27-бет.

Эшқобил Шукурнинг “Ўлим асидан” шеърида ҳам фольклорга хос бир нечта мотив стилизация қилинган. Бинобарин, шоирлар эртакларнинг дуч келган мотивини стилизация қилмайдилар.

Бу йиллар шеърияти ҳалқ орасида мавжуд иримлар, одатларни ҳам ўзлаштириди. Биз уларни ҳалқ ҳаётига хос мотивлар деб ҳисобладик. Жумладан, ҳалқда тили узун бўлсин дея болага қўзичоқ тилини бериш одати бор. С.Салимовнинг “Яширмасди ҳеч армонини” шеърида шу мотив стилизация қилинган. Шоир қўй тилини еган одам душманига бас кела олмагани, демак, тили узун бўлмаганини ифода этиш мақсадида “Айб ундами ёки ювощ қўйда” дейди ва ҳалқ ҳаётига оид бу этнографик деталдан жуда катта фалсафий хулоса чиқаради. Шундай ҳолат С.Салимнинг “Гар одам йўқолса...” деб бошланувчи шеърида ҳам кузатилади. Ҳалқ бирор киши йўқолса, бедарак кетса, тандир ёки ўчоқнинг оловига қараб, йўқолганинг исмини айтиб чақирган. Гўё бу билан йўқолган одам чақирилган овозни эшишиб, безовта бўлиб уйига қайтармиш. Шоир шу одат тафсилотидан фойдаланиб, қуидагича ижтимоий хулоса чиқаради:

Урушга юртни деб кетган акамни
Ўчоқдан, тандирдан онам чақирап³.

70-80-йиллар шеъриятида ҳалқ ҳаёти, турмуш тарзи, турли даврлардаги эътиқодий қарашлари билан боғлиқ мотивлар стилизацияси алоҳида ўрин тутади. Айтайлик, қадимда инсоннинг у ёки бу жонивор билан қариндошлигига ишонилган. Бу тотемизм деб юритилади. Ўзбек ҳалқи отни, бўрини ўзига тотем аждод ҳисоблаган. Ҳатто ўлган инсонларнинг рухи ҳам тотем жониворларга қўчиб ўтади, деб қаралган. Эътиборли жиҳати шундаки, бу ибтидоий қарашлар мотам маросимига алоқадор ҳалқ қўшиклари воситасида ёзма адабиётда яратилган марсияларга-да қўчиб ўтган. Жумладан, бунга Ҳ.Худойбердиева қаламига мансуб йўқловдан мисол келтириш мумкин:

³ Салимов С. Ёруғлик одами. –Т., 36-бет.

Энди менинг кунимга ким ярайди,
Болам бўлди бир қашқирнинг озуғи.
Ордан ўлим авло – деган,вой болам-эй,
Гўдаклигин қашқир еган,вой болам-эй.

Ўзбек халқ топишмоқларида ўлим кўпинча бўри тимсолида берилади. Шу анъана ушбу марсияда ҳам кўзга ташланади. Унда ёш бир қизнинг умрига зомин бўлган қаттол, ярамас, бузук табиатли раис образи қонхўр қашқирга ўхшатилмоқда.

Хориб шивирлайсан:

- Жонингиз қайда?
- Шуми? – Қиличимни кўлга ташлайсан,
- Балки бу? – Кўлингни чўзасан ёйга...

Жоним сенда дейман – айланмас тилим,

Жоним сенсан дейман – юрагим тўнар...

Менинг омонатим...

Жоним!

Севгилим!²⁰

Усмон АзимНинг “Эртак” шеъридан келтирилган ушбу парчанинг биринчи мисрасида эртакларда учрайдиган “эпик қаҳрамоннинг жони қиличидаги бўлиши” анъанавий мотивидан фойдаланилган. Маълумки, бу мотивнинг тарихий асосида анимизмга ишонч ғояси ётади. Иккинчи мисрада эса лирик қаҳрамон ўз жонининг маълум жонсиз предметда эмас, реал шахсада, аникроғи, севган маъшуқасида эканлигини таъкидлайди. Бу мисралар, ўз навбатида, инсоният бадиий тафаккури тараққиётида юз берган ўзгаришларни акс эттирмоқда. Чунки иккинчи мисра орқали даврлар ўтиши билан халқнинг мифологияга ишончи сусайиб ижтимоий тус касб этгани, реалликка ишончи орта боргани англашилади.

²⁰ Усмон Азим. Эртак // Сайланма. Шеърлар. – Т.: “Шарқ”, 1995, 285-бет.

Туш таъбирларида зилзила ҳодисаси кўпинча ўлим содир бўлишидан дарак сифатида талқин қилинади. Яна шундай халқона талқин А.Ориповнинг “Шоир Чорижон марсияси”да бадиий ифода тарзида келтирилганлиги кузатилади:

Уйингда юз берди зилзила,
Бу не ҳол баҳорда зилзила.
Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин.

Маълумки, зилзилалар тасодифан юз бериб, инсонлар бошига кулфат, ташвиш ёғдиради. У туфайли кўпинча ўлим юз беради. Одамларнинг уйлари вайрон бўлиб, бошпанасиз қоладилар. Қанча-қанча кишиларни том босиб қолади. Хуллас, зилзила туфайли одамларнинг ороми, тинчи бузилади. Шунинг учун туш таъбирларида ва бадиий асарларда зилзила кўпинча фалокат, ёмонлик, ўлим рамзини билдириб келади. Юқоридаги марсияда зилзиланинг айнан баҳорда юз берганлигини алоҳида таъкидлаш билан шеър қаҳрамони Чорижоннинг айни ёшлик чоғида, умрининг гуллаган палласида вафот этганлиги билдирилади.

Бадиий ижодда инсон умрининг фаслларга қиёслантирилиши анъанавий ҳодисадир. Бунда баҳор фасли инсоннинг ёшлиқ, болалик даврига, ёз эса инсон умрининг энг гуллаган, куч-қувватга тўлган фаслига, куз инсоннинг бола-чақа ташвишига ботиб, ақлий ва жисмоний куч-қудрати тўлишган даврига, қиши эса кексаликка ўхшатилиши маълум.

Юқорида билдирилган мулоҳазалар асосида айтиш мумкинки, **мотив стилизацияси**, биринчидан, шўро мафкураси тазиيқи остида турган адабиётимизга исёнкор фикрларни ифодалаш имконини берди; иккинчидан, ижодкор ифодаламоқчи бўлган фикрнинг қизиқарли, жозибали чиқишини таъминлади; учинчидан, халқ орасида мавжуд мотивларнинг йўқолиб кетиши хавфини камайтирди; ниҳоят тўртинчидан, ўқувчида мотив олинган асл манба билан танишиш иштиёқини туғдиради. Масалан, “Алпомиш”дан ижодий ўзлаштирилган мотив ўқувчини мазкур достоннинг ўзини ўқиб чиқишига

ундайди. Мухими эса, мотив ижодкор мақсадига либос бўлатуриб, адабиётни бойитади, ифода усулини жозибали қиласди.

III.4. ОБРАЗ СТИЛИЗАЦИЯСИ

Адабиётшуносалар ва фольклоршуносалар фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири муаммоларига тўхтаганда, фольклор образларининг ёзма адабиёт томонидан истифода қилинишига алоҳида эътибор қаратганлар. Аммо фольклор образларининг ёзма адабиётга таъсири масаласи аксарият ҳолларда алоҳида эмас, балки жанр, сюжет, мотив ва оҳанг таъсири муаммоларига кўшиб талқин қилинган. И.М.Шоттнинг “Фольклор в творчестве Янки Купалы”, У.Б.Далгатнинг “Литература и фольклор”, В.В.Прозоровнинг “М.Е.Сальтыков–Щедрин”, Ф.Я.Прийманинг “Н.А.Некрасов”, Л.В.Чернихнинг “А.Н.Островский” каби тадқиқотларида фольклор образларининг ёзма адабиётга кўчиши ҳақида фикр юритилган. Бу ҳол умумий тарзда фольклоризм дейилган. И.М.Шотт халқ лирикасидаги рамзий образларнинг, эртак қаҳрамонларининг Янка Купала ижодидаги ўрни ҳақида тўхталади. «Шернинг қабри» поэмасида Купала фольклорга хос образ ва образлиликдан кенг фойдаланган. Айтайлик, унинг фикрича, каккунинг кукулаши белорус фольклоридаги талқинга кўра кўп ҳолларда кўз ёшдан, фалокатдан хабар берувчи рамзий маънога эга. Ёки шоир қоронғи ўрмон ёнида Днепр образини чизади. И.М.Шотт фольклорда “қоронғи қалин ўрмон” образи азоб ва ғам рамзи эканлигини, шоир бу ўринда фольклор образидан ижодий фойдаланганини таъкидлайди. Шоир “Кўрғондаги уйқу” (“Сон на Кургане”) поэмасида сув париси образини қўллайди. И.М.Шотт поэманинг биринчи ва охирги қисмида мифологик образлар, мотивлар қўлланганлиги боис сеҳрли манзаралар ҳосил бўлганини таъкидлайди. У шоирнинг поэмаларини таҳлил қила туриб, Янка Купаланинг фольклордан ижодий фойдаланишдан мақсади халқ рухи, туйғулари, интилишларини

чуқурроқ очиш эканини алоҳида қайд қиласи.¹ У.Б.Далгатнинг фикрича, “ёзма ва оғзаки адабиёт қаҳрамонлари орасида генетик идентификация”² бор. Ёзма адабиёт фольклор образидан фойдаланса, айнан ўхшатиш асосида образни кўчиради. Аммо идентификация шунчаки нусха кўчириш бўлмай, ижодкор фольклор образини ўз мақсади йўлида хизмат қилдиришини англатади. Шундай хулоса В.В.Прозоровнинг “М.Е.Салтиков – Шчедрин” номли тадқиқотида мавжуд: “Салтиков – Шчедрин фольклордан намуналар кўчирмади, балки улар руҳида эркин ижод қилди”³.

Ўзбек адабиётшунослиги фольклор образларининг ёзма адабиётга кўчиши муаммосини фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларини таҳлил қилган қатор тадқиқотларда эътироф этди. Х.Дониёров, С.Мирзаевнинг “Ҳ.Олимжон асарларида фольклор традициялари”,⁴ С. Мамажоновнинг “Фольклордан ўрганайлик”,⁵ Н.Маллаевнинг “Алишер Навоий ва халқ ижодиёти”,¹ О.Собировнинг “Сарчашма адиб ижодида”,² М.Амилованинг “Ўзбек совет адабиётида фольклор анъаналари”³ каби асарларда фольклор образларининг ёзма адабиётга таъсири ҳақида фикр юритилган. Ёзма адабиётнинг мифик образларни ўзлаштириши ҳақида Т.Хўжаев «ХҮ асрнинг 1-ярми ўзбек адабиёти ва фольклорнинг ўзаро таъсири» мавзуидаги номзодлик диссертациясида батафсил тўхталди. Бироқ бу ишда ҳам муаммога образ стилизацияси ёки фольклоризм тарзида муносабат билдирилмаган. У фольклор ва ёзма адабиётда учрайдиган турли образлар генезисини тадқиқ қилиш мақсадида ХҮ аср 1-ярми ўзбек адабиётига мурожаат қилган.

¹ Шотт И.М. Фольклор в творчестве Янки Купалы.- М.: Наука, 1968.

² Далгат У.Б. Литература и фольклор – М.: Наука, 1981, с. 38.

³ Русская литература (Вторая половина XIX века). – Л.: Наука, 1987, с.91.

⁴ Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. – Т.: Ўздавнашр, 1962, 258-274-бетлар.

⁵ Мамажонов С. F.Фулом прозаси. – Т.: Фан, 1966, 210-225-бетлар.

¹ Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: FACH, 1974.

² Собиров О. Сарчашма адиб ижодида. – Т.: Фан, 1975.

³ Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор анъаналари. – Т.: Фан, 1990.

“Образ идентификацияси” тушунчасидан келиб чиқсак, фольклор образларининг ёзма адабиётга кўчишини стилизацион фольклоризм деб ҳисоблаш мумкин. Чунки фольклор образининг номланиши, моҳиятидаги айрим жиҳатлар айнан кўчирилса-да, ёзма адабиёт ўзлаштирган фольклор образи айнанлиги таъминланса-да, у илгариги ҳолатини маълум маънода йўқотиб, ёзма адабиёт қонун-қоидаларига буйсунади, янги образ пайдо бўлади. У услубан фольклор образига хос бўлса-да, ёзма адабиёт бағрида қайта туғилган, стилизация қилинган образдир. Фольклор образлари стилизацияси тўрт хил кўринишга эга:

1. Эпик образлар стилизацияси.
2. Рамзий образлар стилизацияси.
3. Миғологик образлар стилизацияси.
4. Драматик тур жанрлари образлари стилизацияси.

Эпик турга мансуб достон, эртак, асотир, афсона, ривоят, нақл, латифа жанрларига хос образларни ёзма адабиёт асрлар давомида ижодий ўзлаштириб, ўз адабий образига айлантириб, фольклор образларига янгича рух, янгича вазифа юкламоқда. Ривоятлар, афсоналар образлари сифатида Тўмарис, Широқ, Лайли, Мажнун, Ширин, Тоҳир, Зуҳро каби образлар ёзма адабиёт томонидан ўзлаштирилган бўлса, достон қаҳрамонлари сифатида Гўрўғли, Алпомиш, Барчин, Қалдирғоч, Коражон, Бойчибор, Ғирот каби образлар стилизация қилинди. Латифа қаҳрамонлари Кал, Насриддин Афанди, эртак қаҳрамонлари Кенжаботир, Тўнғич ботир, Ўртанчи ботир каби қаҳрамонлар ёзма адабиёт ғояларини ташишда хизмат қилган бўлса, халқ қўшиқларидаги рамзий образлар ёзма шеъриятга хос поэтик образларни юзага келтиришда пойдевор бўлаётир.

Халқ қўшиқларида дарахт, соч, терак, чой, сув, дарё, гул, олов, шуъла каби юзлаб рамзий образлар орқали лирик қаҳрамон руҳияти очиб берилган бўлса, ёзма шеъриятда бу образлар ўзлаштирилганда уларнинг ҳақиқий

моҳияти гоҳ сақлаб қолинди, гоҳ бошқа вазифа ва бошқа маънода талқин қилинди.

Мифологик образлар достон, эртак, кўшиқ каби жанрлар таркибида учрагани учун уларга алоҳида тўхталишни лозим топдик. Ёзма адабиёт ижобий мифологик образлар сифатида Хизр, чилтонлар, пари; салбий мифологик образлар сифатида иблис, шайтон, жин, ажина, алвости, жодугар, ялмоғиз, дев кабиларни қўллаб, ўз ғояси ва мақсади йўлида ишга солди.

Шуни таъкидлаш жоизки, 70-80-йиллардаги ўзбек шеърияти эпик турга мансуб образларни бошқа даврлардагидан кўра кўпроқ қўллади. Алпомиш, Тўмарис, Широқ образлари энг кўп стилизация қилинган фольклор образларидан саналади. Алпомиш–Барчин, Бойсари ва улар орқали Кўнғирот элининг ўн минг уйли хонадонини қулликдан, мусофириликдан қутқарган, иккига бўлинган элни бирлаштирган қаҳрамондир. Аммо бу оралиқда у етти йил зинданда асирлиқда ётди. 70-йил асоратда ётган халқ негадир яна Алпомишни қўмсади. Шеърият шу маънода юртини ёвдан ҳимоя қилган Алпомиш, Тўмарис, Широқ образларига мурожаат қилди ва уларга алоқадор воқеаларни эслатиш орқали ўзбек халқини курашга чорлади. Достон қаҳрамонлари аксарият ҳолларда у ёки бу мотивга уйғунликда стилизация қилинди. Мирзо Кенжанинг “Алпомишнинг Бойсун – Кўнғиротга қайтиши” шеъри шу жиҳатдан эътиборли:

Бош кўтариб қара, бобом, Қултойим,
Алпомишни қайтиб бергай худойим
Фақат аввал ростин сўйла, кўройин,
Боши эгик ҳув одамлар кимники,
Бу давронлар, бу оламлар кимники?...¹

Шоир “Давринг кепти, яйрабсан, қулзодалар”–дейиш билан ўзбек бўла туриб ўз элини қарамлиқда тутиб турган ёвга кўмак бериб келган манқуртларга ишора қиласи. Барчин образи орқали эркка чорлайди.

¹ Кенжабоев Мирза. Муножот. Шеърлар. – Т.: FACH, 1986, 21-бет.

Кўндинг, бобозотлар надоматига
Кўйнимда илон бор, ёт бор деб кўндинг,
Тунгги дуоларнинг ижобатига
Кўксимда оғриқ бор, ёд бор деб кўндинг,
Лекин толеим, саодатимга,
Сенинг қонинг қолган Ёдгор деб кўндинг.²

Агар “Алпомиш” достонидаги мотив шунчаки кўчирилганида, образлардан нусха олинганида бундай стилизация шеър нафосатига хизмат қилмаган бўларди. Қолаверса, “Алпомиш” достонидаги Барчин “кўйнимда ёт-бегона бор” деёлмайди. Бу XX асрнинг 70-80-йилларидағи Барчин – умумлашма образ. У Алпомишнинг қайтишидан кўра кўпроқ Ёдгорга умид боғламоқда.

Қалдирғоч образи стилизацияси орқали эса мустамлака давридаги ўзбек аёли аҳволи шеърхон кўз ўнгидаги намоён қилинади:

Эгнинг юпун, кўнглинг ярим, қорнинг оч,
Туябоқар бўлиб даштда ёйдинг соч.

Бу тасвир “Алпомиш”дан айнан олиниб, бошқа вазнга солинган. Яқини ўлган аёллар соч ёйиб йиғлашади. Достонда ҳам, шеърда ҳам бу ҳолат айнан берилган. Агар шоир “чўккан ҳув мозор кимники?” дея Қалдирғочдан сўрамаса, достон мотивининг айнан ўзи қайта вазнга солинган бўларди. Негаки, достонда Алпомиш Қалдирғочга бу тарзда саволлар бермайди. Ҳатто чўпонларга савол берганда ҳам чўккан мозорларни сўрамайди. Шоир “чўккан мозорлар” детали орқали оёқ ости бўлган маънавий меросимиз, отабоболаримиз хотирасини ёдга туширади.

Алпомиш образи мотив стилизациясиз, ўзлаштирилган шеърлар ҳам талайгина.

Чамбил юртда Алпомишга
Навкар бўлиб тушгайман.¹

² Мирзаева З. Тун маликаси. – Т.: FACH, 1990, 43-бет.

Шундай ҳолда ҳам образ стилизацияси юзага келган ҳисобланади. Чунки келтирилган мисраларда фольклор образи – Алпомиш номи тилга олинаётир.

Бу йиллар шеърияти “Гўрўғли” туркумидаги достонлар образларига мурожаат қилиш орқали кўмилганд ҳам ўлмай қолган туркий халқнинг умумлашма образини ифода қилди. Аммо мустамлакачилар ўзбекнинг ўлмас Гўрўғли эканини билмадилар.

Сариқ девлар қилди даф,
Кал паҳлавон ўлмади.
Гўр ичида булагай алп,
Гўрўғлижон ўлмади.²

Мифологик образлар стилизациясида “сариқ” ранги аниқловчи сифатида берилади. Фольклоршунос Жаббор Эшонқулнинг айтишича, девлар етти ранг орқали сифатланиши мумкин. У сариқ ранг халқ космогониясига кўра, учинчи иқлим - турк диёрига дахлдор бўлиб, қуёш билан боғланган деб ҳисоблайди.³ Аммо шоир сариқ дев деганда буларни назарда тутмай, юртимизни қарамлиқда тутиб турган миллатнинг рангига ишора қиласи. Шундай ишора Ҳ.Ахмедованинг “Қабрингни топтади сариқ шайтонлар” мисраларида мавжуд.

Хуллас, 70-80-йилларнинг шоирлари Алпомиш, Барчин, Қалдирғоч, Гўрўғли, Бойчибор, Ғирот, Аваз каби образларни стилизация қилиш орқали қарамликини қоралаб, эрк учун курашиш лозимлигини уқтиридилар. Элни ғафлатдан уйғотишга уриндилар. Шоир Хуршид Даврон бир шеърида ухлаб қолган Алпомишни болалар уйғотишидан, Усмон Кўчкор эса, аксинча, катта авлоддан умидвор бўлишган:

Оғир қарз бул ҳар кишига,
Энг оғир юқ бу юқдир.

¹ Юсуф М. Сайланма. – Т.: Шарқ, 2004, 11-бет.

² Ҳожиева О. Ишонч юлдузлари. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1989, 49-бет.

³ Жаббор Эшонқул. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: “Насаф”, 1999, 23-бет.

Лек Гўрўғли келишига
Менда ишонч буюқдир.¹

Маълумки, эпик асарларда қахрамонни от эрк учун курашга олиб борувчи восита сифатида бадиий талқин қилинади. Хусусан, достонларда от бош қахрамоннинг энг яқин ёрдамчиси, таянчи сифатида тасвирланади. Бош қахрамон ҳамиша отини қўлдан чиқармасликка интилади. Бироқ “Алпомиш» достонида бош қахрамоннинг Бойчибор номли отида Алпомишнинг ўзи эмас, унинг энг яқин дўсти Қоражон пойгода чопади. Бу ҳолат Алпомишнинг сустлигини билдирамайди. Балки от культига кўра, Бойчиборнинг Алпомишга tengлиги натижасини билдиради.² Қолаверса, яна А.Мусақулов таъкидлаганидек, Бойчибор Алпомишнинг йўлдоши, эгизагигина эмас, балки бутун ўзбек халқининг рамзи даражасига ҳам қўтарилиган³. Шу боис шеъриятимизда Бойчибор, Фирот образлари стилизацияси айрича эстетик моҳият касб этган.

Марра яқин, бир озгина бардош қилгин, жонивор,
Сен ҳаммадан, сен ҳаммадан ақллисан, Бойчибор!⁴

Эртакларга хос образлардан энг кўп ўзлашгани уч оғайни ботирлар образлариdir. Бу образлар, асосан, мотив билан бирга стилизация қилинган. F.Жалолов Кенжаботир доим ҳар тарафлама нима биландир акаларидан устун қилиб тасвирланади⁵ деса, Жаббор Эшонқул ўзбек халқ ижодидаги Кенжаботир маълум маънода орзу-умид тимсолидир деб ҳисоблайди.⁶ Шеърият шу боисдан Кенжаботир образига тез-тез мурожаат қиласидаги бўлди. Жумладан, У.Азим қаламига мансуб “Ўн беш баллада” туркумидаги “Биринчи баллада”, “Иккинчи баллада”, “Учинчи баллада” ва “Ўнинчи баллада”лар уч оғайни ботирлар ҳақида бўлиб, образ стилизациясининг

¹ Усмон Қўчқор Аксиз садолар. – Тошкент: FACH, 1986, 45-бет.

² Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси, тарихий асослари, бадиияти. – Т.: Фан, 1995, 29-бет.

³ Мусақулов А. Халқ қўшиклиарида от инончининг бадиий ифодаси // ЎТА, 2004, 4-5-6-сонлар, 68-бет.

⁴ Йўлдош Эшбек. Маълум масофа. – Т.: FACH, 1991, 84-бет.

⁵ Жалолов F. Ўзбек эртаклари поэтикаси. – Т.: Фан, 1976, 72-бет.

⁶ Эшонқул Ж. Фольклор: образ ва талқин, - Қарши: Насаф, 1999, 76-бет.

чиroyли намунасиdir. “Ўнинчи баллада”да шоир уч оғайни ботирларнинг кетадиган йўлларини изоҳлайди. Катта ўғил “борса-келар” йўлидан кетадики, бу – бойлик йўли. Кенжа ботир “катта акам мол-дунёни ҳавога сочиб, чарчаб, бир кунга уйга қайтади” дея онасига тасалли беради. Эртакларда ботирларнинг отаси иштирок этса-да, онаси образи ифодаланмаган. Демак, шоир шунчаки тақлииддан воз кечган ҳолда эртак образларини стилизация қилади. Ўртанчи ўғил “Борса келар ё келмас” – хатар йўлидан кетган. Эртакларда “Борса келар ё келмас” йўлининг иккинчи номи “Борса – хатар” деб аталади. Шоир иккала ҳолатни ҳам ижодий ўзлаштириб, халқ фикрини ривожлантиради. Иккинchi йўл тожу тахт йўли – демак, хатар йўли. Кенжа ботир ўртанчи акаси мард эканини, мансаб илинжида бир кун онасининг ёнига қайтишини айтиб, онасини юпатади. Шоир онанинг Кенжа ботир учун йиғлаётганини таъкидлайди. Чунки у “Борса, келмас” йўлидан кетади. Эртакларда Кенжа ботир йўлда учраган барча қийинчиликларни енгади. Фольклоршунос Жаббор Эшонқулнинг айтишича, “Борса келмас–марҳумлар, ёвуз рухлар юрти”. Бу фикр эътирофга лойик: “У шу пайтгача ота-боболари танлаб келган йўлдан боришни истамай, янги йўлдан кетар экан, ўзининг исёнкорлик тимсоли эканини ҳам намойиш қилади. Шунинг учун у образли тарзда мавжуд тузум, ахлоқ нормалари, тартиб, қарашлар, муносабатларни инкор қилади”.²¹ Ёзма шеърият айнан шу хусусияти туфайли Кенжа ботир образига мурожаат қилди. Усмон Азим асарига эртакдагидай хулоса қилганида образ стилизацияси муваффақиятли чиқмас эди. Эртакда Кенжа ботирлар синовлардан ўтиб, иродаси, ақли, эътиқоди туфайли “Борса, келмас” дан қайта оларди. Шоирнинг Кенжа ботири қайтмайди:

Энди мангу алвидо, болам! –
Борса, келмас сенга муқаддас.
Ўзлигингни топарсан йўлдан,

²¹ Эшонқул Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999, 76-бет.

Ўзлигини топғанлар қайтмас...¹

Хулоса чукур фалсафага йўғрилганки, уни турлича талқин қилиш мумкин. Масалан, ўзлигини топған бу тузумга энди сира қайтмайди тарзида. Ёки тасаввуф таълимотига кўра, ўзлигини англаш оллоҳ висолига етишмоқдан иборат абадиятдир.

70-80-йиллар ўзбек шеъриятида халқ қўшиқларидаги рамзий образлар стилизацияси айрича жараён сифатида кечдики, бу ҳануз давом этиб келаётган жараёндир. Фольклоршунос А.Мусақулов “Ўзбек халқ лирикаси, тарихий асослари, бадиияти” монографиясида ёзма шеъриятдаги рамзий образларни тадқиқ қилиш, солишириш рамзий образлар моҳиятидаги ўзгаришларни талқин этиш, шоирлар яратган рамзий образларни таҳлилга тортиш йирик тадқиқотларга асос бўлади деб тўғри эътироф этади. Унинг фикрича, сув культи маросим ва севги тушунчаси билан боғлиқдир. Агар ўзбек халқ лирикасининг тарихий асосларига кўра сув культига диққат қилинса, қўшиқлардаги сув ва унинг атрибулари – аниқловчилари бўлмиш шаршара, булоқ, сой, дарё, қудук, муз, ҳовуз, қор, ёмғир; сув ўтлари, қамиш, ялпиз; сув идишлари: пиёла, коса ва сув жониворлари - барчаси очиқ ва сийрат маъносида севги, оила, фарзанд тушунчалари билан уйғунлашгани кўринади.² :

Таърифингни айтсам қалин қорларга
Бир боғлам бойчечак бўларди дунё.³

О.Хожиева “қалин қор” образини севги тушунчаси билан боғлик ҳолда келтиради. Шоиранинг “Сен аёлга”, “Бахт кулган чоқ”, Усмон Азимнинг “Оҳиста-оҳиста ёғади ёмғир”, “Қийналади офтобни кутиб”, “Сен йўқ эдинг”, Шавкат Раҳмоннинг “Ишқдан ўлган ўсмир”, “Ой синиги тўла сувлокқа”, “Телва кезик романси” каби шеърларини назардан кечириб, А.Мусақулов фикрида асос борлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бунда тафовутли жойи

¹ Усмон Азим. Сайланма. – Т.: Шарқ, 1995, 266-бет.

² Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси, тарихий асослари, бадиияти. – Т: Фан, 1995, 60-бет.

³ Хожиева О. Тамал тоши. – Т.: FACH, 1988, 60-бет.

шундаки, шоирларнинг ҳар қайсиси фольклорга хос бу образларни ўзларига хос аникловчилар билан қўллайдилар. Қуйидаги “Қалин қор”, “Сувсиз дарё”, “Қор аралаш дўл”, “Чим битган сой”, “Биллур қанотли дарё”, “Оҳиста ёғган ёмғир”, “Майда-майдалаб ёғган ёмғир”, “Тинч дарё”, “Тўфон”, “Бағри улкан”, “Шаршара”, “Сувлок”, “Денгиздаги бўш қайик”, ”Киров”, “Ёвуз денгиз”, “Сувлар рақси”, “Ялпиз”, “Яшил ҳовуз” каби шеърларда сув атрибутлари мавжуд. Шеърлардаги бу образлар вафосизлик, севги, ҳижрон, ёлғизлик, саодат, баҳт каби туйғуларни ифодалашда хизмат қила туриб, севги тушунчасига боғланади. И.М.Шоттнинг фикрича, дарё образи баҳтсиз севгини, айрилиқни англатади, Янка Купала ҳам уни шу маънода қўллаган.¹ Бу ўринда И.М.Шотт нуқтаи назари А. Мусақулов фикрига рост келади:

Баланд жардан ташланди
Тилло сандиқ дарёга.
Ёринг деб юзланди
Қоработир Зухрога.²

Фольклордаги дарё образи билан ёзма адабиётдаги дарё образи ўзаро яқин маънони ифодалайди. Дарёнинг бу қирғоғида Зухро, у қирғоғида Тохир, уларни ажратиб турган дарёдир. Аммо ёзма адабиёт дарё образини халқ қўшиқларидан айрилиқ, баҳтсиз севги маъноларида стилизация қилсада, унга яна ўнлаб янги маъноларни юклаган ҳолда талқин қилган:

Дарё-дарё эмас, у халқ-ку, ахир,
Заминга шимилиб, буғ бўлиб қўкка –
Тағин қайтаётган ул юксакликка.
Тағин ёғаётган ёмғир, қор бўлиб,
Эриб, қирғоқларга сифмасдан қолган
Дарёмас, халқ-ку бу...
Келмоқда тўлиб³.

¹ Шотт И.М. Фольклор в творчестве Янка Купалы. – М.: Наука, 1966, с.86.

² Юсуф М. Сайланма, 248-бет.

Бу шеър Чўлпоннинг «Халқ» шеъридан сўнг халққа, унинг эврилишларига образли таъриф бера олган шеърлардан. Шоирнинг ютуғи шундаки, 70-80-йилларда халқ дарёдай тўлиб келганига, энди тошиши аниқлигига ишора қилган. Бу Эрк йўлидаги курашга образли ишора эди.

А.Мусақуловнинг таъкидлашича, “халқ лирикасида олов фақат ҳосилдорлик билангина эмас, балки поклаш, ёвуз рухларни ҳайдаш, аждодлар руҳини чорлаш тушунчалари билан уйғун:

Жонимдаги чарс учқун,

Алангаси гуркирар.

Дарё, қайғу, гумон, қуюн

Йўқликларга тирқирап.¹

Жаббор Эшонқул девнинг қуюн қўтариб келишини айтади. Оловнинг атрибутларидан бири учқун, алангаси гуркираса - қуюн, яъни девлар ҳам тирқирайди.

Ўчоқ – оила, чироқ - умр рамзи саналади. О.Хожиеванинг “Ҳозир бўл, чироғинг ўчмасин асло!”, “Қоронғуда чироқ ёкиб ўстирган илдизимсан”, “Оловларга ташлаб зорларни” каби мисралари фольклордаги рамзий образ стилизацияси асосида битилгани туфайли дилга жиз этиб ёпишади.

А.Мусақулов халқ қўшиқларида чўл-биёбон айрилиқ рамзи сифатида келишини, буни илк бор М.Алавия пайқаганини таъкидлайди.²² Мажнун бўлдим сахроларда бир соя йўқ² сатри, “Хамса”ларда акс эттирилган Мажнуннинг сахрода яшаши “сахро” рамзий образининг халқ ижодидан ёзма адабиётга кўп асрлар илгари стилизация қилинганини, бу эса ҳозиргача моҳиятини йўқотмай келаётганини кўрсатади. Усмон Қўчқорнинг “Нечун сахрога кетмиш, англадим, Мажнун” сатри М.Юсуфнинг юқоридаги мисрасига ҳамоҳангдир. Бундай таҳлилни узоқ давом эттириш мумкин.

³ Қўчқор У. Аксиз садолар. – Т.: FACH, 1986, 28-бет.

¹ Ҳожиева О. Тамал тоши, 58-бет.

²² Мусақулоа А., 27-бет.

² Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Т.: Шарқ, 1997, 289-бет.

Бу давр шеъриятида мифологик образлар стилизацияси ҳам етакчи тамойилга айланган. Ҳатто девлар ҳам инсоннинг устунлигини тан олган дақиқадан бошлаб унга хизмат қила бошлайди. Ёзма шеърият эса девларни ёвузык рамзи сифатида стилизация қилди:

Ёвуз девларимни ухлатдим зўрға.³

Шоирлар девни мустамлакачиларнинг хизматкори сифатида тасвирилашди.

Буви, жодугарнинг қўлидаги баҳт,
Хур пари михланган минг йиллик дараҳт,
Девлар сифингувчи буқаламун таҳт
Нега қуламади?

Ватанимиз гўё жодуланган, ҳалқ эрксиз, баҳтсиз бўлса-да, буни англамас, англаса-да, овоз чиқаришдан чўчир, девлардан кўрқар эди. Шоирлар ҳалқ қалбидаги бу қўрқувни ҳам дев образи стилизациясига хос хусусият сифатида талқин қилдилар:

Бир буюк қўрқув бор унинг ичинда,
Кўзанинг ичига қамалгандек дев.⁴

Юрагида дев бўлган бу зотлар, шоирнинг айтишича, ўз отасини сотган, энди ўғлини сотиши аниқ. Дев – қўрқув шундай жойлашганки, Сулаймон муҳрини бузсанг ҳам кўнгил кўзасидан чиқиб келолмайди.

Шайтон манманлиги учун лаънатланган бўлиб, Азозил дейилган. Шайтон Одам Атони йўлдан урган, инсонни ёмонликка бошловчи куч. У ҳалқ оғзаки ижодида айнан шу хусусиятлари билан образлантирилади. Ёзма адабиётда у бузғунчи, ёлғончи, айёр инсонлар, инсонликдан чиққан зотлар рамзи сифатида ўзлаштирилди.

Совлиқ ўзин ҳар ёнга отар,
Гоҳ худо, гоҳ шайтонга отар.¹

³ Ахмедова Ҳ. Тунги марваридгуллар. –Т.: FACH, 1988, 21-бет.

⁴ Кўчкор У. Оғир карвон, 36-бет.

Шайтон худога қарама-қарши қўйилар экан, ислом динида Аллоҳга бас келолмаслиги қатъий ишонч билан айтилса, ёзма адабиётда бузғунчилиги билан аллоҳнинг эзгу ишларини бузиб юриши акс эттирилади.

Сен гувохсан, дунёйи қадим,
Уролмади йўлимдан шайтон.²

Баъзан инсон шайтондан ҳам айёр, доғули экани шеърларда акс эттирилади. У.Азимнинг “Шубҳа” шеъридаги “Бу шайтон бўлмаса бунчалар шайтон”, Э.Шукурнинг “Пайғамбар эшигин...” деб бошланувчи шеъридаги “Шайтонни ўттиз йил лақиллатган мен” мисралари бунга мисолдир. Иблис (шайтон) айёр, бузғунчигина эмас, девлардан юз бора ёвузроқ ҳамдир. Унинг айнан шу жиҳати шоирларга тасвир ва ифодада қўл келади. Шоирлар ёвуз инсонларни иблис тимсолида бериш ниятида бу мифологик образни ёзма шеъриятда стилизация қилдилар:

Улар Иблис билан тили бир ўртоқ,
Улар Азроилга содик чопарлар.³

М.Юсуф лаганбардорларни иблисга ўртоқ сола туриб, шу иблиссифатлар Усмон Носирлар бошига етганини таъкидлайди.

Фольклорда ёвузлик тимсолидаги мифологик образлардан яна бири ялмоғиздир. Фольклоршунос К.Имомов “ялмоғизни синқретик образ, у халқ эпосида конфликт келиб чиқиши ёки конфликт ечимиға сабаб бўлувчи персонаж” деб ҳисоблайди.⁴ Ёзма шеъриятда ялмоғиз образини стилизация қилишда унинг ямламай ютувчи, тўймас ва очофат хусусиятини назарда тутилиб, уруш, ғам, очқўзлик каби тушунчаларнинг рамзий моҳиятини ифодалашда бу образдан фойдаланилади. Жумладан, О.Хожиеванинг “Тилло сочингни тобутга ўрди, Уруш –ялмоғиз!”, “Қўлинг боғлаб, ялмоғиздай кулди ғам” сатрлари шу жиҳатдан эътиборлидир. Одатда, ялмоғиз тутиб олган

¹ Шукур Э. Яшил кушлар, 119-бет.

² Салимов С. Ёруғлик одами, 63-бет.

³ Юсуф М. Сайланма, 35-бет.

⁴ Имомов К. Миф ва ялмоғиз // ЎТА, 2005, 5-6-сонлар, 34-38-бетлар.

жонзотини боғлаб қўйиб, хохолаб кулиши эртакларда тасвирланади. Шоир шу эпик тасвир усулидан фойдаланиб, ғамни ялмоғизга баробар қилмоқда.

Хуллас, фольклор образларининг ёзма адабиёт томонидан ўзлаштирилиши ижодкор фикрининг чуқурроқ англашилиши, асарнинг жозибали бўлиши учун хизмат қиласи. Улар, одатда, мотив ва жанр стилизацияси, баъзан синтезлашган фольклоризм билан бирга кўчади. Ёзма шеъриятга хос образлар сафини кенгайтиради. Зотан, фольклор образлари ўринли, мантиқли тарзда қўлланса, ёзма адабиётда образлар олами янада кенгаяди.

70-80-йиллар шеъриятида кўпинча фольклордаги эпик қаҳрамонларнинг номини талмех сифатида келтириш орқали етакчи ғояни очиб беришга уриниш кучлилиги сезилади. Хусусан, юртнинг озод бўлиши учун жон кўйдирадиган, халқни уйғотадиган Гўрўғли, Алпомиш, Широқ, Тўмарис эпик тимсоллар, халқ қаҳрамонлари номини талмех сифатида келтириш билан ёш авлод онгига ўз аждодларига муносиб ворис бўлиб етишиш ғоясини сингдириш кўзда тутилади.

Ш. 5. ФОЛЬКЛОРИЙ ОҲАНГ СТИЛИЗАЦИЯСИ

Шеърият-оҳанг билан тирик. Оҳангни вазн, қофия, туроқ (рун) юзага келтиради. Оҳангнинг жозибали бўлишини таъминлашда эса аллитерация, анафора, тарсеъ, мувозана, тавзеъ, такрир, мукаррар, радд каби санъатларнинг ҳиссаси бор. Қофия мукаммал бўлмаса, вазн, туроқ ёки рун бузилса, оҳанг етук даражада бўлмайди. Ёзма шеърият оҳанг жозибасини таъминлаш учун барча воситалардан фойдаланади. Фольклорий оҳанг стилизацияси ана шундай воситалардан биридир.

Ижодкор халққа яқин оҳангларда дардини айтиш, кўнгил дардларининг халқ юрагидан жой олиши учун фольклор оҳангларидан фойдаланиши мумкин. Баъзан бу ҳол тўғридан-тўғри юз беради, чунки ижодкор халқ

кўшиқлари, достонларини тинглайвериб, халқона оҳанг вужуд-вужудига, руҳига сингиб кетган бўлади. Шунда беихтиёр фольклорий оҳангарлар кўмагида шеърлар ёзилади. Ҳатто бу ҳақда Тўра Сулаймон шундай ёзади:

Халқ йўлида шеър ёзиш
Оппа-осон иш экан,
Бошқаларнинг тургану
Битгани ташвиш экан,
Тириңг-тириңг...²³

Ёзма шеъриятда фольклорий оҳангарлар икки ҳолатда кенг ёйилади: эрксизлик, ғафлат уйқуси караҳт қилиб қўйган халқни уйготиш истаги фольклорий оҳангарларни қулай восита деб билади; ёзма шеъриятнинг халқдан руҳан узоқлашиб кетганини англаш жараёни фольклорий оҳангарга муҳтоҷлик туяди. 70-80-йиллар ўзбек шеърияти истибоддан эзилган халқимизни ҳушёр торттириш учун фольклорий оҳангга мурожаат қилди. Миллий уйғоқлик сари бошланган курашда фольклорий оҳангарлар таъсири баландлаша бориб, бу ҳол кенг тус олди.

Фольклорга хос оҳангнинг ёзма адабиётга қўчиб ўтиши **фольклорий оҳанг стилизацияси** дейилади. Фольклорий оҳанг стилизацияси тадрижий илдизи мумтоз адабиётимизга бориб тақалса-да, оҳанг кўчувини тадқиқ қилиш XX асрнинг 50-йилларига тўғри келади. Бу ҳодиса айрим адабиётшунослар томонидан қисман талқин қилинди. Жумладан, Э.Рустамов «XV асрнинг 1-ярми ўзбек шеъриятида халқона элементлар» мақоласида Атоий, Саккокий, Лутфий ижодида туюқ бағрида, яъни туркий вазнда ёзилган ғазаллар учрашини таъкидлайди. Бу халқона оҳангнинг ёзма адабиётга қўчуви масаласини тадқиқ қилиш йўлидаги илк уринишлардан бири ҳисобланади.¹ Н.Маллаев ҳам «Халқ шеъриятини эъзозлаб» мақоласида таъкидлашича, Алишер Навоий халқ шеърияти ҳақида қимматли

²³ Сулаймон Тўра. Гулшан. Шеърлар, достон. –Т.: FACH, 1988, 27-бет.

¹ Вопросы узбекской литературы. – Т.: Госиздат, 1959, с. 371-414.

маълумотлар берган. У халқ шеърияти билан ёзма шеърият муносабатларига эътибор бериб, шоирларни халқ ижодидан ўрганишга чақирган. Навоий шеъриятининг мазмуни билан ҳам, бадиий шакли билан ҳам халққа манзур бўлишини, «туркона суруд» каби куйланишини истар эди.¹

О.Носиров Машраб шеърияти ҳақида фикр юрита туриб, фольклорий оҳанг стилизациясига тўхталиб: «Машраб поэзиясидаги фольклоризмнинг яна бир қирраси шундан иборатки, шоир кўпинча ўз шеърлари тўқимасига халқ қўшиқларининг мисраларини, оҳангларини киритиб юборади. Оқибатда шеър бирданига халқ шеъриятига ҳамоҳанг жаранглай бошлайди»,²-дея эътироф этади. Адабиётшунос О.Собиров Ойбекнинг «Бахтигул ва Соғиндиқ» поэмаси таҳлили жараёнида Соғиндиқнинг «севги ўланларига» алоҳида эътибор қаратади. Уларда Ойбек халқ поэзиясининг ритмик равонлиги билан мусиқийлигини қўшган ҳолда дўмбира садоларини барадла янграта олганини таъкидлайди. Бундай эътироф F.Мўминов тадқиқотларида ҳам учрайди. У ёзади: «F.Гулом ва фольклор деганда, унинг шеъриятдаги халқ қўшиқлари билан уйқаш ва оҳангдош бўлган ритм ва қофия системалари ҳақида, қучли эмоционал куй яратувчи қўйма такрорий мисралардаги сўз-образлар ҳақида сўзлаш керак бўлади. У жуда кўп шеърларининг вазнини халқ қўшиқларини хиргойи қилиб туриб топган, уни изчил ва равон давом эттирган. Табиийки, бунда халқ қўшиқлари поэтикасига хос хусусиятлар ҳам шеърий мисраларга сингиб кетган бўлади».³ М.Амилова ҳам F.Гулом «халқ қўшиқларига яқин кўплаб шеърлар яратганини таъкидлаб, «Моҳигул», «Олма отди», «Кимга не келур?», «Мухаррам» каби шеърлари халқ қўшиқлари оҳангидан ёзилганини қайд қиласди⁴. Шунингдек, М.Амилова «ёш шоирлар халқона оҳангларга тез

¹ Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: FACH, 1974, 65-85-бетлар.

² Носиров О., Собиров О. Халқ ижоди хазинаси. – Т.: FACH, 1986, 14-15-бетлар.

³ Мўминов F. Ўзбек совет адабиёти тараққиётида фольклорнинг роли.- Т.: Фан, 1985, 29-бет.

⁴ Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор анъаналари. –Т.: Фан, 1990, 70-бет.

эргашадилар" дейиши билан фольклорий оҳанг стилизацияси юзага келишининг учинчи сабабини очиб берди.

Шоир Омон Матжон эса мухбирнинг ёр-ёрлар, аллалар биздан кейин хам қадрланадими, деган саволига шундай жавоб қайтарган эди. «Менимча, қолади. Бу пасту баланд, тўғрироғи, доира бўйича ривожланувчи табиат диалектикаси тақозосидир. Мана ҳозир шеъриятимизда «қадимий оҳанглар» деган катта-катта туркумлар ижод қилинаяпти»⁵. Бу мулоҳазадан фольклорий оҳанг стилизацияси кўп ижодкорларни эътиборсиз қолдирмаганини англаш қийин эмас.

Шеъриятда оҳанг ўзлашуви фольклорий оҳангларнинг ёзма адабиётга кўчиши, ёзма адабиёт оҳангларининг фольклорга кўчиши тарзида икки қутбга эга. Бу жараён таъсир ва акстаъсир тарзида намоён бўлган.

Ўзбек шеърияти тараққиётига назар солинса, бу жараён тарихи олис ўтмишга бориб тақалади. Фольклорий оҳангнинг таъсири илк бор Яссавий ижодида кўринади. Зеро, арузда ижод қилиб турган ўзбек шоирлари ичida илк бор Яссавий халқ оғзаки ижоди вазнида шеърлар яратди. Фольклорий оҳанг стилизацияси шарофатидан Яссавий шеърлари халққа тез етиб боргани рост. Бармоқ вазни билан бирга фольклорий оҳанг ҳам ўзлашди. Ёзма шеъриятдаги оҳангларнинг фольклорга таъсири арузда битилган халқ қўшиқларида намоён бўлди. Бу ҳақда О.Носиров: «Ўзбек халқ оғзаки поэзияси узоқ асрлар давомида, асосан, бармоқ вазнида яратилди. Лекин шу билан бир қаторда, ўзбек ёзма адабиёти анъаналари таъсирида арузниң айрим шохобчалари халқ поэзиясига ҳам кириб келди ва тарқалди», -деб ёзади.¹

Ҳақиқатан ҳам, Фарғона қўшиқларида машрабона оҳанг сезилса, Хоразм қўшиқларида Оғаҳий оҳанглари жўшиб туради:

Адо бўлдим, адо бўлдим, адо бўлганга йиғларман,

⁵ Матжон О. Дилемнинг рангини гул билса бўлди // Мувозанат. -Т.: Ўзбекистон, 1990, 260-бет.

¹ Носиров О., Собиров О. Халқ ижоди хазинаси. -Т.: FACH, 1980, 79-88 бетлар.

Бироннинг юртига бориб, жудо бўлганга йигларман².

Бу халқ байти ҳазажи мусаммани солимда ёзилган. Энди Машраб байтига эътибор қаратамиз:

Намангандан кетар бўлсам, мени йўқлар кишим борму?

Гариблик шаҳрида ўлсам, мени йўқлар кишим борму?³

Халқ қўшиғида машрабона оҳанг кўриниб турибди. Халқ қўшиғи ҳам, Машраб газали ҳам рамали мусаммани солим вазнида ёзилган. Агар улар ёнма-ён қўйилса оҳанг мутаносиблиги теранроқ хис қилинади. Қолаверса, иккала байт мазмуни-да ўзаро уйқаш: ватандан жудолик дарди куйланган. Халқ Машраб ғазалларини шу даражада чуқур ўзлаштириди, унинг ғазаллари халқ руҳига сингиб, қўшиқларга кўчиб ўтди.

Одатда фольклорий оҳанг стилизацияси икки йўл билан ҳосил қилинади: 1.Билвосита юзага келган фольклорий оҳанг стилизацияси. 2.Бевосита юзага келган фольклорий оҳанг стилизацияси.

Билвосита юзага келган фольклорий оҳанг стилизацияси тазмин боғлаш ёки жанр стилизацияси жараёнида юзага келади. Шоир халқнинг бирор асарига тазмин боғлар экан, ундаги оҳангни ҳам стилизация қиласди.

Шоирлар **халқ достони** ва **халқ қўшиғи** оҳангини стилизация қилиши мумкин. 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида қўпинча «Алномиш», «Гўрўғли» каби достонларга мурожаат қилинди. Бу йилларда шеърият эрк йўлида кураш бошлаган ва буни халққа етказиш йўлларини ахтараётган эди. Ҳали қарамлик исканжасида бўлгани боис эрк учун кураш йўлида Алномиш, Гўрўғли, Бойчибор, Фирот каби образларни ёрдамга чақирди. Халқ достонлари оҳанглари халқнинг қалб-қалбига сингиб кетгани боис бу оҳанглардан фойдаланиш мақсадга етишни осонлаштиради. Шоир достондан байт ёки сатр келтириб, уни давом эттиради. Оқибатда фольклорий оҳанг стилизацияси билвосита юзага келади.

² Гулёр. ЎҲИ. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967, 14-бет.

³ Машраб Бобораҳим. Мехрибоним қайдасан?. -Т.: FACH,1990, 213-бет.

Халқ қўшиқлари оҳангларида шоирлар гоҳ хиёнатни қораласалар, гоҳ садоқатни улуғладилар. Оқибат халқона оҳанглар ёрдами руҳий кўтаринкилик беришига ишониб, халқнинг машхур қўшиқларига тазмин боғлаш орқали дардларини ошкор қилдилар.

Халқ достонлари оҳангларини ўзлаштирган ўнлаб шеърлар шеърхонга тақдим қилинди:

Курру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти,
Оқ тўшим-яйловинг, сочим шипиртки.¹

Зебо Мирзаеванинг «Бойчибор ҳақида қўшиқ» шеъри «Алпомиш достонидан олинган шу мисралар билан бошланган. Маълумки, Бойчибор пойгода ютқизиб қўядигандай туюлганда Барчин унга мурожаат қилиб ёлворган. Барчиннинг бу ёлвориши юқоридаги сатрлар билан бошланади. Шоира шеъри учун бу сатрлар – либос. Шеърда 80-йилларгача халқимиз тақдирида юз берган фожиалар Барчин тилидан куйланади. Шеър мазмунида Барчин умрининг асосий қисми воқеалари либос қилиб олингану, либос ичида шоира дардлари, халқ қисматига куйинишлари жо қилинган. Куйлаш жараёнида шоира гоҳ «Алпомиш оҳангларига» эргашса, гоҳ халқона оҳангларни қалб оҳанглари билан синтезлаштиради:

Алпим, қиронларда қийилган алпим,
Юрtingни на шоҳ, на султон талади.
На элнинг, на тилнинг фарқига борган
Қулларинг талади, Ултон талади.²

Йўлдош Эшбекнинг «Ўзбекнинг оти» шеърида эса «Алпомиш» достони оҳанглари тўлиқ стилизация қилинган. Фақат достондаги бу парча 4, 5, 8 мисрали бандлардан иборат бўлса, шеърда 4 мисрали банддан фойдаланилган. Айни чоқда, достонда ҳар банд охирида «Ўзбекнинг оти» бирикмаси айнан сақланиб, мисранинг қолган қисми ўзгарган, шеърдаги

¹ Алпомиш. Халқ достони. -Т.: Ўқитувчи, 1987, 122-бет.

² Мирзаева З. Тун маликаси. -Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, -бет.

барча бандларда тўртинчи сатр бир хилдир. Достонда «Асл тулпор экан ўзбекнинг оти», «Бўшалса, ўзади ўзбекнинг оти», «Авайлаб ўзади ўзбекнинг оти» сатрлари ўрнига факат «Бўшалса, ўзади ўзбекнинг оти» сатри қўлланилган. Шу тафовутлар достон ва шеър орасидаги оҳанг айнанлигига рахна солади. Халқ достонида бу мисра қалмоқ синчисининг Бойчиборга берган таърифининг кульминацияси бўлса, шеърда Бойчибор орқали халқ дарди, қарамлик изтироблари, хурликнинг эса яқинлиги ифодаланган.

Кил арқонлар ботар оёқларига,
Катта кўзларида элнинг фарёди.
Душманлар киради туёқларига,
Бўшалса, ўзади ўзбекнинг оти¹.

Достонда Бойчиборнинг оёқларига гулмихлар кирса, шеърда «душманлар киради». Шуни таъкидлаш лозимки, бундай шеърларда стилизациянинг бир неча тури синтезлашиб келади. Юқоридаги шеърда мотив, образ, оҳанг стилизацияси ўзаро вобаста бўлиб келган.

Умуман, 70-80 йиллардаги ўзбек шеъриятида «Алпомиш», «Гўрўғли», баъзан «Ёзи билан Зебо» каби халқ достонлари оҳангларини стилизация қилиш устиворлиги сезилди. Бунинг сабабини мазкур достонларда ўзаро келишмовчилик туфайли эркидан айрилган Бойсари, бўлинган миллат фожиаси, душманга қарши кураш ғоялари устиворлиги билан изоҳлаш мумкин. Халқ қўшиқларига тазмин боғлаш туфайли юзага келган оҳанг стилизацияси ҳам бу даврда кенг ёйилди. Чунончи, Миразиз Аъзамнинг

Мехрим тушди сўзингга,
Айтолмайман юзингга.
Тилим қисиқ айтишга,

¹ Йўлдош Эшбек. Бўшалса, ўзади ўзбекнинг оти // «Ёшлиқ», 1990, 9-сон, 3-бет.

² Миразиз Аъзам. Ҳакиқатнинг кўзлари. -Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,

³ Мирзаева З. Ўша китоб, 14-бет.

Инсоф берсин ўзингга,² - сатрлари халқнинг «Нима - нима дейсиз?» қўшиғига тазмин бўлса, Муҳаммад Юсуфнинг «Қўшиқ» шеъри халқнинг «Олма пишганда келинг», «Нима-нима дейсиз?» қўшиқларига боғланган тазминлар намуналаридир. Салим Ашурнинг «Хоразмча шеър», Шукур Содиқнинг «Қалдирғоч қаро бўлур» шеърлари ҳам халқ қўшиқларига боғланган чиройли тазминлар бўлиб, улар фольклорий оҳангларни ёзма шеъриятимизга кўчирди. Зебо Мирзаеванинг «Халқ қўшиқларига мухаммаслар» шеъри фольклордан фойдаланишнинг яна бир ўзига хос кўриниши сифатида айрича эътирофга муносиб:

Оҳ ураман, оҳ ураман,
Оҳларим тутсин, ёр,
Кўз ёшим дарё бўлиб,
Оҳулари ютсин, ёр
Қошу киприк аросига
Битта дийдор сиғмаса,
Икки дунё қаросига
Соғинчларим бўлсин дор³.

Шоира халқ қўшиғига тазмин боғлаш асосида оҳанг стилизациясини юзага келтирган. Халқда шундай қарғиш бор: «(сувда) чўкиб ўл!» Халқнинг ўзи шу қарғишини қўшиғига киритган. Шоира халқнинг шу қарғишини айнан келтириш асосида аналитик фольклоризмни юзага келтирган. «Соғинчларим дор бўлсин» сатри билан эса, қарғиш услубида янги қарғиши яратган, демакки, қарғиш жанрини, стилизация қилган. Кўринадики, шеърнинг халқона оҳангি жанр стилизацияси ва аналитик фольклоризм, демакки, икки хил фольклоризмнинг уйғунлашуви асосида жило топган.

Мумтоз шеъриятда тазмин боғлаш қатъий қоидаларга эга: унга кўра олинган мисра ёки байт вазни, қофияси, радифи мукаммал сақланмоғи

лозим. Аммо халқ қўшиқларига боғланган тазминларда аксар ҳолларда бу қоидаларга амал қилинмайди. Эшқобил Шукурнинг «Сунбула» шеъри халқ қўшиғига боғланган тазминдир. Аммо унда халқнинг:

Сунбула-ё сунбула,
Ўраб олай гул билан.

Менинг кўнглим сиз билан-ой,
Сиз кетасиз ким билан¹, - сатрлари нақарот вазифасида
бир неча бор такрорланган. Шоир сатрларида эса халқона оҳанг, қофия, вазн
сақланмаган. Бу камчилик эмас, шоир кайфияти, шоир услубидаги ўзига
хослик, холос. Оҳанг стилизацияси айрим лирик жанрлар стилизацияси
ёрдамида ҳам юзага келиши мумкин. Алла, ёр-ёр ва йиғи стилизацияси кўп
ҳолларда оҳанг стилизациясини ҳам ҳосил қиласди. Чунки бу жанрларни
стилизация қилишда оҳанг муҳим омиллардан бири саналади. Демак, алла,
ёр-ёр, йиғи стилизацияси оҳанг стилизацияси ёрдамисиз кемтик бўлиб
қолади.

Самандар Воҳидовнинг «Андух» достони таркибидаги йиғи
стилизацияси халқ йиғиларидағи оҳангни ёдга солади.

Куйлакчалар тиккан эдим,
Чирийдими бўғчада, болам-ей, во болам.

Боланг эмас, нолам энди.

Изгийдими кўчада, болам-ей, во болам².

Шеърдаги халқона оҳангни йиғига хос «болам-ей, во болам» -
анъанавий радифи таъминлаган. Шунингдек, адабий алла ва адабий ёр-
ёрларда ҳам оҳанг стилизациясини юзага келтирувчи етакчи омил анъанавий
радиф саналади.

Бугун фольклор образлари, мотивлари, жанрлари, оҳанглари
ижодкорлар ижодида ўзига хос тарзда «тирилаётгани» рост. Қадимий

¹ Шукур Эшқобил. Ҳамал айвони.- Т.: Шарқ, 2003.

² Воҳидов Самандар. Кўнглимда олам суврати, Бухоро, 2003.

оҳангларнинг ёзма шеърият бағрида қайта таракалаётгани Чўлпон, Ҳамза, Ғ.Ғулом, Миртемирлар ижоди мисолида аён бўлганди. Жумладан, Ҳамза XX аср бошларидаёқ ўз шеърларида халқ қўшиқлари оҳангини сақлаб, матнини ўзгартиради. Шеърлар қайси қўшиқлар оҳангидаги ёзилганини шоир ёзиган қолдирган. Айтайлик, «Жонларни жонони Ватан» шеъри «Хўқондда марсия эдарақ айтилмиш ашуланинг оҳангидаги ёзилган. Ҳамза «марсия» дегани асли йўқлов бўлиб, халқ оғзаки ижодига мансубдир:

Қамчинбегим ув дедиё, бир пиёла сув дедиё,
Дор тагига олиб борганда ичмай туриб «хув» дедиё³.

Ҳамза шу йўқлов оҳангини вазнни сақлаш йўли билан ўзлаштириб, Ватан ҳақида чиройли шеър яратди. Шеърни театрларда хор тарзида айтиш мумкинлигини таъкидлади. Шу боис қуйидаги мисраларни ҳар байтдан сўнг нақарот каби келтирди:

Бир жон эмас, эй суйгули, томирларинг қони, Ватан,
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони, Ватан.

Ҳамза тазмин боғламайди. Аммо яратадиган шеърлари қайси халқ қуйига мос келишини ёзиган қолдирган. Бу халқ қўшиқлари оҳангини ўзлаштирганини исботловчи рад этиб бўлмас далилдир. Фольклоризм халқ йўқлови бармоқ вазнининг 16 ҳижоли қўшма вазнида ёзилган бўлиб, 8:8 туроқдан ташкил топган «Жонларни жонони, Ватан» шеъри ҳам шундай вазн ва туроқда битилган. Шеърдаги оҳангни юзага келтирувчи асосий воситалар вазн ва туроқdir. Агар халқ шеъри ва Ҳамза шеърининг вазни бир хил бўлса-ю, туроғи икки хил бўлганида бир хил оҳанг юзага келмасди.

Ҳамза халқ қўшиқлари матнини алмаштириди. Қўшиқларнинг куйлари асрлар синовидан ўтган, боқий куйлар эди. Аммо матнлар халқ маънавиятини юксалтирадиган, руҳини тарбиялайдиган шеърлардан ташкил топмаганди. Ҳамза ана шу кемтикликни тўлдирди. Халқ қўшиқларини

³ Ниёзий Ҳамза Ҳакимзода. Асалар – том. -Т.,1989.

ғоявий-бадиий жиҳатдан юксалтириш билан бир қаторда бой ва ранг-баранг фольклор оҳангларини ёзма адабиётда муҳрлади.

XX асрнинг 20-30-йиллари адабиёт эрк учун курашни акс эттирган эди ва бу кураш жараёнида халқона оҳанг муҳим роль ўйнаганди. Вақтинча куч билан тўхтатилган эрк учун кураш жараёни 70-80-йилларда бошқача шаклда яна такрорланди ва халқона оҳанг яна ёрдамга келди. Бу даврга келиб «Халқ йўлида», «Қадимий оҳангларда», «Халқ оҳангларида» тарзида кўплаб шеърлар яратилди. Усмон Қўчқорнинг «Узатилган қиз қўшифи», Мухаммад Раҳмоннинг «Халқ оҳангларида», Йўлдош Эшбекнинг «Қадим оҳангларда», Яҳё Тоғанинг «Халқ оҳангларида», Шукур Курбоннинг «Балиқчининг йўллари»да (Қадимги оҳангларда), Эшқобил Шукурнинг «Халқ оҳангларида» каби ўнлаб шеърлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бевосита юзага келадиган фольклорий оҳанг стилизацияси ҳақида фикр юритиш бир мунча мушкул. Негаки, фольклорий оҳанг манбаи аниқ бўлмаса, уни ҳис қилиш мумкину, аммо изоҳлаш осон эмас. Ўйноқи ёки мунгли оҳангни халқ шеъриятида вазн, сўз такори, товуш такори, турли шева унсурлари, эпик образлар, фольклорий рух каби бир қатор воситалар юзага келтирас экан, ёзма шеърият улардан фойдаланса, фольклорий оҳанг бевосита, тўғридан-тўғри стилизация қилинади:

Гула кел, гул, гула кел,
Сир айтиб булбула кел.

Арзанг тинчимди бузди,
Конгулга ғулғула, кел.

Жўналиш ва тушум келишиги қўшимчаларини шеванинг ўғуз лаҳжасидаги каби қўллаш, «аризанг» сўзида “и” товушини тушириб талаффуз қилиш орқали фольклорий оҳанг юзага келтирилган.

Халқ оғзаки ижодида қўшиқ мисралари охирида маълум товушни такрорлаш орқали ўзига хос оҳанг пайдо қилиш усули бор:

Дарёдан оқиб келган оқ дастам-о,

Хеч воқеани билмаган ҳұмдастам-о.
Хеч воқеа билмайди деб армон қилиб,
Күча-күй кезиб келган саргаштам-о.¹

Бейхтиёр Яссавий шеъриятидаги оғанғ стилизацияси қулоғингиз остида жаранглаб қолади:

Во дариғо, нечук қилғум ғариблиғда,
Ғариблик ғурбат ичра қолдим мано.²

О.Хожиеванинг «Ёр енгина гул кашта» сатри билан бошланувчи шеърида халқона мотив билан фольклорий оғанғ ўзаро уйғунлашған. Бунда оғанғ стилизацияси учун «о» товуши такори мұхим ўрин тутған:

Ёр енгина гул кашта
Бўлсаммикан-о!
Билар узукларин рашки
Келсамикан-о!³

Агар шеърдаги «енгина» сўзида жўналиш келишиги қўшимчаси – «га» тарзида, «билар узукларин» сўзидаги «р» товуши ўрнига «г» ёки «к» қўлланганда, эҳтимол, фольклорий оғанғ кемтик бўларди.

Қирқ кеча-ю қирқ кундуз
Ишон, бошимда юлдуз.
Юрагимда йиғлар сўз,⁴- мисраларида «қ», «к», «ю», «з» товушлари такори фольклорий оғанғ стилизациясини юзага келтирған. Замонавий шеъриятимизда оғанғ стилизацияси учун сўз ёки товуш такори, айни чоқда унли товушларни чўзиш ёки ундош товушларни иккидан ортиқ такрорлаш орқали фольклор оғангига монанд оғанғни ҳосил килған. Рустам

¹ Оқ олма, Қизил олма. ЎҲИ. –Т.: FACH., 1972, 147-бет.

² Яссавий Ахмад. Ҳикматлар.-Т.,

³ Ҳожиева О. Тамал тоши. –Т.: FACH, 1988, 68-бет.

4. Ахмедова Х. Тунги марварид гуллар. –Т.: FACH, 1988, 43-бет.

Мусурмон, Эшқобил Шукурлар ўз ижодида фольклорий оҳанг стилизациясининг янгича кўринишини намоён этди.

Куй барҳаёт, мусиқа мангу,
Мен – най нафас олаётган ҳаво:
И-фу-у-ув, жа-қа-ла-аа..
И-фу-у-ув, жа-қа-ла-аа..
И-фу-у-ув, жа-қа-ла-аа! ⁵

Халқ қўшиқларида луғавий маъно ифодаламайдиган шундай сўз такрорлари тез-тез учраб туради. Улар кўпинча қарсак жўрлигида ижро қилинадиган халқ қўшиқлари таркибида учраб, қарсак миқдори ва рақс харакатини белгилаш учун омил вазифасини ўтайди ҳамда қўшиққа бетакрор мусиқий оҳанг бағишлийди. 70-80-йиллар шеъриятида айrim қўшиқнавис шоирлар ана шу фольклорий оҳанг стилизациясидан кенг фойдаланганликлари кузатилади:

Аҳай-аҳа-ҳай, Аҳай-аҳа-ҳай,
Мен кўзларнинг сўзларида кўринай,
Мен сўзларнинг кўзларида кўринай.

Шоир бирданига сўз такрори, тарсеъ, мувозана, тарду акс санъатларини қўллаб, фольклорий оҳанг стилизациясининг ўзига хос намунасини яратган. Шунингдек, Эшқобил Шукурнинг «Шоли қўриқчиси», «Рұхим», «Менгим Момонинг йўқлови», «Зўраки қаҳқаҳа», «Сотқинлик», «Соғин», «Бефарзанд аёл», Рустам Мусурмоннинг «Тўлғоқ», «Гул экурман жаҳоона», «Овутиш», «Қўриқчи», «Рұхимнинг довуши» каби шеърларида ҳам шу ҳолат кузатилади. Хусусан, Рустам Мусурмон фольклорий оҳанг стилизациясининг такрорланмас кўринишларини юзага келтира олган. У баъзан товуш иккилантиришлари орқали сўз ўйини қиласиди. Шоир «Тўлғоқ» шеърида ичидан тошиб келаётган ҳаволарга мурожаат қилиб, ўз кайфиятини ифодалайди. Бунда у Момо Ҳавонинг эркак чап қобирғасидан яралгани,

⁵ Рустам Мусурмон. Рұхимнинг товуши. –Т.: Камалак, 1995, 19-бет.

Одамни шайтон тузогига илинтириб бергани мотивидан фойдаланиб, шеърдаги поэтик фикр оҳангдорлигини таъминлайди. Агар Ҳаво сўзида товушлар иккилантирилмаса, бу мотив англашилмай қолармиди?

О, ҳаволар,

Ҳав-воо-ларр!

Чап қобирғам остида қизиб кетган ҳавоолар.

Ичимдан бир нимани узиб кетган ҳавоолар¹.

Шуниси борки, «Халқ оҳангидা» деб сарлавҳа остида таъкидлаш ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермаган. Инчунин, Омон Мухторнинг «Ҳаёт (Халқ оҳангидা)» шеърида халқ орасидаги «Эчки подани жарга элтади» қабилидаги фикр ифодаланган фольклор мотиви, яъни мотив стилизацияси бору, аммо унда фольклор оҳангиди:

Ҳаётни ўрганай деб қўз тикиб ерга,

Баъзан дуч келасан қизиқ гапларга.

Гоҳида подани бошқарган серка

Бошлаб кетар экан

Подани жарга.²

Бундай нуқсонлар баъзан учраб туради, лекин 70-80-йилларда кенг тарқалган фольклорий оҳанг стилизацияси ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. У 70-80-йиллар ўзбек шеъриятини безар экан, аввало, фольклор ва ёзма шеърият оҳанглари ўзаро қоришиб, такрорланмас, дилтортар оҳанглар туғилди. Ёзма ижод халқ оғзаки ижодидаги оҳангларни бағрида сақлаб қолиш билан ўз халқчиллигини ва умри боқийлигини таъминлайди. Фольклорий оҳанг стилизацияси ёзма шеъриятнинг халқ юрагига тезроқ этиб боришини таъминловчи омиллардан бири бўлиб қолаверади. Эл дарди халқона оҳанглар ёрдамида айтилса, қалбга тез этиб боради, таъсирчанлиги,

¹ Мусурмон Р. Ўша манба, 15-бет.

² Омон Мухтор. Шиддат.- Т.: FACH, 1990, 46-бет.

жозибаси ортади. Фольклорни билган, миллийликни, халқчилликни севган хар бир шоир фольклорий оханг стилизациясига, албатта, мурожаат қиласи.

Ишнинг учинчи бобида кўриб чиқилган масалалар асосида қўйидаги хулосани илгари суриш мумкин:

1. Фольклор асари услубида янгидан яратилган асар стилизацион фольклоризм намунаси ҳисобланади. Улар мураккаб фольклоризмларнинг кенг тарқалган кўринишларидан биридир. Стилизацион фольклоризмлар асар воқелиги баёнида етакчи ўрин тутади. Унда муаллиф ҳикоячи сифатида кўзга ташланади. Стилизацион фольклоризмларнинг а) прогрессив стилизация ва б) регрессив стилизация каби икки хил кўриниши мавжуд бўлиб, улар ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиласи. Фольклор мотивларига ижодкор эркин ёндашиб, уни тўлиқ қайта ишласа, прогрессив стилизация юзага келади. Фольклор материалиининг шакли кенгайтирилиб, унинг ғояси айнан берилса, ижодкор унга ўз ғояларини сингдирмаса, регрессив стилизация келиб чиқади.

2. Стилизацион фольклоризмлар фольклор жанрлари (достон, эртак, афсона, ривоят, қўшиқ, йиғи-йўқлов, алла кабилар)нинг асосий мотивлари ва бадиий шаклини, ифода услубини ҳамда уларга алоқадор юксак ғоявий мотивларни, анъанавий эпик образларни, кўтаринки охангни ижодий ўзлаштириш натижасида юзага келиши боис жанр стилизацияси, мотив стилизацияси, образ стилизацияси, оханг стилизацияси каби турларга бўлинади.

3. 70-80-йиллар шеъриятида мақол, бахшиёна-достон, марсия, адабий ёр-ёр, адабий алла, адабий терма, адабий ўлан каби оралиқ жанрлар учрайди. Давр шеъриятида у ёки бу фольклор жанрининг табиатидан эмас, факат номидан фойдаланиш ҳолати ҳам кузатилади. Жанр стилизацияси жараёнида ижодкор фольклор материалига ишлов бериш жараёнида фольклорга хос жанрнинг композицион хусусиятлари билан бирга унга хос анъанавий мотивлар силсиласи ва баён услубини сақлаб қолишга интилиши сезилади.

4. Давр шеъриятида мотив стилизацияси шўро мафкураси тазиқи остида турган адабиётимизга исёнкор фикрларни ифодалаш имконини берди. Ижодкор ифодаламоқчи бўлган фикрнинг яширин рамзий усулда қизиқарли ва жозибали чиқишини таъминлади. Халқ орасида мавжуд мотивларнинг йўқолиб кетиш хавфини камайтирди. Ўқувчидаги мотив олинган асл манба билан танишиш иштиёқини туғдирди.

5. 70-80-йиллар шеъриятида эпик образлар, рамзий образлар, мифологик образлар, драматик тур жанрлари образлари стилизацияси кўпроқ учрайди. Фольклор образларининг ёзма адабиёт томонидан ўзлаштирилиши ижодкор фикрининг чуқурроқ англашилиши, асарнинг жозибали бўлиши учун хизмат қилди. Давр шеъриятида кўпинча фольклордаги эпик қаҳрамонларнинг номини талмех сифатида келтириш орқали етакчи ғояни очиб беришга уриниш кучлилиги сезилади.

6. 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида, асосан, фольклор ва ёзма шеърият оҳанглари ўзаро қоришиб кетганлиги кузатилади. Чунки фольклорий оҳанг стилизацияси ёзма шеъриятнинг мазмунини, ундаги халқ дардини, ўй-кечинмалари ва орзу-истакларини халқ юрагига тезроқ етиб боришини осонлаштирди. Бунинг учун аллитерация, анафора, тарсеъ, такрир, нақарот каби оҳандошлиқ яратувчи қулай халқона бадиий ифода воситаларидан унумли фойдаланилди.

Х У Л О С А

Фольклор асарларига хос сюжет мотивлари ва образларнинг, бадиий шакл типлари ва оҳангнинг ёзма адабиётда қўлланилиши фольклоризм ҳодисаси сифатида эътироф этилади. Фольклоризмлар ҳам бадиий, ҳам публицистик асарлар таркибида учрайди.

Фольклоризмлар фольклоршуносликнинг эмас, адабиётшуносликнинг обьекти ҳисобланади. Чунки фольклоризмлар якка ижодкорнинг ижод маҳсули сифатида намоён бўлиб, унинг бадиий маҳоратини ва услубини ўзида ифода этади.

Ҳамма замонларда бўлгани каби XX асрнинг 70-80-йилларидағи ўзбек шеъриятининг ривожланишига ҳам фольклор ўзига хос туртки берган. Бу давр шоирлари ўзларигача орттирилган бадиий ижод тажрибаларига таяниб, фольклорни ижодий ўзлаштириш негизида ҳар томонлама бадиий баркамол асарлар яратишга эришганлар ва шу тариқа ўз асарларининг ҳалқчиллигини ва ҳаққонийлигини таъминлашга уринганлар. Бу давр шеъриятида фольклор ва ёзма адабиётга хос бадиий шакл типларининг хусусиятлари ўзаро синтезлашиши орқали янги пайдо бўлган оралиқ шакллар (эртак-драма, эртак-қисса, эртак-роман, эртак-опера)ларнинг жуда кўп бетакрор намуналари яратилди.

Ҳалқ асарларининг содда қурилиши, равон тили, юксак инсоний ғоялар билан сугорилган бўлиши, замон талабларига ҳозиржавоблиги улардан нусха кўчиришга, фольклоризмлар яратишга асос бўлган омиллардир.

70-80-йиллар ўзбек шеърияти ривожида фольклоризмларнинг ўрни ва аҳамияти алоҳида сезилиб туради. Бу давр шоирлари ўз эстетик идеалини бойитишда фольклор анъаналаридан муҳим манба сифатида ижодий фойдаланишган. Бу давр шеъриятида қўлланган фольклоризмлар мантиқан шоирларнинг замона ва кишилар табиатида юз берган кескин ўзгаришлар хақидаги поэтик хуносаларини ифодалашига хизмат қилдирилган.

Миллат уйғониб ўзлигини англай бошлаган чоғида туғилган шеърият тарих қатларида яширин сахифаларни очиб беришга, фольклор ва мумтоз адабиёт илдизлари билан туташишга интилади. XX асрнинг 20-30 –йилларида бошланган бу жараён 70-йилларгача куч билан тўхтатилди. Нихоят, 70-80-йиллар ижодкорлари 20-30-йиллардаги миллий уйғонишни фольклорга хос анъаналарга таяниб, рамзий қўринишда бадиий ифодалашга журъат топди. Оқибатда бу давр шеърияти ҳар жиҳатдан юксалишга, тозаришга юз тутди. Бу йўлда халқ оғзаки ижоди унга муҳим таянч бўлди.

70-80-йиллар ўзбек шеъриятида ижодкорлар фольклоризмлардан фойдаланаар экан, бадиий ниятини миллий муносабатларнинг юзакилиги, халқнинг миллий қадриятлари топталиб, эрк ва ҳуқуқлари поймол этилаётганлиги туфайли кишилар қалбида норозилик, исён кучайиб бораётганлигини кўрсатишга қаратди. Аммо тоталитар тузум таъқибидан чўчиган, қатағонлик даврининг оғир қисматларидан воқиф бўлган ижодкорлар бу йўлда ўз ижодий салоҳияти ва иқтидоридан келиб чиқиб, фикрини фольклорга хос усуlda, яширин рамзийлик асосида талқин қилиш учун фольклор жанрлари ва мотивлари, образлари ва оҳангларини ижодий қайта ишлаб, ўз фикрини бадиий талқин қилишга уриндилар. Бунда шоирларнинг индивидуал маҳорати намоён бўлиши билан бир қаторда давр муаммоларини ифодалашда уларнинг гоявий яқинлиги ҳамда давр шеъриятининг эстетик қонуниятларига бўйсунишидаги бирдамлиги натижасида муайян бадиий мезонлар шаклланди. Бу мезонлар бевосита давр

шеъриятининг ғоявий-бадиий тадрижини, тараққиёт йўналишини белгилаб берди.

70-80-йиллар шеъриятидаги фольклоризмлар шу давр кишисининг тақдирни билан боғлиқ муаммоларни, унинг реал ҳаётини, турмуш тарзини, кайфияти ва орзу-интилишларини тараннум этишга ёрдам берди. Шу орқали давр шеъриятининг ижтимоий мазмуни кучайди. Унда чукур мазмунли фикрлар содда ва сиқиқ шаклларда ифодалана бошланди. Шундай қилиб, давр кишисининг характерини яратишида, персонажлар тилини индивидуаллаштиришида, миллий колоритни очиб беришида, ўлка пейзажини тасвирлашда, асар халқчиллигини оширишида фольклоризмлар жуда қўл кела бошлади.

Давр шоирларининг ижодий изланишларида Ҳамза, Чўлпон, Миртемир, Ҳамид Олимжон каби маҳоратли ижодкорларнинг фольклорга муносабат борасида эришган бой ижодий тажрибаси катта мактаб бўлди. Бундай изланишлар туфайли 70-80-йиллар шеъритида рамзийлик, мажозийлик янада кучайди. Фольклоризмлар ёрдамида давр шеъритида халқчил реалистик йўналиш камол топтирилди. Бу борада устоз шоирларнинг ижодий анъаналари сидқидилдан давом эттирилди. Фақат давр шоирларининг баъзилари ижодида лирик тасвир билан публицистик баённинг ўзаро омухталашгани кузатила бошланди.

Фольклоризм ёзма адабиёт пайдо бўлиши билан юзага келган қадимий ҳодисадир. Ҳар бир давр ижодкори фольклор материалидан ўз даврининг долзарб муаммоларини очиб беришида, замонавий рухни ёритишида, таъсирчанликни ва халқчилликни оширишида кенг фойдаланади.

Ўзбек адабиёти намуналарида фольклоризмнинг мумтоз ва замонавий фольклоризм, бадиий фольклоризм, публицистик фольклоризм, оддий фольклоризм ва мураккаб фольклоризм, услубий – нутқий фольклоризм, композицион фольклоризм, ижтимоий – этнографик фольклоризм каби турлари кенг учрайди ва уларнинг ҳар бири ўзига хос эстетик-бадиий вазифаларга эга

бўлиб, ўзида фольклор ва адабиёт муносабатларининг бадиий тадрижини ҳамда ҳар бир давр шеърияти учун хос хоссаларни акс эттиради. Хусусан, 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида оддий ва мураккаб фольклоризмлар алоҳида ўрин тутади ва мазмунан ҳамда шаклан ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Шунингдек, давр шеъриятида мураккаб фольклоризмнинг аналитик, синтезлашган, стилизация характеридаги кўринишлари кенг тарқалган.

70-80-йиллар ўзбек шеъриятида олқиши қарғиши аналитик фольклоризм сифатида жуда қўп учрайди. Давр шеъриятида олқишилар фольклордагидан фарқли ўлароқ рамзий йўналишда, нафақат инсонга, балки эгасига қадрдон бўлиб қолган жонсиз нарсаларга, табиат ҳодисаларига ҳам қаратиб айтилган. 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида а) мустабидларга қаратилган қарғиши; б) Ватан хоинларига қаратилган қарғиши; в) хиёнаткор ёрга ёмонлик тиловчи қарғишилар; г) рамзий қарғишилар алоҳида ўрин тутади.

Синтезлашган фольклоризм фольклор материалиининг адабий асар сюжетига сингиб кетиб, ажратиб бўлмас даражага келишидан хосил бўлади ва ижодкорлардан фольклор жанрларининг етакчи хусусиятларини, уларнинг поэтик имкониятларини эътиборга олишни, фольклор асарларидаги етакчи ғояларни давр руҳи билан боғлашни тақозо этади.

Стилизацион фольклоризмлар фольклор жанрлари (достон, эртак, афсона, ривоят, қўшиқ, йиғи-йўқлов, алла қабилар)нинг асосий мотивлари ва бадиий шаклини, ифода услубини ҳамда уларга алоқадор юксак ғоявий мотивларни, анъанавий эпик образларни, кўтаринки оҳангни ижодий ўзлаштириш натижасида юзага келади.

Давр шеъриятида мотив стилизацияси шўро мафкураси тазиики остида турган адабиётимизга исёнкор фикрларни ифодалаш имконини берди. Ижодкор ифодаламоқчи бўлган фикрнинг яширин рамзий усулда қизиқарли ва жозибали чиқишини таъминлади. Унда эпик образлар, рамзий образлар, мифологик образлар стилизацияси кўпроқ учраши, фольклор ва ёзма шеърият оҳанглари ўзаро қоришиб кетганлиги кузатилади.

Хуллас, 70-80-йиллар шеъриятининг ривожида фольклоризмлар ката таъсир қўрсатди. Улар орқали давр шоирларининг санъаткорлигига хос муҳим кирраларни, услуг хилма-хиллигини аниқлаш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
3. Абдикулов Т. Болалар поэмачилиги ва ҳалқ оғзаки ижоди. - ЎТА, 1975, 5-сон, 29-34-бетлар.
4. Абдуллаева Ш. Ҳалқ ижодиётининг ёзма адабиётга таъсири масаласига доир.- Низомий номидаги ТДПИ. Илмий асарлар. 36-т. ЙУ китоб. –Т., 1962.
5. Абдуқодиров А. Жанговар шеърият ва фольклор анъаналари // ЎТА, 1979, 5-сон, 46-49-бетлар.
6. Агрба В.Б. Абхазская поэзия и устное народное творчество. – Тбилиси, 1970.
7. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. – Т.: “Фан”, 1992. Б.154.
8. Азадовский М.К. Статьи о литературе и фольклоре. М.-Л.: Гослитиздат, 1960.- С.547.
9. Азадовский М.К. История русской фольклористики. Том II.- М.: Учпедгиз, 1963. - 363 с.
10. Азбелов С.Н. О специфике творческого процесса в фольклоре литературе // Русский фольклор. Том XIX. -Л., 1979, с.157-167.
11. Азим Суюн. Олис тонглар. - Т.: «Ёш гвардия», 1989.- Б. 96.
12. Азимов Сарвар. Ҳамид Олимжон абадияти. –Т.: FACH, 1967, 135-147-бетлар.
13. Алавия М. Ўзбек ҳалқ қўшиқлари. –Т.: Ўз ФА нашриёти, 1959. –Б. 316.
14. Алла-ё алла. Тўплаб, нашрга тайёрловчи О.Сафаров. Т.: «Ўқитувчи», 1999.- Б. 145-147.
15. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. Муқаммал асарлар тўплами. 7-жилд. – Т.: Фан, 1991.
16. Алпомиш. Ҳалқ достони. – Т.: «Ўқитувчи», 1987.
17. Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор анъаналари. - Т.: “Фан”, 1990.- Б. 124.

18. Асқаров С. Йигирманчи йиллар ўзбек совет поэзиясида фольклор анъаналари. КДА. –Т., 1966.
19. Асқаров С. “Майсаранинг иши” комедиясида фольклор мотивлари // Ўзбек халқ ижоди. Тўплам.- Т., 1967, 144-150-бетлар.
20. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Ўзбек адабиёти бўстони. –Т.: FACH, 1994.- 256 б.
21. Аҳмедова Ҳ. Тунги марваридгуллар. – Т.: FACH, 1988.
22. Бобораҳим Машраб. Мехрибоним қайдасан? – Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990, 213-бет.
23. Бобур. Девон. –Т.: «Фан», 1994, 17-бет.
24. Бойчечак. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Болалар фольклори ва меҳнат қўшиқлари. Тўплаб, нашрга таёровчилар О.Сафаров ва К.Имомов. Т.: FACH, 1984.-Б. 336.
25. Болтабоев Ҳ. Шартлилик табиати ҳақида. - ЎТА, 1981, 5-сон, -бет.
26. Благой Д. Мастерство Пушкина. - М., «Советский писатель», 1955.
27. Бўзлардан учган газал-ай. Ўзбек халқ йигилари ва йўқловлари. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар О.Сафаров, Д.Ўраева. Бухоро: «Бухоро», 2004. – Б. 125.
28. Введенский А.А. Пословицы и поговорки в публицистике советских писателей. Изд-во Ростовского университета, 1960.
29. Виноградов В.В. Сюжет и стиль. - М.: Изд-во АН СССР, 1963.
30. Вопросы узбекской литературы. – Т.: Госиздат, 1959, с. 371-414.
31. Воҳидов Самандар. Кўнглимда олам суврати. - Бухоро, 2003.
32. Воҳидов Эркин. Садоқатнома. - Т.: FACH, 1986., 2003.
33. Выходцев П.С. Русская советская поэзия и народное творчество. - Л., 1963.
34. Выходцев П.С. Новаторство. Традиции. Мастерство. – Л.: «Наука», 1973.
35. Выходцев П.С. На стихе двух художественных культур (Проблема фольклоризма в литературе) // Русский фольклор. Том XIX. -Л., 1979, с.3-31.
36. Горелов А.А. К истолкованию понятия “фольклоризм литературы” // Русский фольклор. Том XIX.- Л., 1979, с.31-49.
37. Горелов А.А. Введение в книге: Русская литература и фольклор. - Л.: «Наука», 1982.
38. Гудок В.С. Афоризм и пословица // Вопросы русской литературы. - Львов, 1967, с. 96.
39. Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. ЎХИ. –Т.: FACH, 1967.- 250 б.
40. Гусев В.С. Эстетика фольклора. –Л., 1967.
41. Гусев В.С. О фольклоризме русской литературы XYIII века. ТОДРП. 24 том. –Л., 1969.
42. Дағат У.Б. Фольклор в творчестве Янки Купалы. –М., 1968.
43. Дағат У.Б. Литература и фольклор – М.: “Наука”, 1981. -303 с.

44. Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. Маҳорат ват ил ҳақида мулоҳазалар. – Т.: Ўздавнашр, 1962. –Б. 316.
45. Емельянов Л.И. К вопросу о фольклоризме древней русской литературы // Русской фольклор. Том YII. –Л., 1962.
46. Емельянов Л.И. Методологические вопросы фольклористики. – Л.: «Наука», 1978, с.171-197.
47. Ефимов А.И. Язык сатиры Сальтиков Шедрина. - М.: Изд-во МГУ, 1953.
48. Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари. – ЎТА, 1982, 2-сон, 55-58-бетлар.
49. Ёрматов И. Ҳозирги ўзбек лирикасидаги синтезлашган фольклоризмлар хусусида // ЎТА, 1985, 2-сон, 35-39-бетлар.
50. Жалолов F. Ҳамза поэзияси ва халқ оғзаки ижоди. – Т., 1975.
51. Жалолов F. Ўзбек эртаклари поэтикаси. – Т.: “Фан”, 1976, 72-бет.
52. Жалолов F. Ҳамза драматургияси ва фольклор. – Т., 1988.
53. Землянова Л.М. О роли фольклора в литературной деятельности П.И.Якушкина // Русский фольклор. 19 том. –М.Л.,1958,с.184-202.
54. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди.-Т.: “Ўқитувчи”, 1990.
55. Ирисхўжаева С. Роким марсиялари. - ЎТА, 1972, 4-сон, 61-64-бетлар.
56. Йўлдош Эшбек. Бўшалса, ўзади ўзбекнинг оти. - «Ёшлик», 1990, 9-сон, 3-бет.
57. Йўлдош Эшбек. Маълум масофа. – Т.: FACH, 1991, 84-бет.
58. Каримбоева Р. Ш.Саъдулла ижодида фольклор традициялари // ЎТА, 1976, 1-сон, 74-75-бетлар.
59. Кенжабоев Мирза. Муножот. Шеърлар. – Т.: FACH, 1986, 21-бет.
60. Кубилюс В. Формирование национальной литературы-подражательность или художественная тарнсформация // Вопросы литературы, 1976, № 8, с. 21.
61. Левинтон Г.А. Заметки о фольклоризме Блока // Миф-Фольклор-Литература. - Л., «Наука», 1978, с.171-186.
62. Маъдаев О. «Алпомиш” билан сұхбат. –Т.: “Маънавият”, 1999, -76 б.
63. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: FACH, 1974.
64. Мамажонов С. F.Гулом прозаси. – Т.: “Фан”, 1966, 210-225-бетлар.
65. Мамажонов С. Фольклор заминида // Шоир дунёси. –Т., 1974.
66. Мамажонов С. Адабиёт ва фольклор // Сайланма. –Т., 1981.
67. Махмудов Талъат. Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Баҳтиёр” эртак достони ва унинг фольклор асослари // Адабиёт ва ҳаёт. СамДУ илмий тўплами. –Самарқанд, 1969, 84-100-бетлар.
68. Миразиз Аъзам. Ҳақиқатнинг кўзлари. - Т.: FACH, 1988.
69. Мирзаев М. Сюжетно-композиционные особенности узбекских поэм 70-80-х годов. КД. – Т.,1989.
70. Мирзаев С., Файзиев А. Абдулла Қаҳҳор прозасида халқ оғзаки ижоди // ЎТА, 1967, 3-сон.

71. Мирзаев Т. Ўзбек халқ достончилик ижодига ёзма адабиётнинг таъсири // ЎТА, 1970, 5-сон, 51-55-бетлар.
72. Мирзаев Т. Халқ баҳшилари эпик репертуарларининг асосий хусусиятлари. –Т.: “Фан”, 1979.
73. Мирзаева Зебо. Тун маликаси. – Т.: FACH, 1990.
74. Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор анъаналари. Фольклоршуносликдан ўқув-услубий қўлланма. –Т.: “Истиқлол”, 2005. – Б.83.
75. Мирзо Кенжа. Руҳим еллари. – Т.: FACH., 1990, 176-бет.
76. Миф – фольклор – литература. Л.: Наука, 1978. – 252 с.
77. Межелайтис Э. Тунги капалаклар // Камалак. Адабий-танқидий йиллик тўплам. – Т.: “Ёш гвардия”, 1989, 286-315-бетлар.
78. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси тарихий асослари, бадиияти. – “Фан”, 1995, 29-бет.
79. Мусақулов А. Халқ қўшиқларида от ишончининг бадиий ифодаси. – ЎТА, 2004, 4-5-6-сонлар, 68-бет.
80. Мухаммад Юсуф. Уйқудаги қиз. –Т.: FACH, 1989.
81. Мухаммад Юсуф. Ҳалима энам аллалари. Тошкент: «Чўлпон», 1991, 16-бет.
82. Мухаммад Юсуф. Сайланма. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциадорлик компанияси бош таҳририяти, 2004. – 287 б.
83. Мўминова Зулфия. Ёнаётган аёл. – Т.: FACH, 1992.
84. Мўминов Ғ. Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди // Ҳамза ҳақида мақолалар. Т., 1960.
85. Мўминов Ғ. Ўзбек совет адабиёти тараққиётида фольклорнинг роли. – Т.: «Фан», 1985.- 128 б.
86. Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм. ДДА. – Т., 1994. – Б.54.
87. Нарзиқулова М. Сабъаи Сайёр достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклоризмидаги Баҳром сюжетининг талқини. НД. – Т., 2006.
88. Носиров О., Собиров О. Халқ ижоди хазинаси. - Т.: FACH, 1986, 138-б.
89. Омон Матжон. Дилемнинг рангини гул билса бўлди // Мувозанат. - Т.: «Ўзбекистон», 1990, 260-бет.
90. Омон Мухтор. Шиддат. –Т.: FACH, 1990.
91. Орипов Абдулла. Йиллар армони. –Т.: FACH. 1989, 165-бет.
92. Очилов Б. Ҳамид Олимжоннинг шеърларига Халқ оғзаки ижодининг таъсири // ЎТА, 1989, 4-сон, 54-58-бетлар.
93. Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. ЎХИ. –Т.: FACH, 1972.
94. Прозоров В.В. М.Е.Салтыков-Щедрин // Русская литература и фольклор. - Л.: “Наука”, 1982, с. 91.
95. Пропп В.Я. Принципы определения жанров русского фольклора (Специфика жанров русского фольклора). – Горький, 1961, с.3-7.

96. Рахимжонов Н. Тенденция развития современной узбекской поэзии (70-80-годи). АКД, Т., 19....
97. Русская литература и фольклор (XI-XVIII). –Л.: “Наука”, 1970. –С. 430.
98. Русская литература и фольклор (Первоя половина XIX в). – Л.:”Наука”, 1976. –С. 455.
99. Русская литература и фольклор (Вторая половина XIX века). – Л.: «Наука», 1982. –С.444.
100. Русская советская поэзия и народная творчества. - М.-Л., 1963. Т. 7., М-Л., 1962;
101. Рустам Мусурмон. Руҳимнинг товуши. – Т.: «Камалак», 1995, 19-бет.
102. Салимов С. Оққушим. – Т.: FACH, 1979. - 44 б.
103. Саримсоқов Б. Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларида доир изланишлар. - ЎТА, 1976, 5-сон, 85-бет.
104. Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир. - ЎТА, 1980, 4-сон, 37-45-бетлар.
105. Саримсоқов Б. Халқ достонлари таснифи ва оралиқ шакллар масаласи // ЎТА, 1981, 3-сон, 37-47-бетлар.
106. Саримсоқов Б. Фольклор ва адабиёт муносабатларидағи акс жараённинг ҳозирги ахволи // ЎТА, 1988, 6-сон, 21-27-бетлар.
107. Сафаров О. Фольклордан илҳомланиб // Болалик куйчиси. –Т.: “Фан”, 1978, 100-158-бетлар.
108. Сафаров О. Қуддус Мұхаммадийнинг фольклордан фойдаланишига доир // Ўзбек совет фольклори масалалари. 1-китоб. – Т., 1979, 207-212-бетлар.
109. Сафаров О. Фольклор ва болалар адабиёти // ЎТА, 2003, 6-сон, 20-26-бетлар.
110. Сафаров О. Келажак тонгининг чироқларисиз. Рисола. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2003.
111. Сафаров О. Ҳамид Олимжон шеърий адабий эртаклари // “Педагогик маҳорат” журнали, 2003, 4-сон, 62-63-бетлар.
112. Сафаров О. Тургунбой Ёйибов – эртакнавис адаби // “Педагогик маҳорат” журнали, 2005, 1-сон, 71-75-бетлар.
113. Safarov O. O`zbek bolalar adabiyoti va folklori. –Buxoro, 2007, 137-163-betlar.
114. Safarov O., O`rayeva D. O`zbek xalq og`zaki badiiy ijodi. 2-jildlik. 1-jild. - Buxoro: BuxDU nashriyoti, 2006.
115. Собиров О. Фольклор анъаналари ҳақида муроҳазалар // ЎТА, 1968, 6-сон, 24-27-бетлар.
116. Собиров О. Ўзбек совет адабиётида фольклор ва фольклор анъаналари // Ўзбек совет фольклори масалалари. Тадқиқотлар. 1-китоб. – Т., 1970, 125-143-бетлар.
117. Собиров О. Яшин ва халқ ижоди. –Т., 1972.
118. Собиров О. Ойбек ижодида фольклор. – Т.: FACH., 1975, 33-59-бетлар.
119. Собиров О. Сарчашма адаб ижодида. – Т.: “Фан”, 1975.

120. Собиров О. Фольклор анъаналари ва ўзбек совет адабиётида халқчиллик // ЎТА, 1978, 2-сон, 22-25-бетлар.
121. Собиров О. Реалистик проза ва фольклор. –Т., 1979.
122. Собиров О. Халқ ижоди хазинаси. –Т.: FACH, 1980, 79-88 бетлар.
123. Тошпўлатов З. Афоризм адабий жанр сифатида. – ЎТА, 2004, 2-сон, 54-57-бетлар.
124. Тошпўлатов З. Афоризмлар таснифига доир. – ЎТА, 2005, 2-сон, 77-81-бетлар.
125. Тулаков И. Поэтические традиции и характер героя в узбекской советской поэме (60-70-е годы) КД. - Т., 1981.
126. Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини. АКД. - Т., 1994.
127. Тўра Сулаймон. Гулшан. Шеърлар, достон. - Т.: FACH, 1988, 97-бет.
128. Тўхлиев Б. “Қутадғу билиг” ва халқ оғзаки ижоди // ЎТА, 1988, 4-сон, 51-54- бетлар.
129. Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Т.: “Шарқ”, 1997, 289-бет.
130. Шарипов Р. Стилевые особенности современной узбекской поэзии (80-е годы). АКД.- Т., 19....
131. Шаропова Н. Оғзаки лирика жанрларига мурожаат этиш тамойили. - ЎТА, 1998, 2-сон, 28-32-бетлар.
132. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси. - Т., 1990, 46-б.
133. Шотт И.М. Фольклор в творчестве Янки Купалы. - М. “Наука”, 1968. -192 с.
134. Умурев Ҳ. Адабиёт қоидалари. – Т.: “Ўқитувчи”, 2002, 79-бет.
135. Усмон Азим. Сайланма.-Т.: «Шарқ», 1995, 244-б.
136. Усмон Қўчқор. Аксиз садолар. – Т.: FACH, 1986, 45-бет.
137. Усмон Қўчқор. Оғир карвон. Шеърлар. - Т.: FACH, 1991. – 128 б.
138. Федоренко Н.Т., Сокольская Л.И. Афористика. - М.: «Наука», 1990, с.30-37.
139. Фольклор. Поэтика и традиция. –М.: “Наука”, 1982.-344 с.
140. Фольклор, литература и история востока // Материалы всесоюзной тюркологической конференции. – Т.:Фан», 1984. –С. 422.
141. Худойбердиева Ҳ. Бу кунларга етганлар бор. –Т.: FACH, 1993. -496 б.
142. Худойбердиева Ҳ. Тўмариснинг айтгани.- Т.: «Чўлпон», 1996, 40-б.
143. Худойбердиева Ҳ. Сайланма. Шеърлар, туркумлардан. – Т.: “Шарқ” нашриёт - матбаа концерни, 2000. - 448 б.
144. Эшонқул Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: “Насаф”, 1999, 23-бет.
145. Эшқобил Шукур. Яшил қушлар. –Т.: «Ёзувчи», 1995, 42-бет.
146. Эшқобил Шукур. Ҳамал айвони. «Шарқ». 2002, 196-б.
147. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: «Фан», 1971, 86-87-б.
148. Ярматов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60-е и начало 80-х годов). АКД. – Т.,1985.

149. Яхё Тоға. Халқ оҳангидা // Ёшлиқ, 1991, 2-сон, 7-бет.
150. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, 1-том. –Т., 1988, 131-бет.
151. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: «Русский язык», 1981.
152. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: “Фан”, 2004. –Б. 120.
153. Қаҳҳор А. Асарлар. 5 жилдлик. 4-жилд. Пъесалар. Портретлар. Фельетонлар. – Т.: FACH, 1988. Б. 334.
154. Қурбонов Ш. Бир қалб манзараси. –Т.: FACH, 1990.
155. Ғафур Ғулом. Фольклордан ўрганайлик. Адабий-танқидий мақолалар. 1-тому. –Т., 1973.
156. Ҳакимов М. Ёзувчи ва халқ тили. - Т.: «Фан», 1971, 16-19-б.
157. Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. – Т., 1979.
158. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. ТАТ. 2-жилд. – Т.: “Фан”, 1988, 221-бет.
159. Ҳожиахмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия.-Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа канцерни, 1998.
160. Ҳожиева Ойдин. Тамал тоши. - Т.: FACH, 1988.
161. Ҳожиева О. Ишонч юлдузлари. – Т.: “Ёш гвардия”, 1989.
162. Ҳожиева О. Паноҳим. Шеърлар ва ҳикоялар. -Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1998.- 240 б.
163. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. - Т.:«Ўқитувчи», 1979, 37-б.